

Мирза Фатали
ОХУНДОВ



ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1963

Бу тўплам XIX асрда яшаб ижод этган озарбайжон ёзувчиси Мирза Фатали Охундовнинг шеърлари, пьесалари ва бир ҳикоясини ўз ичига олади. Улуғ ёзувчи асарларида ўз давридаги ҳоким табақалар: беклар, амалдорларнинг кирдикорларини фош қилиб, уларни кулги остига олган, халқдан чиққан олижаноб кишилар образини яратган.

Охундов Мирза Фатали.
Танланган асарлар. Шеърлар. Пьесалар. Ҳикоя. Т.,
Уздабийнашр, 1963.
152 бет.

Ахундов Мирза Фатали. Избранные произведения.

С(Озар.)

ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ

1962 йил октябрь ойида совет халқи озарбайжон адабиёти-нинг классиги, улуғ шоири ва адиби, драматурги ва танқидчиси, материалист файласуфи Мирза Фатали Охундов туғилган куннинг 150 йиллигини нишонлади.

Мирза Фатали Охундовнинг асарлари XIX аср озарбайжон адабиётида муҳим ўрин ишғол этади. Классик рус адабиётининг энг яхши илғор анъаналаридан илҳомланган М. Ф. Охундов озарбайжон адабиёти тараққиётида янги йўл очиб берди.

У озарбайжон адабиётига улуғ рус маданияти, адабиёти ва рус тилининг оташин тарғиботчиси сифатида кириб келди. Рус адабиёти билан — А. С. Пушкин, А. С. Грибоедов, М. Ю. Лермонтов, Н. Г. Чернишевский асарлари билан яқиндан танишлиги, декабрист А. Бестужев-Марлинский билан шахсан дўстлиги Охундов дунёқарашининг ўсишига ва бадий ижодиётида демократик ғояларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлди. Янги озарбайжон адабиётининг асосини яратган М. Ф. Охундов чоризм кишанларига қарамай, ўзининг синчков ақлини, оташин қалбини, буюк талантини ўз халқига бағишлади. Асарларини чуқур ғоявий мазмун билан суғориб, озарбайжон адабиёти олдига мутлақо янги, муҳим ва ўз даври учун актуал вазифалар қўйди, уни эскиликка қарши курашда қудратли қуролга айлантirdи. Улуғ рус революцион-демократларидан Белинский, Чернишевский, Добролюбовнинг таъсири остида зулм-истибод ва ҳақсизликка, бидъат ва жаҳолатга, зулмат ва мутаассибликка қарши изчил кураш олиб борди.

У Шимолий Озарбайжоннинг Россияга қўшилишини озарбайжон халқи ҳаётидаги ижобий ва прогрессив ҳодиса деб билди, озарбайжон халқининг ёвуз душманлари — турк султони, эрон шоҳининг йиртқиш башараларини марҳаматсиз фош қилиб ташлади.

М. Ф. Охундов рус ва лотин алифбеси асосида тузилган янги озарбайжон алифбеси учун узоқ йиллар давомида кураш олиб борди. М. Ф. Охундов томонидан тавсия этилган янги алифбе лойиҳаси саводсизликни тугатиш учун воситагина эмас, балки саводхонлик ва маърифатни ислом дини чангалидан қутқариб оладиган, халқни маданий тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқадиган том маънодаги ижтимоий-сиёсий ҳодиса эди.

М. Ф. Охундовнинг ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти озарбайжон халқи ҳаётидаги ажойиб даврга тўғри келади. Шимолий Озарбайжоннинг Россияга қўшиб олиниши мамлакатни турк ва эрон босқинчиларининг чангалидан қутқариб қолиб халқнинг маънавий ижодий кучларининг ўсишига кенг имкониятлар очиб берди, унинг илғор рус ва Европа маданиятидан баҳраманд бўлиши учун янги шароит туғдирди. Озарбайжоннинг илғор кишилари, шу жумладан, М. Ф. Охундов, рус маърифатпарварларининг революцион-демократик ғоялариндан илҳомланиб жаҳолат, қолоқлик, ҳуқуқсизлик ва қашшоқликка қарши кураш байроғини юқори кўтардилар.

Мирза Фатали Охундов 1812 йили Нуха шаҳрида майда савдогар Мирза Мамед Тоғий оиласида дунёга келди. У Хамна қишлоғидаги диний мактабда ўқиди, лекин бу ерда ҳеч қандай маълумот ололмади, бу мактабда ҳукм сурган диний тартиб ва қондалар унинг жигига тегди, нафасини бўғди. М. Ф. Охундов диний мактаблар тўғрисида кейинчалик шундай деб ёзган эди: «Бутун бир йил давомида мактабга мунтазам қатнадим, алифбени ўргандим, қуръондан баъзи сураларни ўқий бошладим, лекин битта ҳам ҳарфга тушунмадим. Бугун ёдлаб олган нарсамни эртасига унутиб қўярдим. Бора-бора ўқиш шундай жонимга тегдики, кеча-кундуз ундан қутулишни орзу қилиб қолдим. Ундан қутулсам ҳар қандай ишга ҳам рози эдим».

Охундов Эронда бир неча йил ҳаёт кечириб, онаси билан ватанига қайтиб келади. Еш Фаталини ўқитиш ва тарбия қилишни унинг тоғаси Али Асқар Охунд ўз зиммасига олади. У Фаталини ўқитиб, руҳоний қилиш мақсадида, Ганжадаги дўсти руҳоний мулла Ҳусейнга шоғирд қилиб беради. Мулла Ҳусейн Фаталига араб, форс тилини ўргатади, диний-хурофий фанлардан таълим беради.

Агар Мирза Фатали Ганжада улғу озарбайжон шоири — файласуф Мирза Шофий Возиҳни кўриб, унинг насихатига қулоқ солмаганда, эҳтимол, руҳоний бўлиб етишиб чиқарди. Возиҳ унда диний-хурофий тушунчаларга нисбатан нафрат уйғотади, онгини бундай бўлмағур тушунчалардан тозалайди. Бир куни Возиҳ билан Фатали ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

«— Мирза Фатали, ўқиб ким бўлмоқчисан?

— Руҳоний бўлсам, дейман.

— Ҳали шунча ўқиб иккиюзламачи бўлиб етишаман, дегин?!

Мен бу сўзни эшитиб ҳайратда қолдим.

Мирза Шофий шундай деди:

— Мирза Фатали, бу жоҳиллар орасида умрингни бекорга ўтказма. Бошқа касб-кор танла...

Мирза Шофий менинг кўзимни очди. Менда руҳонийларга нисбатан нафрат пайдо бўлди ва руҳоний бўлиш ниятимдан қайтдим».

Мирза Фатали Ганжадан Нухага қайтиб келгач, Али Асқар Охунднинг рухсати билан рус мактабига ўқишга киради ва у ерда қисқа муддатда рус тилини ўрганади.

1834 йили йигирма икки ёшли Охундов Тифлисга келади ва Кавказ бош идорасининг граждан ишлар бўйича таржимони бўлиб ишга киради.

М. Ф. Охундов барон Розен маҳкамасида ишлаш билан бир вақтда, Тифлис уезд мактабида ўқитувчилик ҳам қилади. Мактабда озарбайжон тилидан дарс беради. Бу мактабнинг директори машҳур арман маърифатпарвар ёзувчиси Хачатур Абовян эди. Мирза Фатали Охундов Абовян билан танишади ва кўп ўтмай у билан дўст бўлиб қолади.

Тифлис муҳити, адабиёт олами, янги-янги кишилар билан та-нишув, бадий-фалсафий адабиёт, рус журналлари М. Ф. Охундов-нинг дунёқарашини ва ижодий талантини ривожлантирган омил-лардандир. Қисқа вақт ичида у фақат Кавказдагина эмас, балки Россия, Англия, Франция, Туркия ва Эрондаги кўзга кўринган илғор одамлар билан алоқа боғлайди. Бу даврда Охундов Кавказ археология жамияти, рус императорлик география жамиятининг Кав-каз бўлими ва шунинг каби бошқа кўп илмий ва оммавий ташкилот-ларда фаол иштирок этади.

Буларнинг бари улуғ маърифатпарвар ёзувчига ҳамма қоби-лятларини такомиллаштириш учун қулай шароит яратади.

М. Ф. Охундов Озарбайжонда янги, материалистик дунёқарашга асос солди, сиёсий ва фалсафий фикрнинг ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Олтмишинчи йилларда у ўзининг машҳур фал-сафий рисоласи «Хинд шаҳзодаси Камол-уд-Довланинг эрон шаҳзо-даси Жалол-уд-Довлага уч хати ва Жалол-уд-Довланинг унга жаво-би»ни ёзади. Охундов ўзининг бу асарини тавсифлаб автобиография-сида шундай дейди:

«...Ислоҳ дини ва унинг мутаассибликдан иборат қонун-қоида-лари янги алифбе, маданият ва умуман тараққиёт ишига тўсиқ бўли турганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин ва бу диннинг асосини емириш, мутаассибликка зарба бериш ва Осиё халқларини ғафлат уйқусидан уйғотиш... иштиёқи билан «Камол-уд-Довла»ни ёза бошладим».

М. Ф. Охундовнинг фалсафий рисоласи диннинг кирдикорларини, ҳақсизлик ва жаҳолатни шафқатсиз фош қилиши билан ўша давр материализми ва атеизмининг, ижтимоий-сиёсий сатиранинг, жанговар публицистик адабиётнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. М. Ф. Охун-дов идеализм ва динга қарши кураш олиб бориб, материяни билиш мумкинлигини исбот қилишга уринди.

М. Ф. Охундов озарбайжон адабиётида адабий танқидчиликни яратган ва ривожлантирган. Унинг санъат ва адабиёт ҳақидаги қар-ашлари материалистик фалсафий фикрлар билан суғорилган, ижти-моий-сиёсий ғоялар билан мустаҳкам боғлангандир.

Улуғ мутафаккирнинг бадий адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги роли, реал борлиққа ёзувчининг муносабати, ғоявийлик, ҳақгўйлик, бадий асарнинг соддалиги ва халқчиллиги, шунингдек мазмун ва шакл масалаларида айтган фикрлари олтмишинчи йиллардаги рус революцион маърифатпарварларидан Белинский, Чернишевский, Доб-ролюбовларнинг илғор ғояларига жуда яқин туради.

Адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолишига, ғоясизликка қарши қаттиқ курашган Охундов реализм байроғини баланд кўтарди, ёзувчилар олдига аниқ вазифалар қўйди. М. Ф. Охун-дов ҳаёт ҳодисаларини реал, ростгўйлик билан акс эттиришни, маз-муннинг равшан бўлишини, ғоянинг юксак ва таъсирли чиқишини талаб қилди. Шарқ классик адабиётидаги эскирган, санъаткор-нинг ижодий имкониятларини чеклаб қўядиган мадҳия ва қасида сингари жанрлардан воз кечиб, халқчил ва эпик жанрларни тарғиб қилди. Чунки бу жанрлар орқали халқ ҳаётини, унинг оруз-армон-ларини, руҳи ва маданиятини кенгроқ акс эттириш учун катта им-кониятлар мавжудлигини сезган эди.

М. Ф. Охундов ўз даврининг оташин журналисти ҳам бўлган. У «Ек. Кельмега танқид», «Файласуф Юмга жавоб», «Бабизм док-

«Хасиснинг саргузашти» (ёки «Ҳожи Қора») Мирза Фатали Охундов ижодида алоҳида ўрин тутади. 1852 йили ёзилган бу комедия шу пайтга қадар қимматини йўқотган эмас, озарбайжон театрлари сахналарида ҳануз қўйиб келинади.

«Хасиснинг саргузашти» ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаги озарбайжон ҳаётини танқид қиладиган комедиядир. Автор бунда ҳам, илгариги комедияларидаги сингари, жамиятдаги камчилик ва нуқсонларни шунчаки танқид қилибгина қолмай, ёмонликнинг чуқур илдиэларига ҳам кўз ташлайди. Ҳалол турмуш кечиришга, худбинликдан воз кечишга, шахсиятпарастликка қарши курашга чақиради.

Асарнинг марказий қаҳрамон ўзининг хасислиги, шайтонлиги ва алдамчилиги, мунофиқлиги ва иккиюзламалиги, сариқ чақа учун виждон сотиш каби «фазилат»лари билан феодал ўтмишга нисбатан ғазаб ва нафратимизни кўзгайди. Озарбайжонда Ҳожи Қоранинг номи хасислик, пулпарастлик тимсоли бўлиб қолган. Ёзувчи синган номешчиклардан Ҳайдарбек ва Сафарбеклар шахси орқали феодал турмушининг текинхўрлиги ва қотиб қолганлигини, сохталик ва риёкорлигини кўрсатиб беради. Ҳайдарбек ва Сафарбекларнинг ваҳшийлиги, йиртқичилигига деҳқоннинг ҳалол меҳнатини, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни қарама-қарши қўяди. Асарда деҳқонларнинг оғир аҳволи ажойиб деталлар орқали тасвирланган, озарбайжон ва арман деҳқонларининг ҳамкорлиги, уларнинг офат пайтидаги ўзаро қардошларча ёрдамлари кўрсатилган.


Ёзувчи ўзининг «Қароқчини енгган айиқ» комедиясида ёш камбағал йигит Байрамнинг помешчик Машади Қурбоннинг қизи Паризодга бўлган овоз севгисини кўрсатади ва бунда тенгсизлик, ижтимоий адолатсизликка қарши курашади.

М. Ф. Охундов умрининг охиригача деҳқонлар оммасининг эксплуатация қилинишига, чор амалдорлари ва бекларига қарши курашади. Эксплуататорларнинг шафқатсизлиги, қўрқоқлиги, мунофиқлигига халқнинг мардлиги, ҳалоллиги, фидокорлиги, тўғри сўзлиги, меҳнатсеварлигини қарама-қарши қўяди.


Реалистик адабиёт учун курашда М. Ф. Охундов бутун бир мактаб яратди. Озарбайжон адабиётининг бутун бир плеядаси унинг фаолиятдан таълим олди. Улуғ маърифатпарвар ёзувчи фақат озарбайжон адабиётидагина эмас, балки Шарқ халқлари адабиётининг кўпчилигига таъсир этган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси М. Ф. Охундов меросини ўрганишга йўл очиб берди, унинг номини Совет Иттифоқи халқлари орасида кенг ёйди, ҳозир маърифатпарвар ёзувчининг адабий меросидан барча халқлар баҳраманддирлар. Мирза Фатали Охундов туғилган кунга юз эллик йил тўлган кунда совет халқлари унинг номига янада юксак ҳурмат билан хотирлайдилар.

Ҳидоят Афандиев



ШЕЪРЛАР



А. С. ПУШКИН ВАФОТИГА

Кўзларимга уйқу келмай ухламадим кечаси,
Дилга дедим:— Эй сирларнинг жавоҳир хазинаси!
Нима бўлди, гулзорингда булбулларинг сайрашмас?
Нима бўлди, сўз тўтиси оғиз очмас бир нафас?
Не сабабдан тўсилгандир шеърятнинг йўллари?
Нега энди юрмай қолди хаёлингнинг чопари?
Баҳор келди. Томоша қил: кўкаламзор қизлари
Ясанишиб, балқиб турар жамоллари — юзлари.
Бинафшазор яшнамоқда ирмоқ бўйи чаманда,
Гулнинг олов ғунчалари кулимсайди гулшанда,
Безанган чўл келинига тутайин деб тўёна,
Тоғ тўплабди этагига чечаклардан дурдона.
Дарахтларнинг подшоҳи бошга қўйиб зумрад тож,
Боғ саҳнида мағрур турар, фуқароси гул-оғоч.
Нилуфар ҳам савсанларнинг бошлиқлари кўтаргай
Шоҳларининг соғлиғига лола жомда шудринг — май.
Чаманларнинг дастурхонин ёсуманлар тузаган,
Хумор наргис унга боқса, кўзи қамашар экан.
Боғ сайрида кезганларга «Меҳмон, хуш кебсан!» дея
Булбул этар чимдимида гул баргини ҳадя.
Гулистонга сув сепай деб қовуштирган булут қўл,
Шабадалар гулшанларга гулоб атрин пуркар мўл.
Тонгда майин овоз билан қушлар бўлиб нағмасоз.
Чақирар:— Эй кўкат қизи, бошинг кўтар, қил пардоз!
Бу бозорга келганлардан ҳунарсизи йўқ асти,
Ҳар ким бирон мато қўйган, йўқса бунга келмасди.
Бири дилбар ҳусни билан ишва қилар, ноз айлар,
Бири эса ўз ишқини оламга овоз айлар.

Еппасига тўй-томоша, барчаси ҳам қувноқ, шод,
 Бу чоғ ҳамма «хайр» дейди қайғуларга умрбод...
 Сен-чи, эй дил, суюнишдан, шодликлардан йироқсан,
 Наҳот, жимлик уйқусидан уйғонмабсан шу чоқ сен?
 На кўнгилда ҳавасинг бор, на бошингда ишқ-савдо.
 Наҳот дебсан шеърятга, шуҳратларга «алвидо»?
 Сен эмасми, тиркай десанг назминг аро дурдона,
 Тафаккурнинг денгизига чўмар экан мардона —
 Инжулардан шеърлар тизиб зебу зийнат яратган,
 Бу совғани минглаб маъно қизларига таратган!
 Нега ҳозир паришонсан, айт-чи, нима дардинг бор?
 Нега бугун ғамзадасан, нега малул ва абгор?
 Кўнгил менга жавоб берди: «Эй ёлғизлик сирдошим,
 Қўйгин мени ўз ҳолимга! Ўз кулфатим — ўз бошим!
 Агар мен ҳам чамандаги келинчаклар сингари
 Билмасамки, баҳордан сўнг эсар хазон еллари —
 Агар учсам жангда шуҳрат топмоқлик чуввосига,
 Тил қиличин қуршатардим сўзлар чавандозига.
 Лекин менга аниқ бўлди: замона бевафодир,
 Оқибати пуч экандир, иши жабру жафодир.
 Ахир, тузоқ хатарини кўра туриб билган қуш,
 Бир дон учун домга тушса унда борми ақлу ҳуш?
 Бу дунёда дабдаба-ю, шуҳрат деган ҳой-ҳавас
 Баланд гумбаз бўшлиғида ноғорадай гап, холос,
 Қўйгин бошқа хаёлларни, мен-ку яхши биламан:
 Аксий фалак ҳунар аҳлин сийламоқда не билан.
 Наҳотки, сен эшитмабсан, эй дунёдан беҳабар,
 Пушкин номли у зотники, шоирларга бош раҳбар?!
 У Пушкинки, унинг сўзга оро бериш санъатин
 Ҳар бурчакда юзлаб садо олқишларди куну тун,
 У Пушкинки, қаламининг остида оқ қоғози
 Мисраларнинг сиёҳидан қораймоққа шод — рози.
 Товус каби шўх хаёли кезганида хиромон,
 Сўзларидан минг-минг нақш бўлган эди намоён.
 Ломоносов жило берди шеърятнинг уйига,
 Пушкин эса ўша уйга бўлиб қолди чин эга.
 Гарчи кириб фатҳ айлади Державин сўз диёрин,
 Пушкин олди ўша мулкка султонлик ихтиёрин.
 Маърифатнинг шаробидан Карамзин жом тўлатди,
 Бу лим тўлган май косасин Пушкин ичиб бўшатди.
 Николайнинг донғи кетса Чинга, Татаристонга,
 Пушкиннинг чин фазилати машҳур бўлди жаҳонга.
 Шарқ аҳлига ой ўроғи бўлганидай хуш ирим,

Пушкин қўли Шимол кўкин рамзи эди бежирим.
Бундай зийрак, ақли расо ўғилни ҳақиқатан
Туққан эмас тўртта она ҳануз етти отадан.
Энди эшит ва ажаблан: шунча ота ва она —
Унга бағритошлик қилди уялмай, разилона...
Унинг танин мўлжал қилди улар ўлим ўқиға.
Кесишди жон томирини, афсус, инсоф йўқ экан!..
Буюрдилар: юзи қора булутдан дўл тўкилди,
Унинг ҳаёт дарахтидан мевалар мўл тўкилди.
Ажалнинг тунд ели унинг руҳ чироғин сўндирди,
Вужудининг ётоғига қора зулмат қўндирди.
Унинг ниҳол қоматини бу гулистон саҳнидан
Кекса боғбон кесиб олди теша билан дафъатан.
Маъноларнинг хазинаси у бошкоса, замона —
Гардишидан энди бўлди илонларга ин — хоҲа.
Таъб булбулин сайратувчи ғунча қалби чириган,
Энди қаранг, бу тупроқдан бош чиқарди хор-тикан.
Баданининг уясидан учиб кетди руҳ қуши,
Ғамга ботди бу ватаннинг хоҳ қариси, хоҳ ёши.
Рус тупроғи аза тутиб марсияда бўзлайди,
«Хароб бўлдинг паст қотилнинг дастидан!» деб
сўзлайди..

Шум тақдирдан, шу жодугар кампир деган балодан,
Эсиз, сенинг тилсимларинг бўлмади балогардон.
Олис кетдинг дунёдаги ёронлардан абадий.
Осмонда ёрлақасин сени тангри раҳмати!
Боқчасарой фонтанида бир жуфт гулинг атрини
Баҳордаги шабодалар элтиб ўпар қабрингни.
Сенинг шеъринг инъомига бу мўйсафид Кавказ ҳам
Сабухийнинг¹ байти билан тутмоқда чуқур мотам!..

1837 йил.

¹ С а б у х и й — М. Ф. Охундовнинг шеърда қўллаган тахаллусидир.

САИД АЛАМДОР САЛЕНИЙ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Қисқартиб олинди

Салёнда борди бир Сайид аламдор¹,
Туғ тутиб бўлмишди муҳтарам, донгдор.
Муҳаррам ойида кўтариб байроқ,
Кишилар устида ўйнатиб ҳар чоқ,
Дерди у: Назиринг бордир, эй одам,
Ўйнамас йўқса бош узра бу алам.
Айтгин-чи, назирни бермас қай инсон?
Ўзрга ўрин йўқ бунга ҳеч қачон.
Ҳар кимса чиқариб ёндан бир манот,
Дерди, эй Сайид, ол, бас бўл, кетгил бот!
Назирни бермоқлик элга бож эди,
Лекин Сайид кўзи доим оч эди.
Елғончи бойимас, доим ранж тортар,
Бўлса-да фаранги, немис ё татар.
Ўзилмай қарз-қурздан Сайид бечора,
Оқибат тонарди, йўқ ўзга чора.
Аттордан қарз бўлди Сайид ўн туман,
Муҳлати етгач у тонди дафъатан.
Аттор ҳам чақирди қозни ёнига.
На қилсин, оташлар солди жонига.
Деди: «Эй қози, адл бирла дод айла,
Пайғамбар, имомлар руҳин ёд айла!
Сайидга яхшилик мен бисёр этдим,
Билдимки, тўғридир «Лиман ахсантум»!²
Олган ўн туманни айлайди инкор,

¹ Аламдор — байроқдор.

² Лиман ахсантум — кимга яхшилик қилдинг?

Унда на шарм бор ва на ҳаё бор!»
 Қози деди: «Сайид, жавоб бер, қани?
 Айбсиз ким бадном айлар кимсани?»
 Сайид деди: «Қози, азиз, муҳтарам,
 Мени фосид ишда кўрдингми бир дам?»
 Қози фаросатли ва одил эди.
 Сайиднинг додини бермоқчи бўлди.
 Деди: «Кўп кўрганман, савол не ҳожат
 Сендан жавоб кутар киши бу соат».
 Сайид деди: «Бу сўзни айтдим, мен қачон?»
 Қози деди: «Гапиргил тап тортмасдан сан!
 Хотинингни қўйгач сен маҳрин бермай,
 Енимга келмаган эдингми атай?
 Гап-сўзни қўяйлик, оғойи киром,
 Қисқа қил, бу гаплар этмасми мулзам?»
 Сайид деди: «Сўзимни яхши ҳам кесдинг,
 Нима айб қилибман, сен нима сездинг?»
 Қози деди: «Айбинг кўп, нечун унутдинг,
 Мени сен гўдак-ла қилурмисан тенг?
 Бир кун мирза Раҳим сени, эй махдум,
 Бунда келтирганди, қандай унутгум!
 Жанжалларинг боғ эди, қисқа бўлсин гап,
 Боғ унга ҳал бўлди, сен қолдинг қараб».
 Сайид деди: «Яна сен кўрдинг қандай ҳол?»
 Қози деди: «Бас қил, жим бўлгил дарҳол!
 Келгандинг сен қамиш даъвоси ила,
 Арзу ҳол қилишиб кемачи била.
 Келгандинг бу ерга, эй бешарм киши!
 Мулла Акбар билар бу фосид ишинг».
 Сайид деди: «Эй қози, ушбу гап етар,
 Шарият паноҳдир, кўп келсам нетар.
 Умримда дедимми ҳаргиз мен ёлғон?
 Мана мен, гувоҳдир ўртада қуръон».
 Қози деди: «Сайид, қизишма, сабр эт,
 Сўзингдан юзларинг бўлгуси шувут.
 Ўжарлик қилмагил, даркорми қасам?
 Ёлғончи эурсан, шоҳиддир олам.
 Ёлғонни сўзловчи, сўзлар оҳиста,
 Ё пинҳон, яширин ва ёки аста.
 Ямламай ютасан ёлғонни ҳар дам,
 Бу хилда ёлғонни билмайди курд ҳам.
 Дегайсан, эй золим, элга сен ошкор:
 Бу байроқ ҳар ишдан бўлгай хабардор.

Елғондан эмасми бу сўз, ноинсоф?
Бас қил, садоқатдан ортиқ урма лоф». Сайид ғамгин бўлиб бош солди қуйи,
Жим қолди оқибат, мот бўлган кўйи.
Ҳолига ниҳоят раҳм этди қози,
Даъвогар атторга деди: «Бўл рози,
Даъводан воз кечгил, айлагил эҳсон,
Сайидга бағишла, у кўп нотавон».
Қози сўзин аттор айлади қабул,
Силкиди шул замон ўз пулидан қўл.
Ушбу ҳол Сайидни хуррам этмишди,
Хусусан муҳаррам ойи етмишди.
Бошқа бир пешаси йўқ эди зинҳор,
Елғонни сўқишга тушди у такрор.
Сайид бўлган одам ёлғончи бўлур,
Фақат ёлғончимас, тиланчи бўлур.
Чунки йўқ унда ҳеч касбдан аломат,
Кўрсатур турфа хил «кашфу каромат».
Бири дер, эл аро соҳиб нафасман,
Дуойим мустажоб, кўп забардастман.
Бири дер, қошимга келса ногирон,
Топади шифосин, бўлур соғ-омон.
Елғон-ла кечади доим кунлари,
Тубанлик ишлари ҳижратдан бери.
Сайид бўлма, жоним, бўлма текинхўр,
Халқимиз наздида бўлгил сен манзур.

* * *


Ахтармоқ бўлдим мен шон-шуҳрат ва ном
Жаннат ҳурларидан кечдим батамом.
Не учун ҳар куни ўқурсан оят?
Жаннатнинг ҳуридан чиқмагай ҳожат.
Бу бўлар-бўлмасга бермадим кўнгил,
Намозу рўзадан юз бурдим буткул.
Маърифат олами сари одим бос!
Сен учун ҳурлардан бу минг бора соз.
У бўлса оқиллар руҳин лаззати,
Бу бўлар жоҳиллар нафсин иззати.

САИИДГА ХИТОБ

Сайидо, нури чашмим, бир насиҳат айлайин, тингла!
Илмга боғла бел, ҳо-ю, ҳаваснинг йўлидан борма!
Ўқи, турки, араб, форсу француз тилларин ўрган,
Талаб эт ҳусни иншони ва ҳусни хатни ахтарма!
Сажу қофия бирла ёзмоғинг даркор эмас, билгил,
Қаломинг оммабоп бўлсин, равон ёзмоғдан ҳорма!
Гапирган чоғда қандай сўзласанг сен ихчаму содда,
Ёзувда ҳам сўзинг кўзин чиқариб, бошини ёрма!



ПЪЕСАЛАР



МУЛЛА ИБРОҲИМ ХАЛИЛ КИМЕГАР ҲИКОЯТИ

*Тўрт пардада баён этилиб
туғалланадиган ажойиб томоша*

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Мулла Иброҳим Халил — кимегар, қалдақлик.
Мулла Ҳамид — унинг шогирди, самухлик.
Дарвиш Аббос — унинг хизматкори, эронлик.
Ҳожи Карим — заргар, нухалик.
Оға Замон — табиб, нухалик.
Мулла Салмон — марҳум мулла Жалил олимнинг ўғли, нухалик.
Машади Жаббор — савдогар, нухалик.
Сафарбек — мулкдор, бой, нухалик.
Шайх Салоҳ — хочмозлик.
Ҳожи Нурий — шоир, нухалик.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи парда воқеаси Нуха шаҳрида Ҳожи Карим заргарнинг уйида ўтади. Минг икки юз қирқ саккизинчи йилда, баҳор ойларининг ўртасида, хочмозлик Шайх Салоҳнинг Нухага келиши муносабати билан Ҳожи Карим ошналари: Оға Замон табиб, Мулла Салмон, Машади Жаббор савдогар, Сафарбек мулкдор ҳамда Шайх Салоҳ хочмозликни уйига чақиради. Лекин шоир Ҳожи Нурий чақирилмаган бўлса ҳам иттифоқо келиб қолади. Мажлис аҳллари одатдаги кийимларида. Шайх Салоҳдан бўлак ҳамманинг қўлида тасбеҳ. Уй соҳиби Ҳожи Карим заргар мажлис аҳлига қараб муддаосини бошлайди.

Ҳожи Карим заргар. Ҳазратлар, мен сизларни нима мақсадда чақирганимни билсаларингиз керак?

Машади Жаббор савдогар. Йўғ-а, асло билмаймиз.

Ҳожи Карим заргар. Сизларга ғалати бир хабар топиб қўйдим. Қалдақлик Мулла Иброҳим Халил Тифлисга борган эмиш, у ердан рухсат олиб келиб,

Хочмоз тоғларининг бир ерига чодир қуриб олиб, кимё-гарлик қилаётган эмиш. Масалан, эликсир деган бир моддани топибди. Агар шундан бир мисқоли бир ботмон мисга аралаштирилса, мис топ-тоза кумуш бўлар экан-қолар экан.

Оға Замон табиб. Мен ҳам эшитдим.

Ҳожи Карим заргар. Айлис арманлари йигирма беш минг сўм нақд пул келтириб, Мулла Иброҳим Халилдан эллик пуд тоза кумуш олиб кетишибди. Мана, Шайх Салоҳ ўз кўзлари билан кўрибди, шундайми, шайхим?!

Шайх Салоҳ. Азбаройи шифо, шундай, мен ўз кўзим билан кўрдим: кимики Мулла Иброҳим Халилга зарб урилган нақд пул келтирса, икки баробар зарбсиз тоза кумуш олиб кетяпти.

Сафарбек мулкдор. Биз ҳам бориб олайлик!

Мулла Салмон. Мен Ҳожи Раҳим билан дўстман, у жуда пулдор киши. Агар нақд пулингиз бўлмасан-ю, ўн-ўн икки фоиз фойда беришга ҳамда бирон нарсангизни гаров қўйишга рози бўлсангиз, ундан хоҳлаганингизча сизларга ҳам, ўзимга ҳам пул олиб тураман.

Машади Жаббор савдогар. Мулла, менда пул бору, лекин ҳаммаси насия. Тезда ундириб олиш жуда қийин. Агар мумкин бўлса, Ҳожи Раҳимдан менга минг сўм олиб берсангиз, иккита дўконим бор, майли шулар гаров бўлсин.

Ҳожи Карим заргар. Менга ҳам минг сўм олинг, уйимни гаровга қўйдим.

Оға Замон табиб. Менга ҳам минг сўм олинг, хотинимнинг боғини гаровга қўйдим.

Сафарбек мулкдор. Менга ҳам минг сўм олинг, қишлоғимни гаровга қўйдим.

Шоир Ҳожи Нурий (*бемаврид чўнтагидан қоғоз чиқариб*). Ҳазратлар, битта яхши иш қилдим, яъни овар лагиси олтмиш йил бундан аввал Хонбутаё бошчилигида Нухани келиб қирганини назм этдим. Қани, бир қулоқ солинглар, ўқиб берай. Кўрасизлар, нечоғлиқ камолат ва фасоҳат билан ёзибман.

Оға Замон табиб. Эҳ, Ҳожи Нурий, бу мажлис шоирлар мажлиси эмас-ку! Ўзимиз гаплашиб, маслаҳатлашиб ўтирсагу, сен олтмиш йил бундан аввалги воқеани шеърга солдим, эшитинглар, деб хира бўласан-а!

Лазги келибди, кетибди, хўш, бизга нима, бизга бундан нима фойда?

Шоир Ҳожи Нурий (*кўнгли оғриб*). Нега фойдаси бўлмасин? У вақтлар лазгилар оталарингизнинг бошига не-не кулфатлар солганини, уларга нечоғлиқ шафқатсизликлар қилганини кўрасизлар. Утган кунларни билиш фойдасизми?

Ҳожи Карим заргар (*вақти чоғ бўлиб*). Ҳожи Нурий, ҳозир шеърхонликнинг вақти эмас. Бамайлихотир вақт топиб туриб ўқиб берарсан. Қани, сен нима дейсан: Мулла Иброҳим Халилдан кумуш олгани борайликми-йўқми? Зора, сенинг ҳам бу ишга ақлинг етса.

Шоир Ҳожи Нурий (*қайғуланиб*). Йўқ!

Мулла Салмон. Нима сабабдан?

Шоир Ҳожи Нурий. Шу сабабданки, ҳар кимнинг ҳунари ўзи учун эликсир, яъни, оби ҳаётдир. Шундай бўлгандан кейин кимёгарлар орқасидан югуриш нима ҳожат! Мулла Иброҳим Халилни мен кўрган эмасман, аммо фаросатим етади: у макру ҳийла дўкони очган. Гарчи кори фирибидан олдин Тифлисга бориб келди, дейишса ҳам, лекин кимёгарлик қилишига ким рухсат берди-ю, буни ким кўрди? Эликсирнинг оламда вужуди йўқ, модомики, Хочмоздан келган бу Шайх Салоҳ сизларни бир қур ишонтириб, ақларингизни шошириб қўйган экан, энди барибир менинг гапимга ишонмайсизлар.

Ҳожи Карим заргар. Эликсирнинг оламда вужуди борлигига далил кўп, бунинг исботига эҳтиёж йўқ. Сен ҳар кимнинг ҳунари ўзи учун эликсир, дединг. Яхши-си, шу фикрингни исбот қилиб бер. Мен-ку заргарман, аммо харжимнинг кўплигидан қорнимни тўйдиришга ожизман.

Шоир Ҳожи Нурий. Халқ орасида обрўйинг кетиб қолгани учун ожизсан. Ҳеч ким сенга иш буюрмай қўйган. Авваллари сенга бир нима буюртириш учун қанча олтин, қанча кумуш олиб келишса, ярмини ўмариб қолавердинг: мис билан тунч аралаштириб эгаларига қайтардинг. Охирида қилвирлигинг ошкор бўлди. Шундан кейин сенга ҳеч ким иш келтирмай қўйди. Агар ҳалол бўлсанг, албатта, ҳозир бадавлат одамлардан бири бўлиб қолардинг.

Оға Замон табиб. Хўш, мен нимага абгорман?

Шоир Ҳожи Нурий. Шунинг учунки, ўз касб-ко-

рингни ташлаб, билмаган ишингга қўл урдинг. Табиблик сенинг ҳунаринг эмас эди. Отанг Уста Раҳмон сартарош эди. Устараси билан тузуккина давлат орттирган эди, сен ҳаммасини совурдинг. Раҳматлик не-не азоб билан сенга сартарошлик ҳунарини ўргатган эди, сен бунга кўнмай, Тифлис сартарошлари сингари табибликда шуҳрат чиқармоқчи бўлдинг. Натижа нима бўлди? Бир гўристонча одамни жувонмарг қилдинг. Халқ сирингни билиб қолиб, сендан юз ўгирди. Мана энди на сартарошсан ва на табиб... неча марта сенга айтдим-а: рус докторининг ёнига бориб, безгак давосини ўрганиб кел, деб. Безгакни тарвуз суви билан даволашингни қўй, дедим. Гапимга кирмадинг...

Оға Замон табиб (эътироз қилиб). Менга: рус докторлари безгакни «хлеб-соль» билан даволашади, дейишди-да. Рус тилини билувчилардан «соль» нима деб сўрасам, «туз» дейишди. Ия, безгакни туз билан даволаб бўлармишми?!

Мулла Салмон (оға Замонни гапиртирмай). Бас, овозингни ўчир, худога ҳурматинг бўлса, аҳмоқлигингни ташла. У туз бошқа туз. (*Юзини Ҳожи Нурийга буриб.*) Ҳожи Нурий, сенинг гапингга қараганда, мен Қорундек бой бўлишим керак эди. Хўш, нима учун бир бўйра-ю, бир кўзадан бошқа ҳеч нимама йўқ?

Шоир Ҳожи Нурий. Бунинг ҳам сабаби бор. Сен аслда хачирчи бўлишга лойиқ одамсан. Лекин отам мулла эди, шунинг учун мен ҳам мулла бўлишим керак деган фикр миянгни қирчиб қолган. Отанг ўқиған эди, илми, камолати бор эди, мулла эди. Сен бўлсанг ўз отингни ҳам тўғри ёзолмайсан, шу аҳволда қандай қилиб мулла бўласан? Илм отангининг пўстини эмаски, бола-чақасига мерос қолдирса. Шу сабабдан халқ орасида қадр уқиматинг йўқ. Қандай қилиб бой бўласан? Агар хачирчилик қилганингда, шу сумбату, шу кучинг билан йилда бемалол юз эллик сўм топардинг.

Сафарбек мулкдор. Хўш, менинг нимага давлатим йўқ?

Шоир Ҳожи Нурий. Сен мулкдорсан, сендан лозими — эктириш, пичан ўрдириш, давлат орттириш эди. Лекин умрингни уриш-жанжал билан хазон қилдинг: у билан уришдинг, бу билан ёқалашдинг, одамларни бўлмағур сўзлар билан сўкдинг. Гуноҳи борлар устидан ҳам, гуноҳи йўқлар устидан ҳам арз-дод қилавериб

амалдорларнинг жонига тегдинг. Охирда игвогар деган ном чиқардинг. Уч йил судда, уч йил сургунда саргардон бўлдинг, умрингнинг яхши пайтлари зое кетди. Тамагир Машади Жаббор бира тўла бой бўлиш учун бутун сармойасини бир сўмга бир сўм фойда кўриш учун одамларга қарз бериб қўйиб, мана энди сармойасини ҳам йиғиб ололмай юрибди. Сен ҳам Машади Жабборга ўхшаш бир ёлгончи кимёгар ёрдами билан бирданига бой бўлиб олмоқчимисан...

Ҳожи Карим заргар. Жаноб шоир, бизнинг ҳар биримиз ўз касб-коримиздан баҳраманд бўлиш учун қўлимиз калталиқ қиляпти деб фараз этайлик. Хўш, сен-чи, нима учун сен ўз касб-корингдан фойда кўриб, давлат орттирмадинг? Қишда тўқ бўлсанг, ёзда очсан, ёзда тўқ бўлсанг, қишда очсан. Сенинг гапингга қараганда, ҳунаринг, яъни шеър тўқиш санъатинг сен учун катта эликсир бўлиши керак эди-ку?

Шоир Ҳожи Нурий. Тўғри, менинг ҳунарим ҳақиқатан ҳам эликсир. Лекин ўзларингиз ҳам айтиб турибсизлар, эликсир таъсир қилиши учун бошқа модда ҳам бўлиши керак. Шундай: менинг ҳунаримга ҳам шеърларимнинг қадрига ета оладиган дидли, илмли одамлар керак. Менинг бахтсизлигим шундаки, ҳамшаҳарларимда, яъни сизларда на илм бор, на ақл ва на мя. Бу аҳволда менинг ҳунаримдан қандай фойда чиқари-ю, шеърларим кимга керак бўлади?

Ҳожи Карим заргар. Гапининг бемаънилигига, бетайинлигига қаранг! Хўш, сени ким бу мажлисга чақирди? Сендақа насихатгўйни қара-ю! Бу қайси гўрдан файласуф бўлиб қола қопти? Жўна бу ердан, насихатингни бошқа ерга бориб қил! (*Мажлисдагиларнинг ҳаммаси бир оғиздан.*) Жўнаб қол, насихатингни бошингга ур!

Шоир Ҳожи Нурий (*шеърини дарҳол қўйнига: уриб*). Кетаман, тўғри сўз шунақа аччиқ бўлади!

Кетади.

Ҳожи Карим заргар (*мажлис аҳлига*). Тақсирлар, гапимиз гап! Келаси ҳафтанинг бошида пуллар тайёр бўлсин, баримиз Мулла Иброҳим Халилнинг ёнига, Хочмоз тоғига жўнаймиз. (*Мажлисдагиларнинг ҳаммаси бир оғиздан.*) Тўғри, гапимиз гап!

Парда тушади.

И К Қ И Н Ч И П А Р Д А

Иккинчи парда Хочмоз тоғларида ўтади. Тоғ этагида, хушбўй, ранг-баранг гуллар, яшил ўланлар билан безанган чаманда иккита чайла қурилган. Бир-биридан эллик қадамча оралатиб қурилган чайлалардан пастроқда ёғоч сарой, саройда мис эритиладиган қозон, дам берадиган босқон бор. Қозон атрофида эзиб майдаланган мис парчалари ётибди, булар қозонга солиб эритилса, тезда кумушга айланади. Чайлалардан бири яқинига яна битта ёғоч сарой ҳам тикланган.

Чаманзорнинг юқори томони баланд қорли тоққа бориб туташади. Олдиндаги дарада кичкина сой оқиб туради. Даранинг икки четидеги юз ёшлик дуб ва бук дарахтларининг шохлари енгилгина эсиб турган шабадада силкинмоқда. Турли-туман қушлар дарахтларнинг у шохидан бу шохига учиб ўтиб, ёқимли нағмалари билан дарани тўлдиреди. Чаманзорнинг рўпарасидаги қоядан шалола тушиб, тева-ракка сув дурларини сочади, сўнгра сойга қўшилиб, паст ҳазин товуш билан жилдираб оқади. Чаманзорнинг шарқ томони кўз илғамас саҳро. Чайлаларнинг бирида кимёгар Мулла Иброҳим Халил, иккинчисида унинг шогирди Мулла Ҳамид, кичкина бостирмада ўз асбоб-ускуналари билан хизматкор дарвиш Аббос туради. Тонг ёришганига икки соатча бўлган, сойдан аста-секин кўтарилаётган туман устида қуёш нурларини соча бошлаган. Мулла Иброҳим Халил кимёгар ўз чайласидан чиқади-да, юзини шогирди Мулла Ҳамиднинг чайласига ўгириб, уни чақиради. Мулла Ҳамид чайласидан чиқиб, кимёгар ёнига келади, одоб сақлаб туради. Мулла Иброҳим Халил гап бошлайди.

Мулла Иброҳим Халил. Мулла Ҳамид, Шайх Салоҳ юборган хатга қараганда, Нухадан чиққан одамлар бу ерга кечқурун етиб келишса керак.

Мулла Ҳамид. Ҳа, тақсир, барвақтроқ келиб қолишса ҳам ажаб эмас.

Мулла Иброҳим Халил. Мулла Ҳамид, улар келганларида иззат қил, чайлага олиб кириб ўтқиз, ҳол-

аҳвол сўра, нима мақсад билан келганларини суриш-тир. Мабодо пул олиб келдик, кумуш олиб кетмоқчимиз дейишса, устозим аввалги эритган кумушларининг ҳаммасини Айлис арманларига бериб юборганлар, ҳозир чиқадиган кумушларни ҳам ўшаларга сотиб қўйганлар, эндиги эритиладиган кумуш эликсирининг тайёр бўлишига ҳали бир ой бор, дегин. Аттанг, бекор овора бўлибсизлар, де... Устозим сизлардан пул ҳам ололмайдилар, сизларга кумуш ҳам беролмайдилар, деб айт. Мабодо мени кўрмоқчи бўлишса, уч кун ташқарига чиқмайдилар, ҳозир тоат-ибодат билан бандлар, шу уч кун ичида одамларни кўришлари, улар билан гаплашишлари мумкин эмас, дегин.

Мулла Ҳамид. Нега бундай дейсиз, устоз? Бундай десам, пулларини опкетиб қолишмайдими?

Мулла Иброҳим Халил. Хўп аҳмоқ одамсанда! Нухаликларнинг қанақалигини менга ўргатмоқчимисан? Ўлдирсанг ҳам мени кўрмасдан, пулларини бермасдан бу ердан кетишмайди. Айтганимни қилавер!

Чайласига кириб кетади.

Мулла Ҳамид (орқадан). Хўп бўлади, устоз!

Шундан кейин, кун ботарга икки соат чамаси қолганда нухаликлар келадилар. Мулла Ҳамид чайласидан чиқиб кутиб олади.

Нухаликлар (Мулла Ҳамидга.) Ассалому алайкўм!

Мулла Ҳамид (уларга). Ваалайкўм ассалом! Хуш келибсизлар, сафо келибсизлар, қани, чайлага киришлар, ўтиришлар, дам олинглар!

Нухаликлар (Мулла Ҳамидга). Жанобларини кўрмоққа кўп муштоқ эдик. Қалай, соғу саломат юрибдиларми? Димоғлари чоғми?

Мулла Ҳамид. Худога шукур, шундай баҳаво ерда, яйловда нега ҳам димоғ чоғ бўлмасин? Айниқса Мулла Иброҳим Халил сингари бузруквор хизматларида!

Нухаликлар. Тўғри, бу хил баҳаво жойлар кўп топилади. Аммо Мулла Иброҳим Халил каби бузрукворни топиб бўлмайди. Айтсинлар, биз бугун ҳазратларининг зиёратларига мушарраф бўла олармиканмиз?

Мулла Ҳамид. Мавлоно уч кунлик тоат-ибодат билан машғулдирлар. Шу уч кун давомида баний одам билан кўришмоқ ва гаплашмак, бинобарин, ташқари-

га чиқмак, мумкин эмасдир. Уч кундан сўнг кўриш мумкин. Қани, айтсинлар, шунча заҳмат чекиб келишларингиздан мақсад мавлонони фақат зиёрат қилишми ёинки бошқа мақсудлари ҳам борми?

Н у х а л и к л а р. Аввало, асл мақсудимиз мавлонони зиёрат этмакдир. Қолаверса, ҳар биримиз мавлононинг хизматларига қадр қол туҳфа келтирган эдик, зора қабул этиб, шафқатлари билан бизни нурафшон этсалар.

М у л л а Ҳ а м и д. Ҳа, англадим. Пул олиб келгансизлар, кумуш олиб кетмоқчисизлар. Лекин гап бундоқ: мавлоно Мулла Иброҳим Халил сизлардан пул ололмайдилар, шу боисданки, кумушларининг аввалги эритилганларини ҳам, қўлда мавжудларини ҳам Айлис арманларига зарб урилган пулнинг ярим вазни ҳисобида сотиб юборганлар. Энди эритиладиган кумушларнинг эликсирини тайёрлашга эса ҳали бир ой бор. Шу аҳволда мавлоно пулларингизни ҳам қабул қилолмайдилар, сизларга кумуш ҳам беролмайдилар. Шуниси ҳам борки, бир эритилган кумуш билан ҳамма харидорларнинг талабларини бирданига қондириб бўлмайдди, шунинг учун бир ой, икки ой олдин пулларини тўлаб қўйишади.

Н у х а л и к л а р. Бизнинг мавлоно Мулла Иброҳим Халилга бўлган ихлосимизни бошқа одамларнинг ихлосларига асло ўхшатиб бўлмайдди. Агар мавлононинг ўзларини кўрсак, кўп яхши бўларди.

М у л л а Ҳ а м и д. Хайр, унда мавлоно тоат-ибодатларини битиргунларича уч кун сабр қилиб турасизлар. Уч кун менинг азиз меҳмонларим бўласизлар.

Н у х а л и к л а р. Жуда яхши, жуда соз!

Шу пайт дарвиш Аббос ўз бостирмасидан чиқади: узун сочлари елкаларига тушиб турган, соқоллари текис тарашланган, шоп мўйлов, бугдой ранг, ўттиз ёшларда новча бир киши. Бошида тож, устида арслон териси, қўлида қинғир дуд, биқинида каттакон қизил хўроз. Бостирмадан чиқа солиб, ҳайбатли овоз билан: «Ё ҳу, ё ҳақ!» деб наъра тортади-да, чайлалардан юқориққа бориб, бопта жой топгандан кейин ерга қозиқ қоқади, дудини уч марта чалиб, тоғу тошни ларзага келтиргандан сўнг хўрозини қозиққа боғлайди-ю, Шайх Саъдийнинг шеърларидан шу уч байтни ёқимли овоз билан ўқийди.

НАЗМ

Рўзи баҳораст, хиз, то ба тамошо равем,
Такая бар айём нест, то дигар ояд баҳор.

Хиз, ғанимат шумор жунбуши боди раби,
Нолайи мавзуни мурғ бўйи хуши лозазор.
Барги дарахтони сабз дар назари хушманд,
Ҳар варақи дафтарист маърифати кирдгар¹.

Яна уч марта дудини чалади, хўроздан ўн қадамча нарига бориб, арслон терисини кўкат устига солади-да, тагин боягидай қатиқ, ҳайбатли товуш билан: «Ё ҳу, ё ҳақ!» деб қичқиргандан сўнг, арслон терисига чўккалаб, тиззаларини қучоқлаб ўтиради. Нухаликлар дарвишнинг наърасидан, дуднинг овозидан эс-ҳушларини йўқотиб чайладан югуриб чиқишади-да, акси садо тоғу тошларда тингунча, ўзларини ҳайратга, ваҳимага солган бу аҳволни кузатиб туришади. Кейин ҳайрон бўлишиб, Мулла Ҳамидга мурожаат қилишади.

Нухаликлар (*Мулла Ҳамидга*). Мулла Ҳамид, бу қандай дарвишу, бу қандай хўроз?

Мулла Ҳамид (*қаҳқаҳа уриб*). Хо-хо-хо-хо-хо-хо! Тўғри, шундай савол беришга ҳақларингиз бор. Чунки сиз бечоралар табиат сирларидан, илму ҳикмат ва кимёдан беҳабар одамларсиз. Эликсирнинг асосий таркибига кирадиган кўкат шу тоғларда ўсади, бунини мавлоно Мулла Иброҳим Ҳалилдан ўзгаси таний олмайди. Юнон ҳукамоларининг текширишларига қараганда, бу кўкат хўроз овозини эшитсагина ўсади. Дарвиш Аббоснинг зиммасига бу хўрозни ҳар кун кечқурун хушхаво ерга олиб чиқиб боғлаш вазифаси юклатилган. Ҳозир ўзларингиз кўрган расм-русумни қилиб, хўрозни қоziққа боғлайди. Тунлари мижжа қоқмай, хўрозни қашқир ва тулкилардан сақлаб чиқади. Бу аҳвол кечалари хўроз чақириб, эликсир кўкати ўсиб чиққунча давом этади. Хўрозни фақат дарвишларгина парвариш қиладилар, бошқаларга бу вазифани топшириб бўлмайди, чунки «Ажойибул ғаройиб» китобида бу ҳақда алоҳида кўрсатма бор.

Нухаликлар (*ҳайрон бўлишиб*). Субҳоноллоҳ... Э, улуг танграм!...

Парда тушади.

Баҳор кундир, тур, томоша қилайлик,
Дунёга ишонч йўқдир, ким билади, яна баҳор келадими?
Тур, баҳор шабадасининг эсишини, қушларнинг
Еқимли нағмасини, лозазорнинг хуш ҳидларини ғанимат бил!
Яшил оғочларнинг япроқлари ақлли шахс назарида
Оллоҳнинг борлигига бирор дафтар саҳифасидир.

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Учинчи парда яна ўша ерда, Мулла Иброҳим Халил чайласида ўтади. Иброҳим Халил бошида салла, қўлида узун тасбеҳ билан жойнамоз устида чўккалаб ўтириб, бомдод намозини ўқимоқда. Шогирди Мулла Ҳамид рўпарасида қўл қовуштириб турибди.

Мулла Ҳамид. Ҳазрат, меҳмонларни ҳузурларига чақирсам ижозатми?

Мулла Иброҳим Халил. Хўп, чақир!

Мулла Ҳамид бош эгиб чайладан чиқади. Кейин нухаликлар билан яна Мулла Иброҳим Халилнинг ҳузурига киради.

Нухаликлар (*ҳаммаси бирдан Мулла Иброҳим Халилга*). Ассалому алайкўм!

Мулла Иброҳим Халил жилмаяди, лекин авзойини ўзгартмай. гоҳ бир ёққа, гоҳ иккинчи ёққа аста-секин тебранган ҳолда тасбеҳ ўгириб ўтириб саломга жавоб қилади.

Мулла Иброҳим Халил. Ваалайкўм ассалом! Хуш келибсизлар, сафо келибсизлар, кўп заҳмат чекибсизлар.

Нухаликларга жой кўрсатади.

Нухаликлардан бири (*ўтиргандан кейин*). Жанобларидек бузрукворни зиёрат қилиш учун чеккан заҳматимиз бизларга айна роҳат ва саодат кўринди.

Мулла Иброҳим Халил (*зўр истиғно ва табассум билан*). Шогирдим Мулла Ҳамид сизларнинг олижанобликларингизни менга айтиб берди. Мен ҳам сизларни кўришга муштоқ эдим. Лекин бир масалада, худо ҳақи, нима дейишимни ўзим ҳам билмайман, қизариб

қоладиганга ўхшайман, чунки Мулла Ҳамиднинг сўзига қараганда, сизлар пича пул олиб келган экансизлар, шунга кумуш олиб кетмоқчи эмишсизлар.

Н у х а л и к л а р (тама билан). Ҳо, тақсир, шафқатларини дариг гутмасалар.

Мулла Иброҳим Халил (хурсанд бўлиб). Худо ҳақи, сизлардай азиз меҳмонлар олдида шарманда бўлдим. Кумушталаблар шунчалик кўпки, ҳар сафар эритиладиган кумушнинг пулини бир ой, икки ой олдин бериб қўйишади. Илгариги кумушларни ҳам, ҳозир эритилганларини ҳам Айлис арманлари олиб қўйишди. Шу ой бошларида тайёр бўладиган эликсир воситасила эритиладиган кумушни ҳам Варташен яҳудийлари ялиниб-ёлвориб олиб қўйишди. Шу яқин ўртада пул олиб келгани кетишди. Мен буни ҳали Мулла Ҳамидга ҳам айтганим йўқ, чунки у яҳудийларни ёмон кўради. Лекин яҳудийларга раҳмим келди. Чунки улар шу яқин атрофдаги қишлоқда туришганлари учун хизматларини мenden аяшмайди.

Мулла Ҳамид (гапини бўлиб). Мавлоно, ахир, улар...

Мулла Иброҳим Халил. Шошма!.. Гапнинг қисқаси, кумушталаблар шунчалик кўпки, эликсирни муддатида тайёрлашимга ҳам имкон беришмайди. Ҳолбуки, эликсир таркибига кирадиган модда махсус хумда, олтингургурт жавҳарида роса йигирма кун туриши, бунга ҳар кун маълум миқдорда янги олтингургурт тезоби солиб турилиши керак. Сўнгра бу эликсир моддаси кимё илмида қизил спирт деб аталган махсус моддада яна ўн кун ётиши, ҳар кун эски модда янгиси билан алмаштириб тозалаб турилиши керак.

Бу кимёвий тарбия вояга етказилгандан сўнг эликсирга кирадиган бу модда энди олов воситаси билан чиниқтирилиши лозим. Гили ҳикматдан ясалган махсус хумда бошқа ҳар хил сирли моддалардан аста-секин қўшиб туриш йўли билан уч соат давомида қиздирилади-ким, оқибат бир суюқ жисм ҳосил бўлиб, охирда бу юмшоқ жисмга айланадир. Шу эликсирдир, маълум миқдорда эритилган маъданни, яъни, масалан, мисни тоза кумушга айлантирадиган шу эликсирдир. Менинг сирим шундан иборат. Аммо қулоғимга чалинган гапларга қараганда, нодон халқ мени сеҳргар деб юради. Зинҳор бундай эмас. Мен аслда бир тақводор, ахлоқбардор бир

одамман. Аввало, парвардигорнинг лутфи-карами, қолаверса, кимё илмидаги кенг билимим ва илми ҳикмат соҳасидаги узоқ йиллар давомида орттирган бой тажрибам соясида табиат оламининг сир-асрорини билдим, яъни эликсирни тайёрлашни ўрганиб олдим. Буни тайёрламоқ учун жуда кўп шарту шароит ва қонун-қоидага риоя қилмоқлик даркор, шундай қилинади ҳам. Бу риоят оддий одамлар назарида бениҳоя ғаройиб ва ажойиб кўринади.

Мулла Ҳамид. Мавлоно, булар ҳаммаси мусулмонлар, шунинг учун лаънати жуҳудлардан кўра буларни ҳурмат қилмоқ жойиз, агар шафқат қилсалар...

Мулла Иброҳим Халил (*ўрнидан ярим-ёрти туриб*). Йўқ, бўлмади. Сўз берганман, мен сўзимни миллион сўмга ҳам қайтариб олмайман. Шошма, ақлимга бир нарса келди. Қани менга айт-чи: шу сафар тайёр бўладиган эликсиримиз неча пуд мисни кумушга айлантира олар экан?

Мулла Ҳамид (*бошини юқори кўтариб, кўзларини чайла шипига тикади, ўнг қўлининг бошмалдоғини иягига тираб, ярим минутча ўйлангандан кейин жавоб беради*). Ҳозирги эликсир ўттиз кундан кейин тайёр бўлади, агар шу ўттиз икки пуд мисга аралаштирилса, ҳамма мисни тоза кумушга айлантиради. Икки пудини чиқитга чиқариб юборайлик. Демак, эликсир билан оддий маъдан миқдори ҳисобга олинса, келаси ой бошларида қўлимизда ўттиз пуд тоза кумуш бўлади.

Мулла Иброҳим Халил. Бу жаноблар қанча пул олиб келишибди?

Нухаликлардан бири. Беш минг сўм, тақсир.

Мулла Иброҳим Халил. Хўп, Мулла Ҳамид, менинг миямга шундай бир фикр келиб қолди: бу жанобларнинг пуллари катта эмас экан, ўн пудини бериб юборсак бўлар. Қолган йигирма пудини жуҳудларга берармиз, уларга ҳам ёлғончи бўлиб қолмайин. Нима дейсан: гапим маъқулми? Шундай қилсак, сенинг ҳаммазҳабларга кўрсатган ҳимоятинг ҳам бўш кетмайди, мен ҳам бебурд бўлмайман.

Нухаликлар (*мамнун бўлиб бош эгишади*). Худо давлатингизни зиёда қилсин. Нима қилайлик, тақсир, пуллари жанобларига топширайликми?

Мулла Иброҳим Халил (*хиёл бош чайқаб, истиғно билан*). Пулларни менга топширишнинг ҳожати йўқ. Ҳар қандай икир-чикирлар билан бош қотиришга менда вақт қайда дейсиз! Пулларни Мулла Ҳамидга санаб топширинглар-да, ўттиз кундан кейин келиб, ўн пуд кумушингизни олиб кетинглар. Хайр! Пешин намозининг ҳам вақти бўлиб қолди.

Н у х а л и к л а р (*хурсандлик билан таъзим қилишадди*). Худо умрингизни узун, давлатингизни зиёда қилсин!

Чайладан чиқиб кетишади.

Парда тушади.

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи парда воқеаси яна ўша ерда ўтади. Нухаликлар ваъда қилинган ўша ўттинчи кунда, саҳар пайтида етиб келишади. Мулла Иброҳим Халил нухаликларни узоқдан кўриб, апил-тапил олдига оқ фартук тутади, енгларини шимаради. У уй кийимда, бошида салла йўқ, оқ дўппи. Чайла олдида туриб шогирди Мулла Ҳамидни чақиради. Мулла Ҳамид етиб келганда, унга шу нарсаларни буюради.

Мулла Иброҳим Халил. Мулла Ҳамид, тез бориб чайладан заргар кўрасини, хумчани, кичкина босқонни олиб кел! Кўрани ерга жойла, карнагини ўрнат, кўрага ўт сол, хум-декчани устига қўй. Чайла орқасидан қопдаги кўмирни олиб келиб, кўра ёнига тўк. Кейин чайлага кир, патнисда учта ҳар хил рангли шиша, яна учта турли рангда пакет бор, ҳаммасини олиб чиқ. Сариқ пакетдаги рангни декчага тўк, зангор шишадаги сувни ҳам қозонга тўк, кейин босқонга ўтириб, ўтни авж олдири!

Бу буйруқ бажо келтирилгандан сўнг Мулла Иброҳим Халил темир қисқич билан декчани ўт устига ўрнатади. Бу орада отларини нарида қолдириб, пиёда келаётган нухаликларнинг бошлари чайла орқасидан кўринади. Мулла Иброҳим Халил ўз иши билан овора. У пастга эгилиб олиб, нухаликларни кўрмайди. Лекин улар Мулла Иброҳим Халилни иш устида кўриб хурсанд бўлишади.

Нухаликлар. Ассалому алайкўм!..

Мулла Иброҳим Халил (бошини кўтариб). Ваалайкўм ассалом! Э-э, нимага бугун келдинглар-а?! Бу қандай гап; бошимни балога қўйдинглар-ку! Мен сизларга яхшилик қилмоқчи эдим, сизлар бўлсангиз ишимни

ҳам, ўзимни ҳам барбод қиляпсизлар! Бай, бай, бай! Эҳ, эҳ, эҳ!..

Н у х а л и к л а р (*ҳайрон бўлишиб*). Тақсир, нима бўлди? Биздан нима гуноҳ ўтди? Биз нима қилиб қўйдик?

М у л л а И б р о ҳ и м Х а л и л (*жаҳли чиқиб*). Бундан ҳам баттарроқ яна нима қилишларингиз мумкин эди? Эликсир ҳосил бўладиган бир соатда, модда декчада қайнаб турган бир пайтда етиб келдиларингиз! Эликсирнинг хосияти шундайки, у декчада қайнаб турган ернинг тўрт атрофида, бир тошлик масофада битта ҳам бегона одам қадам босмаслиги керак. Акс ҳолда эликсир хосиятини йўқотади-ю, ҳавога учиб кетади. Илло, буни жинлар мусаҳҳари Шаккокий ҳам очиқ-ойдин таъкидлаган. Ажабо, шундай бўлмаганда, мен обод ердан шундай хилват бир гўшага кўчиб чиқармидим?

Н у х а л и к л а р (*ҳайрон қолишиб*). Тақсир, биз жанобларининг буйруқлари билан келдик-ку! Бугун ропроса ўттиз кун бўлди.

М у л л а И б р о ҳ и м Х а л и л. Э-э, мен сизларга: «Ўттиз кундан кейин келинглар» демабмидим! Бунинг маъноси шуки, ўттиз кун сабр қилиб, ўттиз биринчи кунда келсангиз, эликсир тайёр бўлиб, кумуш декчадан чиқарилган бўларди. Сизлар бўлсангиз ўттизинчи кунда келдиларингиз, ҳолбуки эликсир ҳали қайнаб ётибди. Бай, бай, бай!

Н у х а л и к л а р. Модомики, биз билмасдан шундай қилиб қўйдик, энди бунинг чораси нима бўлади?

М у л л а И б р о ҳ и м Х а л и л. Энди ҳеч чораси йўқ. Энди эликсир ҳам чиқмайди, кумуш ҳам бўлмайди, билмадимки сизлар... Ҳа, битта тадбири бор...

Н у х а л и к л а р. Хўш, бизлар?.. Биз нима қилайлик, тақсир? Бунинг қандай тадбири бор?

М у л л а И б р о ҳ и м Х а л и л. Келишга келдинглар, энди эликсир қозонда қайнаб тайёр бўлгунча бу ердан кетмай турасизлар. Буни кимё қонуни тақозо этади. Лекин битта шарти бор: агар ўз фойдангизни кўзласангиз, менинг ҳам сизларни деб чекаётган жабру жафоларим беҳуда кетмасин десангиз, эликсир ҳосил бўлиб, декчадан чиқариб олингунча маймунни ўйламаслигингиз, унинг суратини кўз олдингизга келтирмаслигингиз керак. Эликсирнинг қозонда қайнай бошлаганига бир соат бўлди, яна икки соат қайнайди. Бирдан-бир чораси шу. Акс

ҳолда бир ойдан бери тиним билмай зўрға тайёрлаётган эликсирим бир зумда ҳавога учади-ю, шунча меҳнатим бекор кетади. Бу модданинг хосияти шундай. Буни кимёгар Чуллу ҳақим ҳам ўз тажрибасига суяниб, китоби талқинида айни хулосани баён этган.

Нухаликлар (*чораси осон кўринганидан суюниб, ҳаммаси бирдан*). Жуда соз, мавлоно, агар эликсир шунга қараб ҳосил бўладиган бўлса, бу ёғи ҳеч гап эмас экан...

Мулла Иброҳим Халил. Ҳа, баракалла, шунга қараб ҳосил бўлади. Мен сизлардан розиман, энди худо рози бўлсин. Мулла Ҳамид, босқонни босинг!..

Мулла Ҳамид босқонни босади. Мулла Иброҳим Халил ўт устидаги декчани қисқич билан айлантира бошлайди. Декчага ёнидаги моддалардан бирини тўкади, шишаларнинг биридан алланима томизади, ўзини дарҳол четга олади. Кўкрак чўнтагидан соатини чиқариб қарайди. Шу пайт Оға Замон табиб унга мурожаат қилади.

Оға Замон табиб. Мавлоно, бундан бошқа чораси йўқми?

Мулла Иброҳим Халил. Нимадан бошқа?

Оға Замон табиб. Маймундан бошқа.

Мулла Иброҳим Халил. Бу қандай гап, ахир! Нималар деяпсиз-а!? Э, аттанг!!

Оға Замон табиб. Нима қилай ахир, тақсир? Маймунни ҳеч миямдан чиқара олмаяпман.

Мулла Иброҳим Халил (*жаҳли чиқиб*). Унингни ўчир! Чиқар миянгдан ўша нарсани!!

Оға Замон табиб. Хўп бўлади, тақсир!

Мулла Иброҳим Халил (*шогирди Мулла Ҳамидга жаҳл билан*). Қаттиқроқ бос! Нима бало, ухлаб қолганмисан?

Мулла Иброҳим Халил эгилиб декчага қарайди, кейин кўк қоғозда ўроғлиқ моддадан декчага тўкади. Шу он нухаликлардан бири, яъни Мулла Салмон бошидан папоғини олиб ташлайди.

Мулла Салмон. Уф, жуда иссиқ!.. Уф, лаънати-лар! Уф, ҳеч кетишмайди-я! Уф, ҳеч иложи йўқ!..

Мулла Иброҳим Халил. Қимни лаънати деяпсан? Қим ҳеч кетмаяпти? Ниманинг иложи йўқ? Нималар деяпсан?

Мулла Салмон. Уф, чораси йўқ... Иложи йўқ...

Бошқа нухаликлар. Тўғри, ҳеч иложи йўқ...
Ҳеч эвини қилолмаёямиз.

Мулла Иброҳим Халил (*ҳаммасига жаҳли чиқиб*). Ниманинг чораси йўқ? Ниманинг иложи йўқ? Нима гап ўзи? Нима бўлди сизларга?

Мулла Салмон (*шерикларининг ҳам ўзига ўхшаш аҳволда эканидан юракланиб, жавоб қилади*). Мавлоно, тоғлардаги ҳамма ҳайвонлар маймун шаклига, думлари узун ҳамдуналарга айланиб, кўз ўнгимда ўйинга тушишяпти, менга ҳужум қилишяпти. Уф, нима қилишимни билмай қолдим! Уларнинг дастидан қаерга қочдим! Уф, минг лаънат ўша маймунларга!.. Минг арава лаънат ҳамдуналарга!

Бошқа нухаликлар (*бошларини юқори кўтариб*). Уф, минг лаънат ўша маймунларга! Минг арава лаънат ҳамдуналарга! Қандай кунга қолдик-а!

Мулла Иброҳим Халил декчага шошиб бир нарса ташлайди. Бошларини юқори кўтариб туришгани учун нухаликлар бунга кўришмайди. Бирданига декчадан ҳамма ёққа ўққа ўхшаган учкунлар сачрайди, декча портлайди. Елгон эликсир порох сингари ўт олади, ҳамма ёқни аланга босади. Мулла Иброҳим Халил даҳшатга тушиб, ўзини ўчоқдан олиб қочади. У икки қўли билан соқолини чангаллаб юлади, гоҳ тиззасига уради, гоҳ фарёд этади.

Мулла Иброҳим Халил (*нухаликларга бақириб*). Эй, уйинг куйгурлар, нима қилиб қўйдиларинг-а?! Худойим сенларни хонавайрон қилсин! Остонанг қадам кўрмасин!

Сочини юлади, тиззасига уради.

Нухаликлар. Ўзингизни босинг, тақсир. Хафа бўлманг. Бўлар иш бўлди, бунинг чораси борми? Энди биз нима қилайлик, шунга айтинг?

Мулла Иброҳим Халил (*дили қаттиқ сиёҳ бўлиб*). Сизларми? Энди бундай қиласизлар: кун ботмасдан бурун бирон яқинроқ қишлоққа кетасизлар-да, энди эликсир тайёр бўлгунча ўша ерда турасизлар, яъни ўттиз бир кун ўтгандан сўнггина бу ерга қайтасизлар. Сизлар тўлаган ўша беш минг сўмдан иборат озгина пулингизга тегишли кумушни олиб кетасиз, гарчи бу пуллар зарурий моддалар учун тугал сарф этилган бўлса ҳам. Битта шарт бор: мен ўзим сизларга хабар қилмасдан олдин кела кўрмайсизлар. Яна кунларни адаштириб қўйманглар дейман-да. Мабодо эликсир тайёр

бўлмасдан келиб қолсанглар, унисини ҳам бунисига ўхшаш бузиб қўясизлар. Ўзларингизга тегишли кумуш устига пулларингизнинг процентини ҳам қўшиб бераман, бир юмалоқ кумуш қўшиб берсам давлатим кам бўлиб қолмайди. Лекин сизлар сингари ғарибларга бир тийин ҳам катта пул. Хайр энди, жўнанглар! Кутинглар. ўзим хабар қиламан! (*Ўз чайласига йўл олади, наст овозда гапириб боради.*) Мени хабар қилади, деб умидвор бўлаверинглар... Худо насиб қилса, у вақтгача сизларнинг башараларингизни кўрмаслик чорасини топарман.

Нухаликлар ҳанг-манг бўлиб қолишади.

Т а м о м.

НАБОТОТ ҲАКИМИ МУСЪЁ ЖОРДАН ВА МАШҲУР ЖОДУГАР ДАРВИШ МАСТАЛИШОҲ ҲИКОЯТИ

*Тўрт пардада баён этилиб
туғалланадиган ажойиб томоша*

Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р

Мусъё Жордан — наботот ҳакими, паришлик, қирқ ёшларда.
Ҳотамхон оға — Тақла-Муғонли уруғининг оқсоқоли, қора-
боғлик, олтмиш беш ёшда.

Шарафнисо хоним — унинг катта қизи, ўн олти ёшда.

Гулчеҳра — унинг кичик қизи, тўққиз ёшда.

Шаҳрибону хоним — унинг хотини, қирқ беш ёшда.

Шаҳбозбек — акасининг ўғли, катта қизи унашилган, йигирма
икки ёшда.

Хонпарӣ — Шарафнисо хонимнинг энагаси, қирқ ёшда.

Дарвиш-Масталишох — машҳур жодугар, эронлик, эллик ёшда.

Фуломали — унинг шогирди, эронлик, ўттиз ёшда.

Б И Р И Н Ч И П А Р Д А

Биринчи парда воқеаси Қорабоғ вилоятида, ҳижрий сана би-
лан минг икки юз олтмиш учинчи йилда, илк баҳорда, наврӯз бай-
рамидан бир кун ўтгач, Тақла-Муғонли қишлоғида юз беради. Ша-
рафнисо хоним иккинчи уйда пиқ-пиқ йиғлаб, юнг тараб ўтиради.
Синглиси Гулчеҳра ёнида ўйнаб юради.

Гулчеҳра. Опажон, нимага йиғлаяпсан?

Шарафнисо хоним (*уни қўлидан итариб таш-
лайди*). Йўқол кўзимдан!

Гулчеҳра (*шўхлик қилиб, яна қўлини опаси томон
чўзади*). Жон опа, айтгин, ахир, нимага йиғлаяпсан?

Шарафнисо хоним (*яна қўлини итариб ташлай-
ди*). Йўқол кўзимдан деяпман, қўлимда ишим бор, қўй,
ишимни қилай!

Гулчеҳра (*ҳамон бўш келмай*). Сен-ку ишлаётган-
нинг йўқ, фақат йиғлаяпсан; айт-чи, нимага йиғлайсан?

Айтмасанг, оймни чақираман. Қани, айтивор, нимага йиғлаяпсан?

Бошидан рўмолини тортади.

Ш а р а ф н и с о х о н и м (*жаҳли чиқиб, уни қаттиқ итариб юборади*). Йўқолсанг-чи кўзимдан, жувонмарг. мундоғ иш қилгани қўймайди-я!

Гулчеҳра йиқилиб тушади, кейин туриб нариги уйдаги онасининг олдига йиғлаб чиқиб кетади.

Ш а р а ф н и с о х о н и м (*ёлғиз*). Оббо, энди бу жувонмарг бориб оймга айтади. Вой худо, ойм келиб: нимага йиғлаяпсан?— деб сўраса, нима дейман? Ахир нимага йиғлаганимни ҳеч маҳал айтолмайман-ку! Яхшиси, тонаман, ҳеч вақт йиғлаганим йўқ, дейман. (*Рўмолчаси билан кўзларини қаттиқ-қаттиқ артади, шу пайт эшик очилиб, Шаҳрибону хоним кириб келади.*)

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Ҳой қиз, нега бу кичкина болани итариб йиқитдинг?

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Бола бўлмай қаро ерга кирсин! Ҳеч жим ўтирмайди! Эрталабдан бери ақалли икки ҳовуч ҳам юнг таратмаса-я! Нуқул шумлик қилади: ҳали юнгга чанг солади, ҳали бошимдан рўмолимни тортади. Жонимдан тўйиб кетиб, секин итариб ташловдим, йиғлаб, сизга бориб арз қилибди. Худди бир ери ёрилиб кетгандак-а!

Г у л ч е ҳ р а. Ойи, худо урсин, ёлғон айтяпти. Ҳеч юнг тарагани йўқ, фақат йиғлаб ўтирди. Мен йиғлама деган эдим, бир итариб юбуровди, чалқанчасига ағдарилиб тушдим. (*Кўзларини уқалаб йиғлайди.*)

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Шарафнисо, нимага йиғлайсан, болам? Нима, сенга бир нима бўлдимми? Худога шукур, отанг соғу саломат, онанг соғу саломат, чиройли, навқирон унашиб қўйган йигитинг қошингда, еганинг олдингда, емаганинг кетингда, яна нимага йиғлайсан?

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Худо ҳақи, ойи, йиғлаганим йўқ. (*Гулчеҳрани чимдиб.*) Ҳай, ерга киргур, мен қачон йиғладим?! (*Гулчеҳра яна чирқираб йиғлайди.*) Ойи, худо ҳақи, йиғлаганим йўқ. Худога шукур, отам соғ, онам соғ, нимама камки, йиғлайин?

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м (*кулиб*). Нимага куёвим ҳам қошимда демайсан?

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Куёвим ким экан?

Ш а х р и б о н у х о н и м. Нега куёвингни билмас экансан? Амакиваччанг Шахбозбек кимнинг куёви? Худо насиб қилса, отанг йигирма кундан кейин сизларга шундай бир тўй қилиб бермоқчики, таърифингиз бутун Қорабоққа дoston бўлади. Илгари куни отанг зардоблик ошнаси Қурбонбекка хат ёзиб, Шомохи созандаларини тўйга юборишини илтимос қилди.

Ш а р а ф н и с о х о н и м (*пастки лабини бошмалдоғи орасига олиб пастга тортади, бошини эса юқори кўтаради*). Вой, нималар деяпсиз-а, ойи! Шахбозбек ўн кундан сўнг жўнаб кетади. Билмадим, отам кимга тўй қилмоқчи эканлар.

Ш а х р и б о н у х о н и м (*ажабланиб*). Шахбозбек кетармишми? Қаерга кетармиш? Ким билан кетармиш? Нималар деяпсан? Худо ҳақи, ўзингча бўлмағур нарсаларни ўйлаб чиқараверма! Ҳа энди билдим: бежиз йиғламаган экансан. Қиз боланинг ақли каму, кўз ёши кўп, деб тўғри айтишган. Қани айт-чи, Шахбозбекни кетади, деб сенга ким айтди?

Ш а р а ф н и с о х о н и м (*бошини солинтириб*). Ўзи.

Ш а х р и б о н у х о н и м. Хўп, қаерга кетармиш?

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Қайдам, Фаранггами, Парижгами, оти қурсин, тилим ҳам келишмайди.

Ш а х р и б о н у х о н и м. Хўш, Шахбоз Парижга ким билан кетармиш?

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Меҳмонимиз мусьё Жордан билан.

Ш а х р и б о н у х о н и м. Ҳалиги ўт-ўлан йиғиб юрган франк меҳмонимиз биланми? Нима қилар экан? Франкда қанақа иши бор экан? Парижда Шахбознинг ити адашиб қолмагандир-ку?!

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Билмадим. Шахбоз нодон йигит-да. Мусьё Жордан Парижда қизлар, келинчаклар мажлисларда юзлари очиқ ўтиришади, деб миясига қуйгандир-да. Қайдам, яна қанча бошқа нарсаларни айтган экан. Энди у эс-ҳушини йўқотиб, бир Парижга бормасам бўлмайди, кўриб келаман, аввал амакимдан рухсат сўрайман, қўймаса, кечаси отимга минаману, Аракс дарёсидан ўтиб, мусьё Жорданни топаман-да, у билан Парижга бориб, бир сайру саёҳат қилиб келаман, дейди.

Ш а х р и б о н у х о н и м (*тўқиб турган пайпоғини*

бир четга ташлайди-да, кичик қазига ўгирилиб). Ҳай қиз, ҳай Гулчеҳра, бор, нариги уйдан Шаҳбозни чақириб кел, қани, бир гаплашиб қўяй-чи! (Гулчеҳра югуриб чиқиб кетади.) Ҳой Ҳотамхон оға, болаларнинг тўйини тезроқ қил, дедим а унга! Шаҳбоздан қўрқаман, кунда минг хаёл қилади, дедим, қулоқ солмади. Болалик қилди, мана охирда нима бўлди! (Шу пайт эшик очилиб, Шаҳбозбек кириб келади.)

Шаҳбозбек. Нима гап, холажон?

Шаҳрибону хоним (қовоғини осилтириб). Шаҳбоз, сен Франкками, Парижгами борармишсан? Бу қандай гап?

Шаҳбозбек (кулимсираб). Борсам нима бўпти, холажон? Бораман ҳам, қайтиб келаманам. Шарафнисога франк қизлари бошларига кийиб юрадиган шляпалардан совғалар олиб келаман.

Шарафнисо хоним. Франк қизлари бошларига кийиб юрадиган шляпаларнинг менга кераги йўқ! Париж қизларини деб Қорабоғдан елдай елиб кетаётганингдан кейин, майли, олиб ўшаларнинг бошларига кийдиравер!

Шаҳрибону хоним. Тўғри айтади, оладиган шляпаларингни франк қизларининг бошларига кийгизавер! Шарафнисо зор-қолгани йўқ! Менга қара, сен ўз бошингча иш кўраверасанми ё отанг ўрнидаги одамдан изн сўрайсанми?

Шаҳбозбек. Албатта, амакимдан изн олмасдан кетолмайман. Мусьё Жорданнинг ўзи амакимдан рухсат олиб беради.

Шаҳрибону хоним (жаҳл билан). Жуда яхши, бўларингча бўлиб қолибсан; йўлингдан, изингдан адашибсан, бор! Ҳозир Ҳотамхон оғани чақириб бир сўрайчи: акасининг ўглини йўлдан оздириб. Парижга олиб кетаётган бу мусьё Жордан қанақа одам экан? Худо ҳақи, таъзирини шундай бериб қўяйки, қайси йўлдан келгани ҳам, Парижи ҳам ақлу ҳушидан чиқиб кетсин! Хўп, боравер, ҳозир Ҳотамхон оғани чақираман-да, тўйингга йигирма кун қолганда нима учун Парижга кетаётганлигингни суриштириб кўраман.

Шаҳбозбек. Нечун тўйимга йигирма кун қолар экан? Мен ҳали ёшман, менинг майлимга қарасаларингиз, мен бунча тез уйланмайман. Зўрлик қилсаларингиз бошқа бир гап, лекин мен тўй қилмайман!

Шаҳрибону хоним (*қичқириб*). Ҳа, зўрлаб тўй қиламиз! Албатта, агар Шарафнисо жуда ёш бўлмаганда, тўйнинг икки йил олдин бўлар эди. Сенга ўхшаган нодон болалар бўйдоқ қолса, ёмон йўлга кириб кетишадди, ўғри, қароқчи бўлишадди.

Шаҳбозбек. Одам очлигидан, ночорлигидан ўғри. қароқчи бўлади, худога шукур, менинг нима камим бор?

Шаҳрибону хоним (*заҳарханда билан*). Ия, қайси тиланчи йўл тўсиб, қароқчилик қилибди? Худо хайрингни берсин, кўп алдайверма! Бузилиб бўларингча бўлиб қолибсан. Бор ишингга! (*Шаҳбозбек бошини солиптириб чиқиб кетади.*) Ҳотамхон оға билан Шаҳрибону хоним ўлибдимики, бир франк Шаҳбозни йўлдан оздириб Парижга олиб кетиб қолса! Ҳай Шарафнисо, ҳалиги ўт-ўлан йиғиб юрган одам Шаҳбозни қандай сўзлар билан йўлдан уриб Парижга олиб кетмоқчи бўлибди? Яна бир айт, эсимдан чиқиб қолди.

Шарафнисо хоним. Қайдам. Парижда ҳамма чиройли қизлар, ёш келинчаклар мажлисларда, ўтиришларда юзлари очиқ юришади, деди-ку.

Шаҳрибону хоним. Яна нималар деди?

Шарафнисо хоним. Қайдам. Қизлар, келинчаклар йиғитлар билан бирга ўйинга тушишади, гаплашишади, кулишади, чақчақлашишади, деди.

Шаҳрибону хоним (*бўғилиб*). Оббо, бошқа яна нималар деди? Буниси ҳам аввалги сўзларининг ўзи!

Шарафнисо хоним. Бошқа яна кўп сўз айтди. Униси эсимдан чиқди. Фақат шуларигина эсимда қолди. Мен қайдан билай?

Шаҳрибону хоним (*жаҳли чиқиб*). Э, улуғ тангри! Ҳай қиз, Ҳотамхон оғага акангнинг ўғли Шаҳбозбек Қорабоғда ўтириб, Париж қизларига шайдо бўлибди, энди мусъё Жордан билан ўша ёққа кетмоқчи, деб қайси юзим билан айтаман? Ун олти ёшли қизнинг Шарафнисо Шаҳбозбекни Париж қизларидан, келинчакларидан кунлаб, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, кўз ёшини дарё қилиб ўтирибди, дейишга қандай оғзим боради?

Шарафнисо хоним (*ўрнидан сакраб туриб*). Вой худо, қаро ерга кирганим яхши-ей! Бу хотин нималар деяпти-я! Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим! Тезроқ кета қолай!

Уйдан чаптаст чиқиб кетади.

Шаҳрибону хоним (*кичик қизига ўзирилиб*). Гулчеҳра, бор, отанг уй орқасида чўпонлар билан гап-лашяпти, зарур иш бор экан, дарров борар экансиз, дегин. (*Гулчеҳра чиқиб кетади. Шаҳрибону хоним ўзича.*) Бу франклар мунчаям ношукур одамлар-а! Яхшиликни асти билишмайди. Мен нодон: у юртига қайтганда, Қорабоғ элатининг аёллари авом бўлар экан, меҳмон кутолмас экан, демасин деб, худонинг берган куни ҳар кун эрталаб мусьё Жордан нонуштасига қаймоқда қаймоқ, сариёғда сариёғ қўйиб, кечқурунлари ё палов, ё қўғирма қилиб бериб юрибман-а! Ана энди шундан кейин бировга яхшилик қилиб кўр! Ҳамма қилган яхшиликларим шамолга учди!

Шу пайт эшик очилиб, Ҳотамхон оға кириб келади.

Ҳотамхон оға. Хўш, нима гап, хотин, дарров етиб келсин дебсан?

Шаҳрибону хоним (*қовоғини осилтириб*). Нима бўларди? Уша ўт-ўлан йиғиб юрган мусьё, сен оғзидан ҳам, бўғзидан ҳам тиқиб знефат қилиб юрган меҳмонинг акангнинг ўғли Шаҳбозни йўлдан уриб, Парижга олиб кетаётган эмиш.

Ҳотамхон оға. Нима, мусьё Жордан Шаҳбозни Парижга олиб кетаётган эмиш?! Қим айтди?

Шаҳрибону хоним. Мен айтяпман! Шаҳбознинг ўзи Шарафнисога айтибди!

Ҳотамхон оға (*ясама қаҳқаҳа билан*). Ҳо, ҳо, ҳо! Шаҳбоз қизингнинг куйгунчаклигини билади-да, шунинг учун ҳазиллашган Шарафнисо дарров хафа бўлибди-да. Ҳо ҳо, ҳо! Она-боланинг ақли бир пулчалик ҳам эмас-а! Ҳар қандай беҳуда сўзга ҳам хафа бўлаверасизлар.

Шаҳрибону хоним (*шанғиб*). Сен шунақа, ҳамма нарсани беҳуда деб, ғам емай юраверасан! Шаҳбоз ёш, ақли-ҳуши жойида эмас, ким билади, балки франк аллақандай сўзларни айтиб, миясини айнитгандир? Сен эркаксан, иккаласини чақириб: нима гап, нима сўз, деб суриштирсанг, ҳеч нима бўлиб қолмайсан.

Ҳотамхон оға. Хўп бўлади, хотин. Худо ҳақи, шанғиллама! Ҳозир чақириб олдингда суриштираман, бўғилма.

Парда тушади.

И К К И Н Ч И П А Р Д А

Иккинчи парда воқеаси яна ўша кунда, биринчи уйда ўтади. Уйга гиламлар тўшалган, бир бурчида ун қоплари, иккинчи бурчида ёғ мешкоплари, юнг тойлари тиралган. Ҳотамхон оға уй тўрида, гилам устида ўтирибди. Унг томонида хотини Шаҳрибону хоним, унинг бошида юзининг пастки қисми тўсиб ўралган оқ рўмол. Рўпарасида жияни Шаҳбозбек, амаким нима дер экан деб, ханжарига суянган ҳолда интизор бўлиб ўтирибди. Юнг тойлари устига солинган шолчада, Шаҳбозбекнинг чап томонида, европача кийимда мусьё Жордан оёқларини, чалиштириб, сигара чекиб ўтирибди. Ҳотамхоннинг катта қизи Шарафнисо хоним юкларнинг у томонига тутиб қўйилган гилам орқасига булардан аввал яшириқча келиб беркиниб олган, у ўртада нима гап бўлишини эшитмоқчи. Ҳотамхон оға мусьё Жорданга юзини ўгириб хитоб қилади.

Ҳотамхон оға. Ҳаким жаноблари, сен бизнинг Шаҳбозни Фарангистонга олиб кетмоқчи бўлибсан, шундайми?

Мусьё Жордан. Шундай, Ҳотамхон оға, бу гапни сизга ўзим айтмоқчи бўлиб юрган эдим. Чунки Шаҳбозбекдек ёш, зийрак, маърифатли бир йигитнинг француз тилини билмай қолишига одам ачинасан. Шунинг учун уни Парижга олиб бориб, француз тилини ўргатиб қайтаришга ваъда қиламан. Нимага десангиз, француз тилини ўрганишга жуда ҳаваси зўр, тез ўрганиб олади. Ҳозир ҳам мен билан алоқа қилиб юриб, бир қанча француз сўзини билиб олди.

Ҳотамхон оға (*Шаҳбозбекка қараб*). Шаҳбоз, тўғридан ҳам Парижга борнинг борми?

Шаҳбозбек. Ҳа амаки, рухсат берсангиз, мусьё Жордан билан кетиб, яна ўзим қайтиб келардим, албатта қайтиб келардим.

Ҳотамхон оға. Нима қиласан бориб, болам?

Шаҳбозбек. Француз тилини ўрганиб келаман, амаки.

Ҳотамхон оға. Француз тилини ўрганиб бошингга урасанми, жон болам? Сенга кераги араб, форс, турк, рус тиллари; худога шукур, давлати олиймиз шафқати билан очилган мадрасаларда бу тилларни ўқиб ўргандинг.

Шаҳбозбек. Амаки, француз тили менга жуда ҳам зарур. Бултур мени ариқ чиқариш учун рухсат олгани Тифлисга юборганингизда, Оллоҳвердибекнинг ўғли Тарвердибек Варшавада француз тилини ўрганиб келгани учун ҳар мажлисда ҳурмати меникидан баланд бўлди, гарчи француз тили билан турк тилидан бошқа тилни билмаса ҳам.

Ҳотамхон оға. Болам, сен ҳали ёшсан, буларнинг ҳаммаси беҳуда нарсалар. Инсонга, одам боласига ақл лозим. Битта тилни ортиқ билган билан ақл ортмайди. Одам қандай бир тилда гапирмасин, у энг аввал ўз замонасида яшаган одамларнинг одат ва ахлоқларини тўғри тушуниши, тўғри идрок этиши керак, ана ўшанда ўз ишини тўғри бошқара олади.

Шаҳбозбек. Париж халқи ҳам замона аҳлига киради. Сизнинг сўзингизга кўра, уларнинг ҳам одат ва ахлоқларини билиш керак бўлади.

Ҳотамхон оға. Хайр, майли, агар билгинг келатган бўлса, уларнинг ҳам одат ва ахлоқларини бил.

Шаҳбозбек. Ундай бўлса, Парижга бормай туриб у ердаги одамларнинг одат ва ахлоқларини қандай ўрганаман?

Ҳотамхон оға. Жуда осон. Мен фақат мусьё Жорданни кўриб, унинг гапларини эшитиб, парижликларнинг урф-одатларини қандай ўрганиб олган бўлсам, сен ҳам шундай ўрганиб олаверасан. Мен-ку Қорабоғдан бўлак ҳеч ерни кўрганим йўқ.

Шаҳбозбек. Амаки, Париж аҳлининг урф-одатини билиб олганингизга мен ҳеч ишонмайман.

Ҳотамхон оға. Шошма, болам, ҳозир ишонтирман. Менда шундай қаноат ҳосил бўлди: бизда қанақа урф-одат бўлмасин, парижликларда буларнинг тескариси экан. Масалан, биз қўлимизга хина қўямиз, французлар қўйишмайди; биз сочимизни қирдириб юрамиз, улар сочларини қирдиришмайди; биз бошимизга папоқ кийиб

Ўтирамиз, улар бошлари очиқ ўтиришади; биз кавуш киямиз, улар ботинка кийишади; биз овқатни қўлимиз билан еймиз, улар қошиқ билан ейишади; биз инъомни ошкора оламиз, улар яшириқча олишади; биз ҳамма нарсага ишонамиз, улар ҳеч нарсага ишонмишмайди; бизнинг аёллар калта кийим кийишади, уларнинг аёллари эса узун кийишади; бизда кўп хотин олиш одати бор, Парижда эса кўп эркак олиш одати.

Шаҳбозбек. Амаки, лекин бунисига тушунмадим.

Ҳотамхон оға. Нега тушунмайсан, болам? Кўп хотин олишнинг маъноси шуки, бир эркак битта хотин билан қаноат қилмайди, кўп эркак билан туришнинг маъноси эса битта хотиннинг битта эркак билан қаноат қилмаслигини билдиради. Бу одатларнинг биринчиси бизда, иккинчиси Парижда. Мен буни мусъё Жордан мазмунини узун қиш бўйи айтиб берган китоблардан билиб олдим. Бошқа нарсаларга ҳам шу мазмунда қараю, бефойда Парижга бориш фикридан қайт!

Мусъё Жордан *(заҳарханда билан)*. Хо, хо, хо! Ҳотамхон оға, сиздай мантиқ қоидаларидан хабардор, ақл ва фаросатли бир мўйсафиднинг шу маҳалга қадар бирон давлат кенгашмасига аъзо бўлиб кирмаганингизга ҳайрон қоламан. Сиз талқин этган нарсаларга мен гарчи эътироз қилолмасам ҳам, лекин ижозат этсангиз, мен ҳам сизга бир неча оғиз сўз айтсам.

Ҳотамхон оға. Марҳамат, жаноб ҳаким! Сизнинг ҳар бир сўзингиз бизга мойдай ёқади.

Мусъё Жордан *(виқор билан)*. Ҳотамхон оға, Шаҳбозбекни Парижга олиб кетишдан мақсадим, аввало, унинг тарбияси билан шахсан ўзим машғул бўлмоқ, унга француз тилини ва илмини қадру ҳол ўргатмоқ, қолаверса, уни королимизга таништириб, бу ерда менга қилган яхшиликларингиз ва ғамхўрликларингиз эвазига королдан бирон инъом олиб бермоқдан иборатдир. Мен, ахир, королнинг тахти ҳимояти остидаги фанлар академиясининг аъзоси ҳамда фан доктори бўлганим учун зоти олийларининг ишонч ва таважжуҳидан баҳрамандман. Лекин мулоҳазаларингиздан маълум бўлдики, сиз сафарнинг фойдасини инкор қиласиз. Шунинг учун сафарнинг фойдасини амалий мисоллар билан исбот қилиб бериш зарур деб ҳисоблайман. Агар, масалан, мен Қорабоққа келмаганимда *(чўнтагидан қўйин дафттарини олади, ундан авайлаб ўраб қўйилган*

бир нечта кўкатни чиқариб кўрсатади.), агар Қорабоққа келмаганимда, Қорабоғ яйловларида мана шундай ўтлар ўсишини ким биларди? Бизнинг табиатшунос олимларимиз Линней, Турнефорт ва Бертрам жаноблари бу ўт-ўланларни шу дамгача фақат Алпларда, Америкада, Африкада ва Швейцария тоғларидагина ўсади деб гумон қилиб келишарди. Лекин мен бу ерга келдим, ҳалиги олимларнинг, шубҳасиз, хато кетганликларини аниқладим; энди Париж фанлар академиясига бориб, бу ўт-ўланларнинг Қорабоғ яйловларида ҳам кўплаб ўсишини исбот қилиб бераман. Бу ўт-ўланларнинг аҳамиятини аниқлаб ва уларнинг табиатларини тажрибада синаб кўриб, докторлар учун янги бир қўлланма ёзаману, шу билан бу кўкатларни оламга машҳур этаман. Масалан, ўзингиз кўриб турган мана бу ўтни олайлик, *(қўли билан бир гиёҳга ишорат қилади)* буни лотинча акантус деб атайдилар; менинг тажрибамга қараганда, қорин оғриғига фойдаси бор. Жаноб Линней буни учинчи даражада, жаноб Турнефорт эса тўртинчи даражада деб фараз қилади, мен бўлсам буни иккинчи даражага киргизаман. Лотинчасига церастриум-альпинум деб аталган бу ўтнинг кўз оғриғини даволашда фойдаси зўрдир. Лотин тилида каммелина-африкана деб аталган мана бу кўкатни жаноб Линней еттинчи даражага, жаноб Турнефорт эса олтинчи даражага киргизади, мен бўлсам буни ўнинчи даражада деб биламан, чунки бу тиш оғриғи давосига жуда яхши таъсир қилади. Мана бунисини жаноб Линней бешинчи даражада, Турнефорт жаноблари эса учинчи даражада деб фараз қилишади, мен бўлсам буни саккизинчи даражага киргизаман. Лотинча номи комбретум деб аталган бу кўкат ҳозиргача Европада машҳур эмас эди. Уни Америка ўсимликларидан деб ҳисоблардилар. Мен эсам буни Қорабоғ тоғларидан топдим, бунинг учун жуда хурсандман, нимагаки, шамоллаган кишиларни даволашда бунинг фойдаси жуда зўр. Жаноб Линней буни олтинчи даражага, жаноб Турнефорт эса бешинчи даражага киргизади, мен бўлсам тўртинчи даражада деб биламан. Хуллас, ўзим топган ўт-ўлан ва ўсимликларнинг моҳияти билан хосиятини тасвирлаб, бутун оламга ёяман. Ана ўндан кейин менинг шуҳратим жаноб Линнейга ҳомийлик қилғувчи Георг Клиффорд шуҳратини босиб кетади. Илму фан олдидаги хизматим эса

картошка касалини кашф этиш билан ватани олдида катта хизмат кўрсатган Германия олимлари жамиятининг хизматидан ҳам ошиб тушади.

Ҳотамхон оға. Жаноб ҳаким, айтган гапларингнинг биронтасига тушунсам худо урсин. Клиффорд деганингиз ким, Линней ким, Турнефорт ким? Шунча заҳмат чекишиб, нима учун кўкатларни даражаларга бўлишибди? Германиянинг нима, Картошка деганингиз ким, у нега касал бўлибди? Бу Картошканинг ўзи қанақа улуг шахски, ватани унинг соғлиғи ва узоқ яшаши тўғрисида шунча ғам ейди? *(Ўртага қисқагина сукут чўкади, мусъё Жордан кулади, кейин Ҳотамхон оға яна сўзини давом эттиради.)* Ундай бўлса, бизнинг Шаҳбозни олиб бориб, унга ҳам шундай жумбоқларни ўргатмоқчидирсиз-да, жаноб ҳаким?

Мусъё Жордан. Ҳотамхон оға, кечиринг. Тўғри айтасиз, сизга қандай мисол келтириш кераклигини энди билдим. Масалан, бундан бир ой аввал бир киши Қорабоғнинг қўл етмас зотли бир айғир отини миниб келиб, сизникида меҳмон бўлди, у одамнинг исми хотиримдан кўтарилди. Агар Қорабоғқа келмаган бўлса, у шунча давлатни қаердан орттирарди?

Ҳотамхон оға. Бу тамоман равшан, жаноб ҳаким. Тўғри айттингиз, Қорабоғқа келмаган бўлса, ҳеч маҳал давлат орттиролмас эди.

Шаҳбозбек. Дардингизли олай, амаки, агар мени бахтли бўлсин десангиз, рухсат беринг, мусъё Жордан билан бирга кетай. Бундақа қулай фурсат ҳеч қачон қўлга кирмайди. Ахир, иккалангиз ҳам сафарнинг фойдалигига тан бериб турибсиз.

Ҳотамхон оға *(бир оз йўланиб).* Жаноб ҳаким, Шаҳбоз Парижга борса, қанча вақтда қайтиб келади?

Мусъё Жордан. Бир йил чамасида қайтиб келса керак, ортмайди. Мабодо бир йилдан кам турса, у вақтда боришдан кўзлаган мақсадига тугал эришолмайди, ахир, унинг мақсади франсуз тилини ўрганиш-ку.

Ҳотамхон оға *(хотинига юзини йиғириб).* Хайр, нима ҳам дедик, хотин, майли, борса бора қолсин. Папоғингни бир айлантириб кийгунигча йил ўтади. Ёш, майли, хоҳласа кетаверсин. Парижни кўриб келар. Ҳаким жаноблари ҳам кўп яхши одам, бу кишининг ёнида бўлса Шаҳбоз ҳам анча-мунча маърифат олади, яхшини, ёмонни кўради. Қоролдан совға-салом олиб келади. Йил

бошларида яна Қорабоғда бўлади. Бу орада биз ҳам тўйининг гадорикини кўриб қўямиз, келди дегунча тўйни бошлаб юборамиз.

Шаҳрибону хоним (*ўрнидан сакраб туради, шанғиб*). Ҳой эр, нималар деяпсан, нималар ўйлаяпсан? Парижга боришини ҳам, маърифат олишини ҳам, королдан совға-салом олиб келишини ҳам хоҳламайман! Бу гаплар қуруқ баҳона! Шаҳбоз Парижга бориб, мажлисларда, ўтиришларда юзларини очиб юрадиган қизлар, келинчақлар билан кайф суришни, суҳбат қилишни, ўйнаб-кулишни хоҳлайди, вассалом!

Ҳотамхон оға (*зардаси қайнаб*). Ҳой хотин, бас, худо ҳақи, кўп шанғийверма! Мен нима қилай, ахир, қўлингдан келса, жавоб берма! Осмонда учиб кетаётган қанотли қушни тўхтатиш мумкин бўлса, Шаҳбозни ҳам зўрлик билан тўхтатиш мумкин бўлади. Рухсат бермасам, бир сакраб отига минади-ю, ҳайт деб Аракснинг ул юзига ўтиб кетади. Ана-ундан кейин буни қаердан топаман? Нима, бунинг қайсарлигини билмайсанми?

Шаҳрибону хоним (*яна баттар шанғиб*). Мен ундан баттар қайсарман! Кеткизгани қўймайман! Агар Шаҳбозни Парижга кеткизсам, бу рўмол менга эмас, лўлиларга буюрсин! (*Қўлини бошидаги рўмолига чўзади.*)

Шаҳбозбек (*вазмин кулиб*). Худоё тавба! Келин ойим мени қайси қоровуллар зўри билан қамоқда сақлаб қолмоқчи эканлар?

Шаҳрибону хоним (*шанғиллаб*). Кўрасан! Сен ҳам ўз билганингдан қолма, мен ҳам ўз билганимдан қолмайман! (*Уйдан чиқиб кетади.*)

Ҳотамхон оға. Ишинг хотинга тушмасин!

Мусъё Жордан ҳайрон, Шаҳбозбек жаҳл аралаш сукутда.

Парда тушади.

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Учинчи парда воқеаси ҳам ўша ерда ўтади. Уйнинг бир четида Шаҳрибону хоним ўтирибди, иккинчи четида Шарафнисо хоним юнг тараяпти. Бирдан эшик очилиб, Шарафнисо хонимнинг энагаси Хонпари кириб келади.

Хон пари. Салом алайкўм!

Шаҳрибону хоним. Ваалайкўм ассалом! Хон пари, аҳволдан хабаринг борми?

Шарафнисо хоним қулоқ солиб ўтиради.

Аҳвол шундай: Шаҳбоз Парижга бормоқчи. Бу йўлдан қайтаришнинг бирон иложини қилмасмикансан, деб сени чақиртириб эдим. Ўзинг биласан: Ҳотамхон оға хамирга ўхшаган юмшоқ одам. Олдин гапни яхши бошлади, кейин бирдан бўшашиб кетди: мусъё Жордан билан Шаҳбознинг ҳавойи сўзларига учди-да. Лекин мен ўлсам ўламанки, Шаҳбозни Парижга кеткизгани қўймайман. Ҳақу ростини айтсам, Шарафнисонинг кўз ёшларини кўриб ўтиролмайдман. Шаҳбоз Парижга бориб кайфу сафо кўрармишу, ўн бешга энди кирган гул юзли қизим бу ерда оҳ чекиб, қон тупуриб, сомондек саргайиб, чўпдай озар эмиш! Йўқ, бунга худо ҳам чидаб туролмас!

Хон пари. Хоним, бирдан-бир иложи ўша — боя сенга айтганим. Ҳотамхон оғага ёки бирон бошқасига илҳақ бўлиб нима қиласан? Қўшни қишлоққа, Оғжабадига одам юбор-да, Қизилбош элидан келган дарвиш Масталишоҳни олдириб кел, тилагингни кўнглингдаги-

дай қилиб тўғрилайди. Унинг сеҳру жодусида шундай бир ҳикмат борки, агар хоҳласа, мени шу ондаёқ чолим билан қўйди-чиқди қилиб қўяди.

Шаҳрибону хоним. Айланай Хонпари, ундай бўлса, ўғлинг Алимардонни дарров юбор, Масталишоҳни Оғжабади қишлоғидан тез чақириб келсин! Хоним чақиряптилар, десин. Нима талаб қилса хўп десин. Гапнинг қисқаси, кечқурун чироқ ёқилганда Масталишоҳ бизникида бўлсин!

Хонпари. Жоним билан, хоним, ҳозир бораман. Лекин шуниси борки, Масталишоҳ бу ерга Ҳотамхон оға билан Шаҳбоздан яшириқча келиши керак. Худо кўрсатмасин, Шаҳбоз уни бу ерда кўрса, уни ҳам ўлдиради, мени ҳам соғ қўймайди.

Шаҳрибону хоним. Албатта! Мен ҳозир чиқиб, Ҳотамхон оға билан Шаҳбозбекни йилқилардан хабар олдиргани юбораман. Қайтиб келганларида, Шарафнисонинг ҳужрасига кириб ётинглар, мен кечаси бу ерда сув иситиб, Шарафнисони чўмилтириб, бошини ювман, деб тайинлайман. Сен ҳам тур, дарров бориб, ўғлингни дарвишга юбор.

Иккаласи чиқиб кетади. Шарафнисо хоним ёлғиз қолгандан сўнг ўрнида турлади.

Шарафнисо хоним. Худоё худованди карим, ўзингга шукур, бир оз юрагим тинчиди. Сеҳргари, жодугари йўқ юртни худо кўтарсин! Энагам айтган дарвиш бўлмаса-чи, мусъё Жордан Шаҳбозни олиб кетиб қолиб, эгнимга нах аза кийимини кийгизарди.

Эшник очилиб, Шаҳбозбек кириб келади.

Шаҳбозбек. Биласанми, жоним Шарафнисо, бугун келин ойим бошимга қандай савдолар солди? Мусъё Жорданнинг олдида амакимга чинқириб, менга ҳам ёмон захрини сочди.

Шарафнисо хоним. Шаҳбоз, ўзингнинг қилмишингни билмайсану, келин ойинг қичқиргани кўзингга кўринади.

Шаҳбозбек. Тасаддуғинг кетай, Шарафнисо, мен нима қилибман, ахир?

Шарафнисо хоним (*чопиб гилам пойгоҳига боради, унинг орқасидан тахланган бир неча варақ қоғозни*

олиб очади). Шаҳбоз, айт-чи, бу суратларни менга ким келтириб берган? Буларни сен олиб келиб: «Мана, қара, Париж қизлари, келинчаклари қандай чиройли, кўриб қўй, Париж қизлари шунақа гўзал! Бу қизлар, бу келинчаклар мажлисларда, ўтиришларда ёш йигитлар билан бутунлай юзлари очиқ юришади» демабмидинг? Уялганимдан, бу суратларни ҳалигача келин ойингга кўрсатганим йўқ.

Шаҳбозбек. Эҳ, Шарафнисо, худди ёш боланинг гапини қиласан-а! Бу суратлар мусъё Жорданнинг китоблари ичида экан. Мусъё Жордан китобларини варақлаб ўтириб, бирдан кўзи шуларга тушиб қолибди. Китобидан олиб: «Обор, унашиб қўйилган қизингга кўрсат, Париж қизлари, келинчаклари бу йил шу тахлит кийинишармиш, ўтган йил бутунлай бошқача кийинишган экан, келаси йили яна бўлакча кийинишармиш, дегин» деди. Парижда ҳар йил кийим фасони ўзгариб турар экан. Мен ҳам олиб келиб сенга бердим. Хўш, бунинг нима айби бор?

Шарафнисо хоним. Айби шундаки, сен шу қизларга тезроқ етишсам, Парижга тезроқ бора қолсам, деб ўлиб турибсан!

Шаҳбозбек. Шарафнисо, бу қандай гап, ахир? Париж қизларининг ҳаммаси сенинг ҳаром тукингдан айлансин. Сендек гўзал, чиройли ёрим турганда, жаннат ҳурлари ҳам кўзимга кўринмайди. Сенсиз бир кун ҳам туrolмайман!

Шарафнисо хоним. Бас, худо ҳақи, бу найрангларингни қўй. Сенсиз бир кун туrolмайман, деган йигит бу ердан Парижга кетмас эди. Сен мени севмайсан!

Шаҳбозбек (уни чапдаст бўйнидан қучоқлаб ўпади). Шарафнисо, наҳотки менинг севгимга гумонинг бўлса! Юзимга шу сўзни айтгандан кўра, юрагимга ўқ узганинг яхши бўларди. «Парижга нима сабадан кетяпсан?» деб бир сўрагин, ахир!

Шарафнисо хоним (йиғлай-йиғлай Шаҳбоз қучоғидан чиқади). Сўраб нима қиламан: сабабини ўзим жуда яхши биламан. Сабаби мана бу жувон ўлгурлар!

Ғижиниб, суратларни ғижимлайди, кейин оёғининг тагига отиб уради.

Шаҳбозбек. Йўқ, сабаби уларэмас, худо урсин! Билмайсан-да тенгқурларим илмли бўлишди, хизматга киришди, иззат-ҳурмат кўришяпти, бахтли яшашяпти.

Мен бўлсам бу қамишзорда ному нишонсиз ўтиб кет-
япман.

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Аввало, бу гапинг қип-қизил
ёлгон. Ахир, бизда ким илм билан, хизмат билан бахт
топибди? Сен кўрган у бахтиёрлар бахтларини бутунлай
бошқа йўл билан топишган. Қолаверса, агар хизмат қил-
гинг келаётган бўлса, Тифлисга бориб хизматга кир. Ана
ундан кейин, агар хоҳласанг, бошқа шаҳарларга бор,
улар шундай шаҳарлар бўлсинки, қўлингни чўзсанг қў-
линг, овоз чиқарсанг овозинг менга етиб турсин. Биздан
Парижга борганлар ҳам, Париждан келганлар ҳам йўқ.

Ш а ҳ б о з б е к. Гапларинг тўғри, лекин одамнинг ҳар
ишда қўллаб-қўлтиқловчиси бўлиши керак. Мени эса
Тифлисте ҳам, бошқа шаҳарларда ҳам танийдиган би-
ронга одам йўқ. Мени ким ҳимоят қилиб ишга жойлайди,
менга ким иззат-ҳурмат топиб беради? Лекин бу фран-
цуз жуда яхши одам, бунинг устига мени яхши кўради,
хонадонимизни яхши билади. Бу мени Парижга олиб
бориб француз тилини ўргатса, корол билан таништира,
ана унда шуҳратим чиқади, қайтиб келганимдан кейин
эса ҳар ерда иш ҳам топилади.

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Бу сўзлар ҳаммаси ҳийла-ю
найранг, мени алдаш учун бир баҳона, холос. Бу қандай
сўзки, сендай ақл-идрокли, уддабурон йигит Тифлистен
иш тополмаса?

Ш а ҳ б о з б е к. Париждан қайтиб келганимдан сўнг
барибир Тифлисга бориб хизмат қиламан.

Ш а р а ф н и с о х о н и м (*суратларни оёғи билан ита-
риб*). Сенга ўхшаган йигит Парижга боргандан кейин
манави расволардан ўзини сақлаб қололармидики, мун-
доқ одамбашара бўлиб қайтиб келсин. Сен ҳеч қачон
Парижга боролмайсан. Аввал бор, кейин мақтан.

Шу пайт Ҳотамхон оға ташқаридан Шаҳбозни чақиради.
Шаҳбоз тез чиқиб кетади.

П а р д а т у ш а д и.

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи парда воқеаси Ҳотамхон оғанинг уйида ўтади. Бир ёқда Шаҳрибону хоним, иккинчи ёқда Шарафнисо хоним, учинчи ёқда унинг энагаси Хонпари ўтирибди. Оқшомдан икки соат ўтган. Шаҳрибону хоним бошини кўтариб Хонпарига гапирди.

Шаҳрибону хоним (*сабрига чидмай*). Хонпари, нима бўлди, дарвиш келмаяпти-ку!

Хонпари. Хавотир қилманг, хоним, ҳозир келиб қолади.

Бирдан эшик очилиб, машҳур жодугар Масталишоҳ қош-қовоғи солинган ҳолда кириб келади.

Масталишоҳ. Ассалому алайкўм!

Шаҳрибону хоним (*бошини кўтариб*). Ваалайкўм ассалом, дарвиш бобо, хуш келибсиз, ўтиринг.

Масталишоҳ (*ўтириб*). Хоним, бизга қандай хизматлари бор? Айтсинлар, жоним билан бажо келтирурман.

Шаҳрибону хоним. Дарвиш бобо, сизни бир кичкина, осонгина иш билан безовта қилдим. Мақсад шуки, бизнинг Шаҳбоз йўлдан озиб, француз меҳмонимиз билан бирга Париж шаҳрига кетмоқчи бўлиб юрибди. Менинг мана бу ерда ўтирган гул юзли қизимга унашиб қўйганмиз, йигирма кунчадан кейин тўйлари бўлиши керак. Энди бу шўрликни қон қақшатиб кетмоқчи. Ҳотамхон оға иккаламиз қанча ялиниб-ёлвордик, гап уқтирдик, ҳеч қулоқ осмади. Бир амалласангизки, Шаҳбоз Парижга кетмаса. Мусъё Жордан ҳам ундан айнаса-ю, олиб кетмаса.

Масталишоҳ. Хоним, бу кичкина, осонгина иш эмас. Балки жуда катта, жуда мушкул иш. Ё Париж устида, ёки мусъё Жордан бошида жоду чақмоғим чақнаши керак.

Шаҳрибону хоним. Дарвиш бобо, тушунмадим: жоду чақмоғингиз нима учун ё Париж устида, ёки мусъё Жордан бошида чақнаши керак?

Масталишоҳ. Хоним, агар Шаҳбозбекка жоду таъсирини ўтказадиган бўлсам, унда йигит ичига жинларимдан бирини киргизишим керак бўлади. Бу жин Шаҳбознинг Парижга бориш хаёлини миясидан қувиб чиқаради. Лекин Шаҳбозбек жиндан қўрқиб кетиши, оқибатда ақли-ҳушига зарар етиши, касал бўлиши ёки оқсаб қолиши мумкин, чунки у жуда ёш, бола-да.

Шаҳрибону хоним. Вой, худо ҳақи, дарвиш бобо, бундай дея кўрманг. Биз бу нарсаларни Шаҳбозбек кўзимиздан бир кун ҳам узоқлашмасин деб қиляпмиз. Унинг ичига жин киришига ўлсак ҳам рози бўлмасмиз!

Масталишоҳ. Ундай бўлса, девларимга, алвастиларимга Парижни емиринглар, остин-устин қилинглари, деб буюраман. Ана шундай қилсак, Шаҳбозбек Парижга бориш фикридан қайтади. Ёки Миррих юлдузига буюриб, мусъё Жорданнинг бўйинини уздираман, ана унда Шаҳбозбекни олиб кетадиган бўлмайди. Бу мушкулнинг ўзга чораси йўқ.

Шаҳрибону хоним. Вой, дарвиш бобо, бундай қиласиз? Наҳотки иложи бўлса?

Масталишоҳ. Э, хоним, бу ёғини менга қўйиб бераверинг, асло шубҳа қилманг. Ия, шайтонларимнинг бир қанчасига Шуша қалъасидаги усули ва шайх мазҳабидаги муллаларнинг орасига фитна солинглари, фасод солинглари, уларни ҳеч вақт тинч қўйманглари, деб буюрганимни ҳали эшитганингиз йўқми? Мени бундай қилишга уларнинг ўзлари мажбур қилишди, нимага десангиз, минбарга чиқиб олишиб, халқни жодугар ва сеҳргарларга ишонманглари, деб очиқ-ошкор ваъз ўқишди. Оға Вали Али Қули ўғлининг ичига фитнаю фужурда якто шайтонни, яъни Қилжон деган иблисни киргизган ажабо мен эмасми? Мен бу иблисни Салён аҳолисининг жонига жо қилиб қўйдим. Салёнликлар ундан қўрқиб, кечалари мижжа қоқмай чиқишади. Салёнликлардан олган бу қасосим ҳали оз. Нимага десангиз, улар бултур мени Салёнга қўймай қувиб юборишди, бу ер мўминлар макони, сен

бўлсанг дарвишсан, жодугарсан, бу ерга оёқ босма, дейишди! Яна қандай ишларимдан гапирай? Бу ишлар яқин кунларда қилган амалларимнинг аломатларидир. Бундан ўн бир йил бурун Нохичивон ва Шарур томонлар орқали Эриванга ўтиш мақсади билан Аракс қирғоғига келган эдим. Иккала бўлиснинг аҳолиси сени бу ерлардан кечиб ўтишингга йўл қўймаймиз деб тўсқинлик қилди. Нимага десангиз, қўлингда рухсат қоғози йўқ, номаълум одамларга йўл бериш, у ёққа ўтказиш қонун бўйича тақиқ қилинган, дейишди. Ҳолбуки, у муттаҳамлар яшириқча мол келтирувчи одамларни ўзлари пропускасиз ҳам кечаю кундуз у ёқ-бу ёққа ўтказиб туришади. Ҳар қанча ялиниб-ёлворсам ҳам, елимлик қилсам ҳам сўзимга қулоқ солишмади. Дарё бўйлаб пастга бордим, устга бордим, бўлмади-бўлмади-да! Охири жаҳлим чиқди. Ажиналар билан иблисларга буюрган эдим, Нохичивон билан Шарурни ер билан яқсон қилишди, зарбидан Арарат тоғининг бир томони ағдарилиб, Ақур қишлоғини босиб қолди. У ердаги бечора арманилар ёмон қўшниларининг касрига қолиб, ҳалок бўлишди. Хулласи, Қорабоғнинг баланд Мирав тоғига ерингдан кўч десам кўчмайдими? Араксга оқма десам оқадими?

Шаҳрибону хоним (ҳайронликдан қўлини лабига келтиради). Худо ўзинг асрагайсан бундай балодан...

Масталишоҳ. Хоним, вақт ярим кечага яқинлашиб қолди, имиллаб бўлмайди. Менга айтсангиз: мусъё Жордан қай вақт кетмоқчи?

Шаҳрибону хоним. Ўн кундан кейин.

Масталишоҳ. Жуда соз. Мен ҳозир, хоним, сизнинг кўзингиз олдида Парижнинг ҳайкалини ясаб, шу ернинг ўзида вайрон қиламан. Иннайкейин девлар билан иблисларга дарҳол Парижни вайрон қилинглар, бунинг хабарини ўн кун ичида мусъё Жорданга етказинглар, деб буюраман. Ана ундан кейин мусъё Жордан Шаҳбозни олиб кетиш фикридан қайтади. Ёки битта катта хўрозни тутиб отини мусъё Жордан қўяман-да, шу оннинг ўзидаёқ бўйинини танасидан узиб, Миррих юлдузига буюраман; у ҳам мусъё Жорданнинг бўйинини тонг отгунча шу тахлитда танасидан жудо қилади. Ана унда Шаҳбозбек мусъё Жордандан қутулади. Қани айтинг-чи, кўрайлик: жаноблари Парижнинг вайрон бўлишини хоҳлайдиларми, ё мусъё Жордан бўйинининг узилишиними?

Хонпари (суюнч билан чапак чалиб). Иккала-

сини ҳам, дарвиш бобо! Французларга ачиниб ўтирармидик?

Шаҳрибону хоним. Вой анови хотинни, мунча юрагинг тош экан! Тавба, париждликлар бизга нима ёмонлик қилибдики, уйларини, бошпаналарини вайрон қилиб, минг-минглаб одамларнинг қирилишига сабаб бўлайлик? Бошимизга шунча савдони солган ўша ўт-ўлан йиғувчи мусъё Жорданнинг бир ўзи, холос. (*Юзини Масталишоҳга ўгириб.*) Дарвиш бобо, нимаики қилсангиз ҳам ўшанга қилинг. Бу ерда хўрознинг калласини узингу, Араксдан ўтгандан кейин мусъё Жорданнинг ҳам калласини танидан жудо қил, деб Миррих юлдузига буюринг. Ишқилиб, Шаҳбоз ёлғиз қолсин, яна дарёнинг бу юзига ўтсин, уйга қайтсин. Минг-минг гуноҳсизнинг қирилганидан кўра, битта гуноҳқорнинг ўлгани минг афзал.

Шарафнисо хоним. Жон ойи, ундай деманг, мусъё Жорданга увол бўлади! У жуда яхши одам. Шу ёз ҳар кун ажойиб чечаклардан гулдасталар боғлаб Шаҳбоз орқали менга юбориб турди, Шаҳбозга: «Бор, унашиб қўйилган қизингга бер, одамлар неча йиллаб шу яйловларда юришгану, шундай гуллар, чечаклар борлигини кўрмаганлар» депти. Кейин менга битта ойна ҳам ҳадя қилди. Бу ойнанинг орқасига Парижнинг ажойибот боғида битган Янги Дунё гулларининг сурати солинган. У мени ўз қизидай кўрарди. Мен ўзимни ўлдирсам ўлдираманки, зинҳор мусъё Жорданнинг калласини уздирмайман! Майли, бизга нима, Париж вайрон бўлаверсин! Агар у ерда қизлар, келинчаклар юзлари очиқ юришмаганда, Шаҳбоз ҳам ҳеч вақт у ёққа кетмас эди. Париж вайрон бўлсин! Қиз-келинчаклар қирилсин!

Шаҳрибону хоним. Худо ҳақи, қайси бирига рози бўлишимни ҳам билмай қолдим! Лекин бошқа чораси йўқ. Аслида, Шарафнисо ҳам тўғри айтади. Мусъё Жордан увол кетади, яхши одам. Фақат битта гуноҳи: Шаҳбозни йўлдан уриб, Парижга олиб кетмоқчи бўлгани. Парижда ёмон одамлар бор эмиш, буниси маълум. Шукурки, худо бизга дарвишни етказди; энди бунинг сеҳру жодуси билан Парижни йиқитиб, вайрон қилайлик. (*Юзини Масталишоҳга ўгириб.*) Дарвиш бобо, девлар билан иблисларга буюринг, Парижни кўтариб, остин-устин қилиб ташлашсин!

Масталишоҳ. Жоним билан, хоним. (*Юзини Хонпарига ўгириб.*) Хонпари хола, ташқарига чиқиб, шогир-

дим Ғулomalига айтинг: хуржунимни отдан олиб, дар-
ров бу ерга олиб кирсин.

Хонпари дарҳол туриб чиқиб кетади.

Масталишоҳ. Хоним, Ҳотамхон оға билан Шаҳ-
боз ҳозир қаерда?

Шаҳрибону хоним. Йилқилардан хабар олиб
келиб, ҳозир нариги уйда ухлашяпти.

Масталишоҳ. Хоним, бу сирдан улар ҳам, бошқа-
лар ҳам на ҳозир ва на кейин хабардор бўлмасликлари
керак. Акс ҳолда жоду асло таъсир қилмайди.

Шаҳрибону хоним. Бу томонидан хотиржам
бўласиз, дарвиш бобо.

Шу пайт эшик очилиб Хонпари, қўлида хуржун билан Ғулomали
кириб келади.

Ғулomали. Ассалому алайкўм!

Масталишоҳ. Ваалайкўм ассалом! Хуржунни ер-
га қўй, оғзининг боғини оч, ичидан турли шакллар чизил-
ган тахтачаларни ол!

Ғулomали (*хотинлар тушунмасин деб форсча га-
пиради*). Михоҳ че бекуни?¹

Масталишоҳ. Михоҳамки, ҳейкали шаҳри Париж-
ро барпо нумуда ба дивҳо ва ифритҳо ҳукм кунамки, дар
турфатулейн зиру забараш кунад; мисли онки альон дар
пиши чешми ин хотун (*кўзи билан Шаҳрибону хонимни
ишора қилади*). Ман ҳейкалашро зиру забар ҳоҳам
кард².

Ғулomали (*кулмсираб*). Ба сояе че?³

Масталишоҳ. Басояе сад дона божоқлуйи тозаки,
ҳоло аз ин хотин баройи ҳамин матлаб хоҳам грифт⁴.

Ғулomали (*кулмсираб*). Хуб, ин хотун бо пойтах-
ти франг ва аҳлаш че адоват дорад?⁵

¹ Нима қилмоқчисиз?

² Париж шаҳрининг ҳайкалини қуриб, бу ҳайкални мана шу хотин кўзида қандай вайрон қилсам, девлар билан иблисларга буюриб Парижни ҳам кўз очиб-юмгунча шундай вайрон қилдирмоқчиман.

³ Не важҳдан?

⁴ Юз тилла важҳдан, бу тиллаларни шу ишим учун ҳозир хонимдан оламан.

⁵ Хўп, бу хонимнинг Франция пойтахти ва халқига қандай адовати бор экан?

М а с т а л и ш о ҳ. Ин ҳекоят ҳейли дарозаст, тақри-
раш кунжойиши ин мақом надорад, тахтапораҳоро аз
хуржун бирун кун!¹

Ғ у л о м а л и. Ҳамин соат, аммо ҳич ақлам бовар на-
микунадки, ин амримушкил: сурат-пазир гардад; намидо-
нам шуҳи миқуни, ё на? Дар турфатулейн Париж хароб
шавад, яъни че?²

М а с т а л и ш о ҳ (кулимсираб). Черо яъни че, мар-
дака? Ҳоло, ин хотуни мукаррама сад дона божоқлуйи-
тоза баройи ин матлаб бе ман хоҳад дӯд ва даҳ руз ҳам
мӯҳлат ҳастки, жодуйи-ман асари худро бе баҳшад ва
каси ҳам бадин сир воқиф нист ва на хоҳад шуд. Ваъд аз
грифтани божоқлуҳо даст ва по кушодаам. Магар то даҳ
руз намитовонамки, худро бе он тарафи Аракс бейандо-
зам, маро дар онжаки, пейдо хоҳад кард? Ваъд аз ман
шавад божоқлуҳо биқилу қол аз ҳазми-робе хоҳад гу-
зашт. То че мидони, балке то он муддат бесониҳеи аз со-
ниҳот Париж хароб шавад. Магар ин нев ҳодисоти ажи-
ба дар олам камтар вуку ёфтааст³.

Ғ у л о м а л и (тахта парчаларини хуржундан чиқариб,
кулимсираб). Ин фақарейи-ахираро ҳаргиз ақлам қабул
намикунанд, хаёли-хомаст⁴.

М а с т а л и ш о ҳ (кулимсираб). Бас фақарейи-соби-
қора ақлат қабул микунад? Он ҳамки, хаёлхон
нест?⁵

Ғ у л о м а л и (кулимсираб). Ори, дар он че шаккаст⁶!

¹ Бу ҳикоя жуда узун, ҳозир бу ерда гаплашиб бўлмайди,
жойи эмас; майда тахталарни хуржундан ол.

² Ҳозир. Аммо бу мушкул буйруқнинг бажо келтирилишига ҳеч
ақлим етмайди, билмайман: ҳазил қиялпсизми ё йўқ? Кўз очиб-
юмгунча Парижни вайрон қилиб бўладими, ахир?

³ Ҳой одам, бу нимаси: бўладими-бўлмайдими? Ҳозир бу му-
каррама хоним шу иш учун менга юз тилла беради, жодуниг асар
этишига эса ҳали ўн кун бор. Бу сирдан ҳеч ким воқиф эмас, во-
қиф ҳам бўлмайди. Тиллаларни олганимдан кейин — қўл-оёғим соғ —
ўн кун ичида ўзимни Араксинг ул юзига олиб ўтиб кетолмайман-
ми? Мени у ердан ким топади? Мендан кейин нима бўлса бўлавер-
майдими! Ўн кун ичида Париж вайрон бўлса-бўлмаса, бу орада
тиллалар сўзсиз ҳиқилдоқдан ўтиб кетади. Сен нима биласан, балки
у вақтгача баъзи сабаблар билан Париж вайрон бўлар. Тавба,
дунёда бундай аломат ишлар кам бўладими?

⁴ Бу сўйғи таваккалга ҳеч ақлим ишонмайди, хом хаёл бу.

⁵ Бўлмаса аввалги таваккалларни ақлинг қабул қилганми?
Улар ҳам хом хаёл эмасмиди?

⁶ Тўғри, уларда ҳам шубҳа йўқ.

М а с т а л и ш о ҳ. Хўб, дигар ҳавоссамро бо суолхойи-бифойда мағшуш макун. Бирав, пиши-асбҳо, мунтазир бош. Ман ҳам баъд аз ек соат амали-худро тамом карда мирасам, савор мишавим, боз мигардим.¹ (*Фуломали чиқиб кетади.*) Хонпарн хола, туринг, эшикни беркитиб қўйинг. Одам-модам кирмасин. (*Хонпарн эшикни беркитиб яна келиб ўтиради. Масталишоҳ ўзича форс тилида ғўдранади.*) Ин тонфейи-занон ажаб бичора ва содда левҳанд, бидуни-тасаввур ва тааммул бовар микунадки, ман дар Қорабоғ нишаста Парижро дар турфатулейн зиру забар митавонам кард ва Маррихам дар он тарафи Аракс гerdани мусъё Жорданро воқти рафтан митавонанд зад².

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Дарвиш бобо, нималар деяпсиз?

М а с т а л и ш о ҳ. Маҳзар ўқияпман, хоним, ишимиз ўнгидан келсин деб. Ниятимни девлар билан иблислар билиб қўйишсин-да! (*Полосни кўтариб, полга юмалоқ чиқиқ чизади.*) Бу Париж шаҳрининг доираси. (*Майда тахтачаларни бир-бирларига ёпиштириб, доира ичига ўн-ўн икки катта-кичик уйлар қилади.*) Буниси Париж бинолари, уйлари. (*Юзини Шаҳрибону хонимга ўгириб*). Хоним, мана энди Парижни кунфаякун этиб, остин-устин қилиб ташласам бўладими?

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. На чора, гуноҳкорнинг жазосини худойим ўзи берсин. Тўқайга ўт кетса, ҳўли-қуруғи аралаш ёниб кетади. Бечора парижликлар бизга ҳеч ёмонлик қилишмаган эди. Бунинг уволи мажлисларда ҳамиша ёш йигитлар, эркаклар билан юзлари очиқ ўтириб сўзлашган, одамларни оздириб, ёмон йўлга бошлаган Париж қизлари, келинчаклари бошига тушсин. Дарвиш бобо, вайрон қилаверинг.

М а с т а л и ш о ҳ. Хоним, девларнинг хизмат ҳақларини, инъомини марҳамат этсалар.

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Дарвиш бобо, девлар инъомни нима қилишади?

¹ Хўп, ҳисларимни бошқа бефойда саволлар билан банд қилма. Отларнинг ёнига чиқиб, ўша ерда кут. Мен ҳам бир соатлардан кейин ишимни тугатиб чиқаман, миниб қайтамин.

² Бу хотин тонфаси кўп содда, кўп анқов келади-да! Бу Қорабоғдан туриб қандай қилиб Парижни остин-устин қилади, Миррих юлдузи Араксининг ул юзида мусъё Жорданнинг калласини тана-сидан қандай жудо қилади, деб ўйлашмасдан гапимга дарров ишониб қўя қолишди.

М а с т а л и ш о ҳ. Э, саломат бўлсинлар-е, хоним! Нима, менинг девларим эрон сарбозларимидики, текинга хизмат қилишсин? Ахир, мен ҳам сарбозларга ҳеч нима бермай, уларни фақат сўкиб қўрқитадиган эрон вазири Ҳожи Мирзо Оғосий эмасман-ку!.

Мо ғуломони ин Али шоҳим,
Аз тамоми замоир огоҳим.
На мавожиб, на жираву, на алик,
Новкари қурбатан илаллоҳим!

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Дарвиш бобо, наҳотки Ҳожи Мирзо Оғосий сарбозларга ҳеч нима бермаса-я? Фақат сўкиб қўрқитади холосми?

М а с т а л и ш о ҳ. Хоним, худо урсин, Техронда мен бир қур ўз кўзим билан кўрганман. Ҳожи Мирзо Оғосий Тўпхона майдонида Мирворид тўпини кўздай кечириб турган эди. Бирдан етти юзтача сарбоз уни ўраб олиб ойлик талаб қила бошлади. Ҳожи Мирзо Оғосий дарҳол ерга энгашди-ю, кавушининг бир пойини қўлига олиб, минг қаргага бир кесак, деб уларга ҳужум қилди. Сарбозлар каклик галасидай, олдига тушиб қочиб қолди. Ҳожи Мирзо Оғосий сарбозлардан биттасини ҳам тутолмай, яна тўп ёнига қайтиб келди. Кейин ҳузурида турган хонларга хитоб қилиб: «Ҳазратлар, кўрдингларми? Шундай қўрқоқ кўшин билан Ҳиротни олишимга ақлим етмайди! Яхшиямки, устларига қилнч билан бостириб бормадим. Унда қаергача қочиб боришар эдикан, билмайман. Лекин буни фақат уларнинг қўрқоқликларигагина йўйиб бўлмайди. Мен ўзим уларга рустамларча бир баҳодирлик билан ҳамла қилдим, шундан ҳуркиб тарқаб кетишди. Саркарданинг довораклигида сир катта бўлади. Мана сиз ҳам, хоним, мени девларни қуруқ сўз билан ишлатар экан, деб гумон қилманг. Йўқ, шиҳоби-соқиб тушиб девларни қиргунча, мен уларни шундақа хизматлари эвазига зиёфат этаман, ардоқлайман, ўйнатаман, кулдираман.

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Нима дедингиз, осмондан тош тушиб уларни қиргунча, дедингизми? Нималар деяп-

¹ Биз Али шоҳнинг қулларимиз,
Ҳамма сирларини биламиз.
На маош оламиз, на емак,
Оллоҳга яқин турамыз демак.

сиз, дарвиш бобо? Наҳотки осмондан тош тушиб уларни қириб ташласа?

М а с т а л и ш о ҳ (кулиб). Хўп қизиқ гаплар қиласизда, хоним. Бу девлар, бу иблислар, шунча бегуноҳ халқнинг қирилиб кетишига, шунча чиройли шаҳарнинг вайрон бўлишига сабаб бўлади-ю, тағин жазосиз қоладими? Шунча катта гуноҳ учун оллоҳнинг жазосидан қочиб қутулолмас.

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Хўп, дарвиш бобо, гап-ку шундай экан, бўлмаса нима учун улар ўз жонларига ачинмайдилар? Нима учун шундай ишларни уҳдаларига оладилар?

М а с т а л и ш о ҳ. Аввало, мен буюрганим учун, қолаверса, аҳмоқ бўлганлари ва табиатлари шундай эканлиги учун. Шундай қилиб туришмаса тинчишмайди. Шайтонлар бўлмаса, дунёда ҳеч қандай ёмонлик бўлмас, баъзи одамни ҳеч ким ёмон йўлга тортмас эди.

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Тўғри айтасиз, дарвиш бобо. Хўп, девларга қанча инъом бериш керак?

М а с т а л и ш о ҳ: Кўп сўрамайман, хоним. Нима ваъда қилган бўлсангиз шуни бераверасиз: юз тилла.

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Вой, дарвиш бобо, кўп эмасми?

М а с т а л и ш о ҳ. Э саломат бўлинг-е, минг-минг туман турадиган шаҳарни вайрон эттирасизу, юз тилла берсангиз кўп бўладими?

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м (юзини қизига ўгириб). Шарафнисо, тур, болам, қутини олиб кел!

Шарафнисо хоним чаққон туриб бориб, кўрпа тагидан пул қутинини олади-да, келтириб онасининг олдига қўяди. Шаҳрибону қутини очиб, ичидан юз тилла санаб олади.

Шарафнисо, айланай қизим, тўй ҳаражатига энди ҳеч пул қолмади.

Ш а р а ф н и с о х о н и м. Ҳечқиси йўқ, ойижон, бир икки юзта тўқли сотсак, яна пул бўлади.

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Тўғри айтасан, болам. Бурун-қулоқ, бошга садақа. (*Дарвишга юзини ўгириб.*) Манг, дарвиш бобо.

Тиллаларни Масталишоҳга беради. Дарвиш тиллаларни олиб қўйнига солади-да, апил-тапил билакларини шимариб, хуржундан битта китоб олади. Китобни олиб варақлайди, бир қанча суратли варақларига қарайди, кейин бошини юқори кўтарди.

М а с т а л и ш о ҳ. Дуруст, Париж шаҳри Ақраб бур-
жининг тагида экан. Амал тамом. Шу юлдузлар ўша ша-
ҳарга ҳамиша бало ёғдириб туради.

Ўрнидан туради, қўлига таёқ олиб, Шаҳрибону хоним билан
қизига қарайди.

Хонимлар қўрқманглар, юракларингизни дадил ту-
тинглар.

Кўзларини ола-кула қилади, башарасига ҳайбатли тус беради,
кейин шу дуони ўқийди.

Дағдағаҳо фатанди,
Туббалкаро каранди,
Туббалкуму кумуҳо,
Бнянди, янди, янди!

Чапига, ўнгига туфуради, ваҳимали товуш билан девларни, иблис-
ларни отларини айтиб чақиради, уларга буйруқлар беради.

Ё Малиҳо, ё Салиҳо, ё Валиҳо! Мен ҳозир мана шу
ҳайкалларни қандай вайрон қилсам, сизлар ҳам Парижни
қўпориб олинглар, ерга ағдариб уринглар, яксон қилинг-
лар!

Бир қадам орқага чекинади, доира ичидаги майда тахтачалар-
дан қилинган уйларни, биноларни таёқ билан уриб йиқитади. Кейин
бир зум тўхтаб, юзини Шаҳрибону хоним томонга ўгиради.

Хоним, табрик қиламан, Париж вайрон қилинди, эн-
ди розимисиз?

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Албатта, жуда-жуда рози-
ман, дарвиш бобо. Энди Парижнинг вайрон қилингани
хабари тезроқ мусъё Жорданга етса-ю, ўз гами билан
бўлиб, Шаҳбозни эсидан чиқарса. Лекин Париж хабари-
ни бу ерга ким етказар экан, шунисига ҳайронман.

М а с т а л и ш о ҳ. (қ а ҳ қ а ҳ а у р и б). Хо, хо, хо, хо! Хўп
қизиқсиз-да, хоним, Парижни шу ердан туриб кўз очиб-
юмгунча вайрон қилган одам унинг хабарини бир дақи-
қада, бир соатда, бир кунда, борингки ўн кунда етказиб
келолмайдими? Нима дейсиз?

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Тўғри айтасиз, дарвиш бобо.
Лекин бу хабар ҳозирнинг ўзидаёқ мусъё Жорданга етса
жуда ҳам ажойиб бўларди-да. Ундан қутулардик-қолар-
дик.

Шу пайт бирдан эшик тақиллайди. Қулфланган эшик туруми-дан чиқиб кетгудай бўлади. Эшик орқасидан мусъё Жорданнинг ҳаяжонли овози эшитилади. Дарвиш Масталишоҳ тахтачаларини апил-тапил йиғиштириб хуржунига тикади, уни даст елкасига ортиб, парданинг орқасига ўтиб яширинади. Мусъё Жордан эшикни тақиллатиб уради, синдиришга оз қолади, қичқиради.

М у с ь ё Ж о р д а н. Ҳотамхон оға, Шаҳбозбек, эшикни очинглар!

Шаҳрибону хонимнинг юраги чиқиб кетай дейди, қўрқа-писа эшик томон юради. Қизи Шарафнисо хоним дир-дир титрайди, Хонпари тиззаларига уриб, паст овоз билан қақшайди.

Х о н п а р и. Вой отам! Вой онам!

Шаҳрибону хоним эшикни очади.

М у с ь ё Ж о р д а н (*ҳарсиллаб*). Ҳотамхон оға, қани Шаҳбозбек?

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м (*қўрқа-писа*). Иккаласи ҳам Шарафнисонинг ҳужрасида ётибди. Бугун йилқилардан хабар олгани боришган эди, жуда чарчаб келишди. Қоронғи тушмай ётиб олишган.

М у с ь ё Ж о р д а н (*қаттиқ бўғиқ товуш билан*). Хоним, ҳозир уйғотмасангиз бўлмайди. Мен кетаман, кутолмайман. Э, аттанг Париж! Э, аттанг Тюильри! Э, аттанг гўзал пойтахт, гўзал салтанат! Франциянинг шўри қуриди! Dommaque! Paris! Mon dieu! Mon dieu!¹

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Жаноб ҳаким, нима гап, нима бўлди?

М у с ь ё Ж о р д а н. Париж вайрон бўлди! Тюильри вайрон бўлди! Франция хароб бўлди! Dommaque! Paris! Dommaque Tuileris!²

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Э худо, ўзингга шукур, худоё ўзинг асрагин!

М у с ь ё Ж о р д а н. Шундай гўзал бир шаҳар, шундай гўзал бир салтанат бир зумда ер билан яксон бўлди! Бу қандай иш, бу қандай сеҳру жоду, ақл ишонмайди! Cest affreux! Mon dieu! Mon dieu!³

Ш а ҳ р и б о н у х о н и м. Қанақа сеҳр? Наҳотки Па-

¹ Э, аттанг! Париж! Э, худойим! Э, худойим! (*франц.*)

² Э, аттанг! Париж! Э, аттанг Тюильри! (*франц.*)

³ Нақадар даҳшат! Э, худойим! Э, худойим! (*франц.*)

рижни сеҳр билан вайрон қилишган бўлса? Нималар деяпсиз, жаноб ҳаким?

Мусъё Жордан. Албатта сеҳр билан-да! Одамнинг ақли ишонмайди! Бир зумда Парижни вайрон қилиб ташлашса-я!

Бу сўзлардан Шарафнисо хоним яна ҳам қаттиқроқ титрай бошлади.

Хон пари (*унини пасайтириб*). Вой отам! Вой онам!

Шу пайт мусъё Жорданнинг шовқинидан Ҳотамхон оға билан Шаҳбозбек уйга кўйлақчан, яланг оёқ югуришиб киради.

Мусъё Жордан (*уларни кўриб*). Ах, келдинглари! Ҳотамхон оға, Шаҳбозбек, худо хайрларингизни берсин, менга дарҳол от тўғриланглари! Шу топтаёқ кетмасам бўлмайди! Туролмайман! Ўзларингиз ҳам отланиб, мени Араксдан ўтказиб қайтасизлар.

Ҳотамхон оға (*ҳайрон бўлиб*). Жаноб ҳаким, нима гап бўлди? Нима сабабдан бунча шошиб жўнамоқчисиз?

Мусъё Жордан (*бақириб*). Париж вайрон бўлибди, Тюильри вайрон бўлибди, Франция салтанати йиқилибди, король қочибди Ҳозиргина сизларнинг девонбегингиз менга Табриздаги инглиз консулидан хат келтириб берди. Консул, зарур қоғозлар билан ҳозир Лондонга кетиб боряпман, сизни Аракс бўйида кутиб турибман, деб ёзибди. Ун икки соат ичида етиб боришим керак эмиш. Мабодо кечикиб қолсам, чопар жўнаворади, унда король олдига тез орада ёлғиз етиб боролмайман. Луи Филипп Англияга қочибди. Mon dieu! Mon dieu!¹

Ҳотамхон оға (*ҳайрон бўлиб*). Жаноб ҳаким, Парижни ким вайрон қилибди, ким емирибди?

Мусъё Жордан (*ҳаяжонланиб*). Шайтонлар, ажиналар, иблислар, девлар, бадкорлар! Қайси бирини айтай? Жон Ҳотамхон оға, тезроқ отни тўғриланг, пайсал қилиб бўлмайди! Dommaqe Paris! Dommaqe Tuileris Mon dieu! Mon dieu! c'est affreux!¹

¹ Э худо! Э худо! (*Франц.*)

² Э, аттанг, Париж! Э, аттанг, Тюильри! Э, худо! Нақадар даҳшат! (*Франц.*)

Ҳотамхон оға бу сўзлардан ҳайрон бўлади. Лекин Шарафнисо хоним бешбаттар титрай бошлайди. Шаҳбозбек буни сезиб қолади. Ажабланиб ёнига келади-да, кулимсираб сўрайди.

Шаҳбозбек. Ҳай фасод, нимага титрайсан? Мени бормасин деб, Парижни ё сен буюриб вайрон қилдингми?

Шарафнисо хоним (титрашини қўймай ва орқасига дарвиш беркинган пардадан кўзларини олмай). Йўқ, худо урсин, каломуллойи шариф урсин, ҳеч гапдан хабарим йўқ, менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ!

Шаҳбозбек (кулимсираб). Ана бунинг онт ичишини қаранглар! Шундай ширин тил билан ўзини оқлайди-я! Хўш, нимага титрайсан бўлмаса? Сендай парилар подшоси Парижни емирса неажаб?

Шаҳрибону хоним (мусъё Жорданга қараб). Жаноб ҳақим, бизнинг Шаҳбозни ҳам бирга олиб кетасизми?

Шаҳбозбек отини эшитиб булар ёнига қайтиб келади.

Мусъё Жордан. Э, қўйсанг-чи, хоним, ўзим бошимни қаерга уришни билмаяпману, Шаҳбозни олиб кетиб нима қиламан? Ҳотамхон оға, барака топгур, тез бўлинг, отланинг, мени элтиб қўйинг. Эрталабгача Аракс бўйига етиб олишим керак.

Ҳотамхон оға. Шаҳбоз, бу ёққа юр, нима қилишимизни ўйлаб кўрайлик. Кўп ёмон бўлибди-да!

Уйдан аввал иккаласи, улар кетидан мусъё Жордан чиқиб кетади. Парда орқасидан елкасида хуржун билан дарвиш Масталишоҳ ҳам чиқади. Боши соллинган, бу ерда қолган аёлларга парво қилмай қочади, кўздан ғойиб бўлади.

Шаҳрибону хоним. Хонпари, кўрдингми нима қилиб қўйдик?

Хонпари. Бу дарвишнинг қўлидан ҳамма бало келади, деб айтмабидим сизга, хоним? Э-э, Париж йиқилганда зарбига бошқа шаҳарлар ҳам йиқилмасайди деб қўрққан эдим. Нахичувон, Шарур шаҳарлари йиқилганда, зарбидан Арарат тоғидан каттакон бир бўлаги ағдарилиб тушганга ўхшаган, дейман-да. Дарвиш шундай девди-ку.

Шаҳрибону хоним. Ҳа. Лекин бунга ажабланилмаса ҳам бўлади, ажабланадиган нарса шуки, эркак-

лар ҳар вақт бизга: жодуга, сеҳрга ишонманглар, деб қулоғимизга қуйиб келишади. Қани, одам ўз кўзинг билан кўриб турганингдан кейин бу нарсаларга нечук ишонмай бўлади?

Хонпари. О, хоним, эркакларнинг ақли бўлса, биз уларни ҳар қадамда алдаб, чилдирмамизга ўйнатармидик?

Шарафнисо хоним даҳшат ва ҳайрат ичида қотиб қолади.

Парда тушади.

ХАСИСНИНГ САРГУЗАШТИ

*Беш пардада баён этилиб
туғалланадиган ажойиб томоша*

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Ҳайдарбек
Асқарбек
Сафарбек
Сона хоним — Ҳайдарбекнинг қайлиғи.
Таййиба хоним — Сона хонимнинг онаси.
Ҳожиги Қора — савдогар.
Туказ — унинг хотини.
Карамали — унинг нўқари.
Хуловерди — сўфи.
Оҳан — соқчилар юзбошиси.
Саркис, Қаҳрамон, Қарапет ва бошқа олти соқчи.
Миқиртич ва Аракел — Туғ қишлоғининг деҳқонлари.
Уезд ҳокими
Ноиб
Халил — ноиб хизматидаги юзбоши.
Уезд ҳокими ва ноиб хизматидаги ходимлар, ясовуллар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи парда воқеаси ойдин кечада, Ҳайдарбекнинг овули яқинидаги азим туп эман дарахти тагида ўтади. Сафарбек қуролланган ва сафар кийимида тош устида ўтирибди. Ҳайдарбек ҳам сафар кийимида, қуролланган. У Сафарбекнинг қаршисида туриб изтироб билан сўзлайди.

Ҳайдарбек. Парвардигоро, бу қандай давр, бу қандай замона? На чавандозликнинг қиймати бор ва на мерганликнинг ҳурмати. Тонгдан оқшомгача, оқшомдан тонг отгунча хотин кишига ўхшаб қапа ичида яшириниб ўтирганингдан кейин, мол-дунё қаёқдан келади-ю, қаёқдан қўлингга пул тушади! Оҳ, ўтган кунлар, кечмиш давр-давронлар! Ҳар ҳафта, ҳар ойда бир карвонни талардик, бир қўшинни тумтарақай қилардик. Энди на карвон йўлини тўсиш бор, на қўшинни тумтарақай қилиш, на қизилбошлар билан уруш бор ва на усмонлилар билан!

Ҳозир фақат яланг оёқ лазгинларга ҳужум қилишдан бўлак чора йўқ. Юз минг меҳнат-машаққат билан бирортасини унгулларидан чиқишга мажбур этганинда ҳам, кичкина қопчиқ билан қўсқапўстиндан бошқа ҳеч бало ололмайсан. Қорабоғни олтин ва кумушлар билан тўлдириб юборадиган урушлар қани, қизилбошлар ва усмондилар билан бўлган урушлар. Аслондуз лагерини талаганда өрттирилган бойликлар баъзи уйларда ҳали-ҳали бор. Амир Арслонбекнинг авлодлари усмондилар билан урушда дадалари талаб келган кумуш асбобларни Оғжавади бозорида куни кечагина ҳам сотиб ўтиришарди. Агар ўшанақанги уруш чиққудай бўлса, ўзим бир отрядни бошлаб бораман. Шундай бир иш кўрсатайки, бундай ишни Рустами Достон ҳам кўрсатмаган бўлсин! Мана бу менга лойиқ иш! Бу ерда бўлса уезд ҳокими мени чақириб: «Ҳайдарбек, тинч юр, қароқчилик билан шуғулланма, йўл тўсма, ўғирлик қилма!»— дейди. Мен бўлсам унга: «Биз ҳам бу ишларга ишқибоз эмасмиз, аммо сизлар бизга ўхшаш олинасаб кишиларга қандай қилиб тирикчилик ўтказиш йўлини кўрсатиб қўйишларингиз лозим»,— дедим. Қулоқ сол, у менга нима деб жавоб берганини эшит: «Ҳайдарбек, деҳқончилик билан машғул бўл, боғ-роғ қил, савдо-сотиқ билан шуғуллан»,— дейди. Гўё мен аллақандай Баназўр арманисидай эртадан кечгача қўш ҳайдашим ё Ланбаранлилар каби ипак қурти боқишим керак, ёки лак халқига ўхшаб бўйнимга қути осиб қишлоқма-қишлоқ атторчилик қилишим керак! Мен унга шундай дедим: «Бошлиқ жаноблари, Жавоншир бекларидан бирортаси ҳеч вақт деҳқончилик ёки чорбозорчилик билан шуғулланмаган. Менинг отам Қурбонбек бу ишни қилган эмас, унинг ўғли мен — Ҳайдарбек ҳам зинҳор у ишни қилмайман!» Бошлиқ қош-қовоғини солиб отини бурди-да, жўнаб кетди.

Сафарбек. Бу гапларнинг фойдаси йўқ, ким нима деса деяверсин, лекин ўғирлик гўшт емагандан, от минмагандан кейин, бу дунёда яшашнинг қандай лаззати бор? Тонг ёришиб келмоқда, билмадим, нима учундир Асқарбек ҳаяллади? Ҳа, ана келиб қолди.

Асқарбек киради.

Асқарбек. Ҳайдарбек, мен ҳам тайёрман, кетадиган бўлсанглар, йўлга тушайлик, нега бу қадар ғамгин, хаёлчан кўринасан?

Ҳайдарбек. Э, биродар, билмадим, қайси бир оғзи-га кучи етмаган муттаҳам мени уезд ҳокимига чақибди. Айлангани чиққан экан. Бугун овулимиз ёнидан ўтаётганида мени чақириб: «Ҳайдарбек, қароқчилик, ўғрилиқ қилма». — деди.

Сафарбек. Яъни очингдан ўл демоқчи-да!

Ҳайдарбек. Албатта, ўл демоқчи. Гўёки Қорабоғда қорамол ҳайдаб кетиш билан шуғулланадиган одам фақатгина Ҳайдарбек! Агарда Ҳайдарбек шу ишни қилмаса, гўё бутун ўлкада осойишталик ўрнатиладигандек, энди лекинга қорамол ўғирлаш ҳам мушкул бўп қолди. Жуда бошим қотди, қизни олиб қочгудай бўлсак, ота-онаси шикоят қилса, яна қайтадан қочқин бўлиб қолмасам деб қўрқаман.

Асқарбек. Ҳайдарбек, қизни ота-онаси сенга бешик кетди қилиб қўйганини Қорабоғда каттадан кичиккача билади; шундай бўлгач, уни олиб қочишнинг боиси нима?

Ҳайдарбек. Боиси шуки, тўй қилиб уйланишга пулим йўқ. Шунинг учун Сафарбек олиб қочишимни маслаҳат берди. Ортиқча сарф-харажатдан қутуласан, дейди. Аммо эл-юрт Қурбонбекнинг ўғли пул топиб тўй қилишни уддасидан чиқолмай қаллиғини олиб қочди, деб маломат қилса, бу менга ўлимдан ҳам оғирроқ туюлади. Сафарбек бўлса, қўрққанингдан шу баҳонани топгансан, дейди. Бошим қотганидан ишимга ёрдам берармикансан деб сени чақиртирдим.

Сафарбек. Менга барибир, уйимга бориб, икки йилдан бери қаллиғимни тўй қилиб ололмайман деб оҳвоҳ қилдинг. Мен бўлсам, истасанг қаллиғингни олиб қочайлик, дедим. Энди нима қилсанг ўзинг биласан!

Асқарбек. Ҳайдарбек, бу ниятингдан қайт. Менга ўн беш кун муҳлат бер, сенга тўй харжини ҳозирлай, рисоладаги тўйни қилиб қаллиғингни уйинга олиб кел!

Ҳайдарбек. Тўй харжини қаёқдан топасан?

Асқарбек. Ўн беш кунда Табризга бориб қайтамыз, у ердан ўғринча мол олиб келамиз, тенг баравар фойда қиламыз, ана ўша фойдадан тўйингни ўтказиб оласан!

Ҳайдарбек. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди! Табризда текин мол тўлиб ётибдимики, биз бориб олиб келсак?

Асқарбек. Албатта, қаерда текин мол бор дейсан, пулга оламиз.

Ҳайдарбек. Қизиқ гапларни гапирасан, мен пулни қаёқдан оламан?

Асқарбек. Менда ҳам пул бор дейсанми? Менинг режам бундай. Оғжабадилник Ҳожи Қора, катта савдогар, давлатманд одам, ундан қарзга пул олиб Табриздан мол келтирамиз, сотиб унинг пулини қайтариб берамиз, фойдаси эса бизга қолади.

Ҳайдарбек. Ҳожини жуда хасис дейишади, у қарзга пул берармикин?

Асқарбек. Э, мен қутқи солиб уни ўзимизга шерик қилишим мумкин, у тамагир одам, шундай қилсак бизга ҳам пул беради, ўзи ҳам ҳамроҳ бўлиб боради.

Ҳайдарбек. Яхши, агар шу ишни уддалашга кўзинг етса, мен розиман. Аммо аввал қиз билан кўришиб, уни огоҳлантиришим лозим, чунки бугун кечаси учрашишга ваъда берганман, у мени кутади.

Асқарбек ва Сафарбек. Хўп, жуда яхши!

Ҳайдарбек. Хўп бўлмаса, ҳозирча сизлар кетаверинглар, кейин бориб сизлар билан учрашаман, шунда биргалашиб Ҳожи Қоранинг олдига борамиз!

Асқарбек ва Сафарбек. Хайр, саломат бўл, биз кетдик, сен эрталаб барвақтроқ боргин.

Кегадилар.

Декорация ўзгарди. Узоқдан бир қапа кўринади, қападан ўн қадамча чеккароқда, бута остида башанг сафар кийими кийган, ипак чодра ёпинган Сона хоним атрофга аланглайди, ўрнидан туради, ўтиради.

Сона хоним. Эй худо-ей, яна бирор гап бўлди шекилли, келмади! Вақт ярим кечадан ошди-ю ҳануз ундан дарак йўқ. Кун чиқар томон бўзариб, тонг ёришяпти, вой шўрим, энди нима қилдим-а? Яна бир оз кутай, келмаса, бошқа чора йўқ, қапага қайтишга мажбур бўламан.

Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа қарайди.

Йўқ, келмаяпти, эҳтимол келмас, бунга шубҳам йўқ. Афтидан, яна аллақандай бир ақлдан адашган муттаҳамга дуч келгану, у буни йўлдан уриб, отми, қорамолми ўғирлашга бошлаб кетган. Йўқса, шу маҳалгача келган бўларди. Ҳеч йўлга сола олмаяпман. Агар бу сафар ҳам таниб қолсалар, яна қочқин бўлади, менинг дорн дунёимни қоронғи қилади. Мени яна икки йил уйда банди зиндон қилади. Худо ҳақи, ортиқча кутишга тоқа-

тим қолмади. Энди ҳеч пойлаб ўтирмайман; бошқа йигитга тегаман кетаман, унинг нияти — ота-онам уйда сочимни оқартириш.

Ерга ўтиради, бир оздан кейин.

Э, қандай васвасалар келади кўнглимга! Худо хоҳласа, ҳеч қаёққа кетмайди, тўйингни қилгунимча ҳатто битта қўзичоқ ҳам ўғирламайман деб онт ичган. Кечикишига бошқа бир сабаб бор, албатта. Менинг бошқа йигитга тегаман деганимни эшитса, ишонармиди? Албатта, ишонмайди, чунки ёлғондан айтаётганимни билади. Диққатим ошиб кетганидан оғзимга келганини қайтармай валдираяпман. Вой ўлмасам, бир нарса шитирляпти.

Шу маҳал бута ортида сувори Ҳайдарбек пайдо бўлиб отдан тушади.

Ҳ а й д а р б е к. Сона хоним, Сона хоним!

С о н а х о н и м. Ҳайдарбек, сенмисан?

Ҳ а й д а р б е к. Менман!

С о н а х о н и м. Ёлғизмисан? Ҳамроҳларинг қани?

Ҳ а й д а р б е к. Ҳамроҳларим йўқ, ёлғиз келдим.

С о н а х о н и м. Нима деяпсан ўзинг? Нега ёлғиз келдинг? Отам ҳам, акаларим ҳам қапада ётишибди. Жуда кеч келдинг, ҳозир тонг ёришиб кетади, қапада йўқлигимни сезсалар, шаксиз отинг изидан бориб, қўлингдан мени тортиб олишади. Шундан кейин менинг дийдоримни қиёматгача кўрмайсан!

Ҳ а й д а р б е к. Ҳозир сени олиб кетгани келганим йўқ, кўрқма!

С о н а х о н и м. Олиб кетгани келмадинг? Нималар деяпсан?

Ҳ а й д а р б е к. Бошқа маслаҳат бор, қулоқ сол!

С о н а х о н и м. Ҳеч қанақа маслаҳат йўқ! Отингни берироқ олиб кел, кетаман! Мен қапага қайтиб бора олмайман!

Ҳ а й д а р б е к. Тўхтасанг-чи, гапимни тугатай!

С о н а х о н и м (отнинг жоловига ёпишиб). Қулоқ солмайман. Узангини тутиб ол, гапингни йўлда гапирарсан!

Ҳ а й д а р б е к (унинг қўлидан тутиб). Ҳой қиз, олдин гапга қулоқ сол, ахир, шошилмасанг-чи!

С о н а х о н и м. Тонг ёришмоқда. Кутиб ўтиришга вақт йўқ, гапинг бўлса кейин айтасан!

Ҳ а й д а р б е к. Ҳой яхши қиз, мен пул топдим. Яхши-

лаб эл қатори тўй қиламан. Сени қўлимдан тортиб олаётган одам йўқ-ку, нега олиб қочишим керак экан?

С о н а х о н и м. Ёлғон айтяпсан! Пул топадиган одам шу икки йил мобайнида топарди. Мен тўйни хоҳламайман. Мен тўйсиз эрга чиқаман. Юртимизда йигит билан бирга қочган қиз биргина мен эмасман-ку; кунда юзлаб қиз шундай қилади. Нима айби бор, йигирма қиздан биттасига ҳам тўй қилинмайди.

Ҳ а й д а р б е к. Жоним, йигит билан қочадиган қизларнинг ота-онаси ўша йигитга тегишига ризолик бермаган бўлади. Қизнинг бошқа иложи қолмагач, йигит билан бирга қочади; ахир, ота-онанг ўзлари сени менга беряптилар-ку. Кейин улар: «Ҳой беор, уялмадингми, бу нима қилганинг, бизни нега расвойи жаҳон қилдинг?» демайдиларми? У вақтда мен нима жавоб бераман?

С о н а х о н и м (бир оз ўйлаб). Пулни қаердан топдинг?

Ҳ а й д а р б е к. Бир ерга ўтириб қулоқ солгин, пулни қаердан топганимни айтиб берай.

С о н а х о н и м (ерга ўтиради). Яхши, гапир, эшитай!

Ҳ а й д а р б е к. Уғринчи келтирилган молнинг қимматлилигини, қанча фойда қилишини биласанми?

С о н а х о н и м. Уғринчи келтирилган мол билан нима ишим бор. Савдогар-ку эмассан, нега уларнинг ҳисобкитобини оляпсан? Яхшиси, менга айт-чи, неча пул топдинг?

Ҳ а й д а р б е к. Ахир, нима демоқчи бўлганимни бир эшитсанг-чи! Руслар фаранг чити сотишни ман қилишибди; битта-яримта довюрак йигит бир той-икки той фаранг чити олиб келмаса, бу ишга бошқа ҳеч кимнинг юраги дов бермайди.

С о н а х о н и м. Ҳой, менга қара, руслар фаранг чити сотишни ман қилгани билан нима ишим бор. Менга деса, чит кийишни бутунлай ман қилсинлар! Айтсанг-чи, пулни кимдан олдинг?

Ҳ а й д а р б е к. Ҳой қиз, сўзимни тамом қилайми, йўқми? Бу ердаги халқ фаранг читни жуда яхши кўради, фаранг чити бор жойда шоҳи-атласларга қайрилиб ҳам қарамайди! Асқарбекнинг гапига қараганда, фаранг чити ҳам арзон, ҳам чиройли, ҳам ранги айнимасмиш. Хотин-қизлар шундай читларни кўзларига суртадилар. Рус читига қайрилиб ҳам қарамайдилар.

С о н а х о н и м. Фаранг чити-ю, рус чити билан ме-

нинг нима ишим бор. Иккаласи ҳам қуриб кетсин, қани, гапингни айт!

Ҳайдарбек. Уезд ҳокимининг хотини ҳам эридан яширинча фаранг чити олармиш, дейишади. Ҳожи Азим яқинда унга йнгирма туманлик фаранг чити сотибди.

Сона хоним. Сотган бўлса, жаҳаннамга кетсин, бўйи лаҳадда чирисин! Билмайман, чит деган нарса қаёқдан бунинг миясига кириб қолди! Ҳайдар, ақлдан озиб қолдингми? Нималар деб жавраяпсан?

Ҳайдарбек. Ҳар нима бўлганда ҳам, бу ерда фаранг читининг нақадар қадрли эканини тушунасанми?

Сона хоним. Тушунишимнинг нима ҳожати бор, фаранг чити олиб сотармидим!

Ҳайдарбек. Жуда яхши, энди қулоқ сол, мен бир марта бориб фаранг чити келтириб савдогарга сотсам, икки тўйнинг харажати чиқади!

Сона хоним. Боядан бери ҳиқиллай-ҳиқиллай айтган гапинг шу бўлдими? Баракалла-е, мен бўлсам, бу одам ростданам пул топибди деб ўйлабман. Фаранг чити далада сочилиб ётибди-ю, бу киши бориб йнгиштириб келадилар! Тур ўрнингдан, ҳозир тонг отиб қолади.

Ҳайдарбек. Ростдан пул топдим!

Сона хоним. Пул топган бўлсанг, тўйни бошла, фаранг читига бало борми!

Ҳайдарбек. Ахир, пулни қарзга олганман. Эгаси менга шундай шарт билан берди, у пулга фаранг чити олиб келиб, фойдасини тенг бўлашиб олишимиз керак, тўй харажати деб бергани йўқ!

Сона хоним. Мен унақанги фойда пулига тўй қилишни истамайман, тур кетдик! Агар фаранг читидан шунча фойда чиқадиган бўлса, пул эгаси нега уни сен билан баҳам кўради? Бориб чит олиб келсин-да, фойдининг ҳаммасини ўзи олаверсин.

Ҳайдарбек. У савдогар жуда содда одам, менга ўхшаш бирор жасоратли одамнинг ёрдамисиз Аракс дарёсидан ўтишга юраги бетламайди. Қазаклар унинг бошини сапчадай узадилар.

Сона хоним. Қазаклар сенинг бошингни сапчадай уза олмайдиларми?

Ҳайдарбек. Мен ўғрилиқ, қароқчилик қилган одамман. Тулкининг етмиш етти ҳийласини биламан. Мен казакларнинг кўзига кўринармидимки, улар бошимни сапчадай узсалар?

Сона хоним. Уғриликка, қароқчиликка кетаётганимда мени ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким танймайди дердинг, аммо сени кўрардилар, танирдилар. Икки йил қочқин бўлиб, бошпанасиз сарсон-саргардон бўлиб юрдинг. Эндигина юзага чиққанингда, яна бир қилгиликни қилиб қўйиб, қочқин бўлиб, мени қон қақшатмоқчимисан? Кераги йўқ, тур кетайлик, менга тўйнинг кераги йўқ!

Ҳайдарбек. Хўп, тўйни истамадинг ҳам дейлик, лекин мен бирор йўл билан тирикчилик ўтказишим керакми, ё йўқми? Ёки нон ейишга ҳам хушинг йўқми?

Сона хоним. Худо раззоқ, оч қолмаймиз!

Ҳайдарбек. Оч қолмаймиз, дейсанми? Уғриликка борма, қароқчиликка борма, ўғринчи мол келтиришга борма дейсан, хўш, нон осмондан тушадими?

Сона хоним. Тонг ёришиб қолди, ҳозир мени уйингга элтиб қўй-да, икки ҳафтадан кейин ўғринчи мол келтиришга борсанг бора қол!

Ҳайдарбек. Шунга рози бўлсанг икки ҳафта отангинг уйида ўтира тур, агар шундан кейин тўй-томоша қилиб сени олмасам, дунёда мендан кўра пасткаш одам йўқ.

Сона хоним. Керак эмас, керак эмас, мен ҳозир кетаман, қани тур, кетайлик!

Урнидан туради.

Ҳайдарбек. Садағанг кетай, қурбонинг бўлай, оёғингни ўпай, ялинаман, ёлвораман, икки ҳафта сабр қил, икки ҳафтадан кейин, худо ҳақи, тўйингга тўй тўкиб олиб кетаман. Сени тўйсиз олиб кетиш менга ўлимдан баттар! Ота-онанг олдида мени хижолат қилма!

Сона хоним. Икки ҳафта сабр қилиш жаҳаннам азобидан оғирроқ. Ортиқ тоқат қилолмайман, тур кетайлик!

Ҳайдарбек. Худо ҳақи, гапимга қулоқ сол!

Сона хоним (*йиғлашга бошлаб*). Ҳайдар, бас, маълум бўлдики, сен мени яхши кўрмас экансан!..

Ҳайдарбек. Сона хоним, юрагимни ўртама, сабр қилишга тоқатинг қолмаган бўлса, отга мин, кетамиз.

Сона хоним оёғини узангига қўймоқчи бўлганида тонг оқариб, Сона хонимнинг онаси Таййиба хоним кападан чиқиб чақиради.

Таййиба хоним. Сона, Сона, ҳой Сона!

Сона хоним. Вой ўлай, ойм чақиряпти, энди кета олмайман! (*Ерга қапишиб олади.*)

Ҳайдарбек. Ҳой қиз, энди мен нима қилай?
Сона хоним. Энди бу ерда турма, кет тезроқ, ойим шу ёққа қараб келяпти.

Ҳайдарбек. Энди қачон келай?
Сона хоним. Ҳеч вақт, кет, бундан кейин мени асло кўрмайсан!

Ҳайдарбек. Сона, ундай дема, йўқса мана шу ханжарни кўксимга босаману ўзимни ўлдираман!

Сона хоним. Йўқ, йўқ, худо ҳақи, ундай қилма, ўғринчи мол келтиришга бор, келиб тўйни қил! Қани, кет, кет, ойим сени кўриб қолмасин!

Ҳайдарбек (*унинг бўйнидан қучоқлаб юзидан ўпади*). Ҳозир кетаман, жоним, хафа бўлма, ўзинг изн бердинг!

Таййиба хоним. Ҳой қиз, қаёқдасан?

Ҳайдарбек апил-тапил отга миниб жўнаб кетади.

Сона хоним. Ойи, мен бу ердан, ҳозир бораман.

Таййиба хоним (*яқинлашиб*). Ҳой қиз, бемаҳалда далада шунча вақтдан бери нима қилиясан?

Сона хоним. Ойи, кундузи шу ерга шолча солиб ўтирган эдим. Кечаси шолчани қолдириб кетганим эсимга тушиб қолди Эрталаб чўпонми, подачими илиб кетмасин деб, олиб кетгани келувдим. Келаётсам бир пой бошмоғим оёғимдан тушиб қолди, қоронғида ахтариб тополмаяпман.

Эгилиб бошмоғини ахтаради.

Таййиба хоним. Кўзингга қараб юрсанг бўлмасмиди, қаерда тушди?

Сона хоним. Худди мана шу ерда тушди.

Ерни пайпаслайди.

Таййиба хоним (*эгилиб*). Шу ерда тушган бўлса, қаёққа кетади?

Сона хоним. Мана, мана топдим!

Бошмоғини кўрсатади.

Таййиба хоним. Оёғингга кийиб ол, юр кетдик!

Сона хоним бошмоғини кийиб, онаси билан бирга кетади.

Парда тушади.

И К К И Н Ч И П А Р Д А

Иккинчи парда воқеаси Оғжабади қишлоғида ўтади. Бозорнинг бир бурчагидаги дўкон. Полкаларда газлама, хом сурп, мато ва арзон баҳо читлар тахланиб ётибди. Ҳожи Қора қўлида аршин ушлаб хафаҳол ўтирибди.

Ҳ о ж и Қ о р а. Бундай бозору, бундай савдо-сотиқни худо олсин! Хом сурп билан мато сотган итваччанинг бозори касод экан, олганимга уч ой бўлди-ю, ҳали беш тўп сотолганим йўқ! Худди ўлат тегиб ҳаром ўлган молнинг терисидай улардан ҳамма ҳазар қилади. Ҳеч кимса яқинига ҳам йўламайди. Бозор шу бўладиган бўлса, бу молларни бир йилда ҳам сотиб тугата олмайман. Хонавайрон бўлдим, қандай мусибатли кунларга қолдим! Беш юз сўм тўлаб, фойдасидан ҳам кечиб, ҳатто танини ҳам чиқара олмадим, бу нима деган гап-а! Бу қаерда кўрилган, ахир? Уйингга ўт тушсин чит сотган, кафангадо бўл, ип газлама берган! Чодра сотган, умрингда яхшилик кўрмагин! Сотган молларингнинг пули кор хайрингга буюрмасин! Уф, уф!

Тиззасига шапатилайди.

Золим ўғли золим, жуда харидоргир мол деб мақтаб юз марта қуръону пайғамбар номига қасам ичди. Оғжабади бозорида уч кунда ҳаммасини сотиб тугатасан, деди. Уч кун эмиш-а, уч ой бўлди. Бу мол уч ойда эмас, уч йилда ҳам сотилмайди. Мени ўлгидай лақиллатди. Ҳозир тўппа-тўғри юз сўм зарар кўрдим. Бу дарди бедаво мени албатта ўлдиради.

Шу маҳал тасодифан Худоверди сўфи келиб қолади.

Худоверди. Салом алайкўм! Ҳожи, отангизни исми шарифлари нима эди?

Ҳожи Қора. Ваалайкўм ассалом! Читнинг тўпи неча пул деб сўраяпсанми?

Худоверди. Йўқ, мен марҳум отангизнинг отлари нима эди, деяпман.

Ҳожи Қора. Азизим, унинг оти нега керак бўлиб қолди?

Худоверди. Нега керак бўлиб қолди деганингиз нимаси? Қуръон ўқиган эдим, шуни отангизга бағишламоқчиман.

Ҳожи Қора. Ғоятда мамнунман, азизим! Бу хайрли иш қаёқдан жанобларининг хаёлига тушиб қолди?

Худоверди. Қаёқдан тушди деганингиз нимаси? Бугун эрталаб уйимиз олдидан ўтаётганингизда бу содиқ қулингизнинг ўғлига, дадангга айт, қуръон ўқиб менинг отамга бағишласин, келса бир танга бераман деб ўзингиз айтмабмидингиз?

Ҳожи Қора. Мен-а? Нималар деб валдираяпсан ўзинг, жинни-минни бўлдингми?!

Худоверди. Ҳожи, ҳали ҳозирча жинни бўлишимга бирор сабаб йўқ. Сен буюрибсан, ўғлим менга кириб айтди, қуръонни ўқиб қўйганман, ҳозир бир танга берманг жинни бўлишим мумкин.

Ҳожи Қора. Ҳой, ўзбошимчалик билан менинг отамга бағишлаб қуръон ўқишининг нима кераги бор эди?

Худоверди. Ўзимча ўқиганим йўқ, сен буюргансан, мен ўқиганман.

Ҳожи Қора. Мен ҳеч маҳал ундай сўзни айтганим йўқ, бу сира бўладиган гап эмас, отамга ҳамиша ўзим қуръон ўқийман, умримда пул тўлаб бировга қуръон ўқитган эмасман!

Худоверди. Ҳожи, бир танга нима деган нарсаки, шунча гапириб ўтирибсан? Буюрмаган бўлсанг ҳам, бир танга эҳсон қил, мен кетай. Гарчи ўғлим, сени қуръон буюрди деган бўлса ҳам.

Ҳожи Қора. Азизим, ўғлинг янглишибди; балки бошқа одам буюргандир, бор, ўшани ахтариб топ! Тангани ўшандан ундириб ол. Бозорим касод бўлиб бир тийин тополмаяпману, сенга тангани қаёқдан олиб бераман? Худо ҳақи, дўконнинг олдини тўсма, харидорлар келяпти.

Худоверди кетади. Асқарбек, Сафарбек, Ҳайдарбек келади.

Асқарбек. Ассалом алайкўм, Ҳожи.

Ҳожи Қора (*бошини кўтариб*). Ваалайкўм ассалом! Сизларга келган бало-қазо Ҳожига урсин! Қани марҳамат, ичкарига киринглар.

Беклар дўконга кириб ўтирадилар.

Ҳожи Қора. Хуш келибсизлар, сафо келибсизлар, дардингизни олай! Бу дўконни ўз дўконингиз деб билинг, трубка чекасизларми ёки чилимми?

Асқарбек. Чилим чекамиз!

Ҳожи Қора. Ҳозир тайёрлайман!

Чилимга тамаки солади.

Асқарбек. Ҳожи, бозорингиз қалай, савдо-сотиқлар яхшими?

Ҳожи Қора. Худо баракат берсин, дардингни олай, мол яхши бўлса, ҳеч маҳал бозор касод бўлмайди. Дўконимда ёмон мол сақламаслигимни ўзинг яхши биласанку. Молларим олган кунимоқ сотилади, кеча дўконим бутунлай бўшаб қолган эди. Шушага шошилишч заказ берган эдим, ўғлим — қулбаччангиз юборибди. Шу бугун тахлаб улгурдим.

Чилимни бериб, бекларнинг олдига мато, хом сурп ва читларни олиб қўяди.

Дардингизни олай, ниманики кўнгилларингиз хоҳласа, танланглар, борганим Қаъбаи байтулло ҳақи, қуръон ва пайғамбар ҳақи, ёлғон гапираётган бўлсам, ўғлим Бадалнинг тўйини кўрмай, бугун Оғжабадида бундан яхши хом сурп ва читни ҳеч кимдан тополмайсиз! Буларнинг ранги жуда ҳам чиройли, харидорлар талашиб кетишади, эртага шу томонга йўлингиз тушгудай бўлса, кўрасиз, дўконда булардан бирортаси ҳам қолмайди. Олинг, олиб кетинг!

Асқарбек. Буларни нима қиламиз, Ҳожи, овора бўлиб олдимишга ёйиб ташлама.

Ҳожи Қора (*таажжуб ва паршонлик билан*). Нима қиламиз, деганингиз нимаси! Ахир, мол олгани келма-

дингизми? Байрам яқинлашиб келмоқда, янги сарполар керак эмасми?

Асқарбек. Йўқ, Ҳожим, янги сарпо олиш учун келганимиз йўқ, бошқа мақсадимиз бор.

Ҳожи Қора. Агар нақд пулингиз йўқ бўлса, мол ёғига ҳам айирбошлайвераман, лекин тоза ёғ бўлиши шарт.

Ҳайдарбек. Ҳой Ҳожи, агар ёғимиз бўлса ўзимиз ҳам еймиз, бизда на мол ёғи бор ва на қўй ёғи. Асқарбекнинг гапига қулоқ сол.

Ҳожи Қора (*қовоқ-димоғи осилиб*). Ундай бўлса, барака топкурлар, кетинглар. Кейин, бир вақт топиб келсангиз гаплашамиз! Ҳозир савдонинг энг қизиган вақти, дўконнинг олдини тўсманглар!

Асқарбек. Ҳожи, жуда зарур ишимиз бор, савдотиқ сал кейинроқ ҳам бўлаверади, ахир, биз сени деб келганмиз!

Ҳожи Қора. Худо ҳақи, тинка-мадорим қуриди. Кейин гаплашамиз. Ёлвораман сизларга. Ҳозир кетинглар!

Ҳайдарбек. Ҳой Ҳожи, бизни ҳайдамоқчимисан? Қанақа одамсан ўзинг?!

Ҳожи Қора. Садаганг кетайлар, мен сизларни ҳайдаётганим йўқ. Илтимос қиялпман, ахир, мен бир косиб одамман, менинг зарар кўришимни истамайсизлар-ку! Сизлар келмаганингизда, шу маҳалгача беш-ўн тўп чит, мато сотган бўлардим.

Ҳайдарбек. Асқарбек, бизни хўп ажойиб одам олдига бошлаб келибсан-да! Туринглар, кетайлик, бундан фойда йўқ!

Асқарбек. Ҳайдарбек, сен жим тургин! Хафа бўлма. Ҳожи, чилим бергин, бир чекамизу кетамиз.

Ҳожи Қора. Халтачада тамаки қолган бўлса болам ўлсин! Сизларга охиргисини қоқиштириб берган эдим, хайр, омон бўлинглар!

Асқарбек. Худоки бермагандан кейин, банда бергани билан киши давлатманд бўлмайти деганлари рост экан. Оғжабадида уч ойдан бери уч тўп чит ёки мато сотмаганингни, катта зарар кўрганингни биламан. Биз ўн беш кун ичида сенга юз сўм фойда топиб бергани келгандик, афсуски, бахт сендан юз ўгирибди, хайр!

Уринларидан туриб чиқиб кетмоқчи бўладилар.

Ҳожи Қора. Бу ёққа қаранглар, нима демоқчи эдинглар? Ун беш кунда юз сўм фойда топиб берамиз дедингларми?

Асқарбек. Энди гапиришнинг нима ҳожати бор? Гапимга қулоқ солмадинг, олдинга солиб ҳайдадинг.

Ҳожи Қора. Ҳой барака топкурлар, қачон мен сизларни ҳайдадим! Худо ҳақи, илтимос қиламан, ўтиринглар, савдо-сотиқ жаҳаннамга кетсин. Марҳамат, ўтиринглар, ўтиринглар. Хафа бўлишларингизни билмадим, йўқса юз туман зарар кўрганимда ҳам сизларни кет демасдим. Умрим бино бўлиб ҳеч кимга қаттиқ гапирган эмасман!

Асқарбек. Ундай бўлса, ўтириб, нима мақсадда келганимизни айтайлик.

Ҳаммаси қайтадан ўтиришади.

Ҳожи Қора. Дардингизни олай, юз сўм фойда қаёқдан келади? Бу хайрли ишни ким қилади?

Асқарбек. Бу хайрли ишни Ҳайдарбек қилади.

Ҳайдарбекни кўрсатади.

Ҳожи Қора. Қай йўсинда? Дардингга балогардон бўлай, Ҳайдарбек! Чилим солайми, қадрдоним?

Ҳайдарбек. Тамаки йўқ-ку, қандай қилиб чилим соласан?

Ҳожи Қора. Сен чекаман десанг, халтачада тамаки бор!

Дарҳол қўл чўзиб халтачадан тамаки олиб сархонага босади-да, тавозе ила Ҳайдарбекка узатиб, Асқарбекка ўғирилади.

Ҳожи Қора. Қани айт-чи, қай йўсинда фойда кўра-миз?

Асқарбек. Ҳожи, бу ерга қалаб ташлаган шунча молнингдан ҳеч бир фойда борми?

Ҳожи Қора. Фойда бор-йўқлигини қаёқдан билай, сўзингни айт!

Асқарбек. Ҳожи, Ҳайдарбекнинг довюрак эканини биласанми?

Ҳожи Қора. Ҳа, уни жуда довюрак дейишади!

Асқарбек. Ҳаммага маълумки, Қорабоғда Ҳайдарбек номи тилга олинса, учиб кетаётган қушнинг қаноти қайрилади.

Ҳожи Қора. Дардингни олай, бизнинг замонада ҳаддан зиёда довюрак бўлгандан кўра, ҳамён пулга тўла бўлган яхшироқ.

Асқарбек. Довюрак бўлмасанг, пул ҳам бўлмайди. Ҳожи, сўзимга қулоқ сол! Шу кунда фаранг молининг баҳоси қанақа эканини биласанми? Табризда бир газир бир тангага олинган чит, бу ерда бир ярим тангага сотилади. У ерда қадоғи бир сўмга олинган чой, бу ерда бир ярим сўмга сотилади. Бунинг нима учун шундайлигини биласанми?

Ҳожи Қора. Йўқ, билмайман.

Асқарбек. Сабаби шуки, қорабоғликлардан, армани ясовуллардан, гумрукхона қоровулларидан ва чегарачи казаклардан қўрққанидан, ҳатто қуш ҳам Аракс дарёсининг у юзига учиб ўтишга юраги бетламайди.

Ҳожи Қора. Яхши, сизлар қушдан кўра эпчилроқ бўлиб Араксдан кечиб ўтмоқчимисизлар?

Асқарбек. Албатта! Аракс дарёси бизнинг ошиғимиздан, Кура дарёси эса тўпиғимиздан келади! Ҳайдарбек бирга бўлганидан кейин, қоровуллар бизга нима қила оларди!

Ҳожи Қора. Қоровуллар, ясовуллар дарё соҳилида тураверсин, улардан ким қўрқарди! Казаклар бўлмаса, худо ҳақи, ойда иккн марта Табризга бориб қайтардим! Қоровуллар билан ясовуллар менга нима қила оларди? Худойи таолонинг лутфу карами билан уларнинг йигирматасини бир ўзим саранжомлайман. Фақат рус номини эшитганда юрагим тарс ёрилади. Уларнинг қилич-милтиқлари мени унчалик қўрқитмайди-ю, лекин тергови, сарсон-саргардон қилиши юрагимга ваҳима солади. Тўғриси айтсам, казаклар хавфли.

Асқарбек. Эй, биз дарёдан ўтадиган элликта кечикни биламиз, кўзларини шамғалат қилиб ўтиб кетганимизни сезмай қолишади.

Ҳожи Қора. Хўш, энди менинг олдимга келишдан мақсадларингиз нима?

Асқарбек. Мақсадимиз мана бундай, пашшага ем бўлиб бу ерда ўтиришдан нима фойда кўрасан? Тур, нўмайроқ пул олиб чиқ. Савдо-соғиқ нималигига бизларнинг ақлимиз етмайди. Табризда бизга ҳам, ўзингга ҳам мол харид қил. Биз сени ҳам молинг билан бирга соғсаломат қайтариб олиб келамиз. Ун беш кунда юз тилла пул, эллик тилла фойда қилади. Бизга берган пулингнинг

фойдаси бизга, ўзингга харид қилган моллардан қолган фойда ўзингга.

Ҳожи Қора. Хўп яхши, хўш, сизларга берадиган пулимнинг проценти қандай бўлади?

Асқарбек. Ахир, процентининг эвазига биз ҳам сенга яхшилик қиламиз, сени қароқчилардан ҳимоя қиламиз, биз туфайли фойда кўрасан, яна бизлардан нима истайсан? Ун беш кун учун бизлардан пулингга процент талаб қилиб ўтиришинг айб бўлмайдими? Ахир, бизсиз на у ерларга бора оласан ва на мол келтирасан?

Ҳожи Қора. Нега бора олмас эканман? Истасам шу бугуннинг ўзидаёқ жўнайман, ҳеч ким менинг қўлимдан бир чўпни тортиб олмайди. Мен бир неча марта қароқчиларга рост келиб, улар билан олишганман.

Асқарбек. Ҳой, менга қара, юрагинг от калласидай бўлганда ҳам у ёққа ёлғиз бориб қайта олмайсан! Биз сенинг жасурлигингни инкор этаётганимиз йўқ-ку.

Ҳожи Қора. Гапнинг пўскаллеси, мен процентсиз пул беришга ўрганмаганман. Агар пулимга процент тўласангиз, айтганингизга кўнаман.

Асқарбек. Киши бошига юз тилладан берсанг, ўн беш кунга неча процент фойда оласан?

Ҳожи Қора. Юз тиллага беш процент фойда оламан. Қолган фойданинг ҳаммаси ўзингизга.

Асқарбек (*Ҳайдарбек ва Сафарбекка ўгирилиб*). Ошналар, нима дейсизлар, розимисизлар?

Ҳайдарбек ва Сафарбек. Нима ҳам қилдик, розимиз!

Асқарбек. Ундай бўлса, пулни ҳозирла, Ҳожи!

Ҳожи Қора. Қай вақтда йўлга чиқасизлар?

Асқарбек. Шу оқшом йўлга чиқишимиз керак!

Ҳожи Қора. Жуда яхши, пул тайёр. Бориб отларнинглар, оқшом бизнинг уйга келинглар; мен ҳам отимни ва асбоб-анжомимни ҳозирлаб қўяман, бирга йўлга чиқамиз.

Беклар (*ўринларидан туриб*). Хайр, Ҳожи.

Кетадилар.

Ҳожи Қора (*уларнинг кетидан*). Худога топширдим, оқшомда келинглар!

Беклар. Хотиржам бўл.

Узоқлашадилар.

Ҳожи Қора. Уҳ, бу итваччанинг молини сотаман деб жоним бўғзимга келди, бу касофат моллар то қиёмат қойимгача сотилмайди. Фаранг молини олиб сотма, савдогар бўлсанг эрон ва рус моли олиб сот дейдилар. Эрон ва рус молларининг бозори касод бўлса нима қилай? Йўқ, агар бирор чора кўрмасам, бошим гўрга киргунча бу зарарнинг ўрнини қоплай олмайман! Уйга бориб ҳозирлигимни кўрай, бунақанги фойда келтирадиган иш камдан-кам дуч келади, йўқса ўйлайвериб сил бўлиб кетаман.

Молларни йиғиштириб, дўконини беркитиб жўнайди. Шу маҳал саҳна кўриниши ўзгаради, Ҳожи Қоранинг уйи пайдо бўлади. Ҳожи Қора калит солиб сандиқни очади-да, қопчиқдан тилла олади. Уч юз тиллани санаб, учта ҳаманга солади. Кейин милтиқ, тўппонча, ханжар ва қиличини олиб, тахт қилиб қўяди. Шу ҳолда хотини Тук аз пайдо бўлади.

Тук аз. Ҳой, нималар қиляпсан? Бу яроқ-аслаҳаларни нега олдингга ёйиб ўтирибсан?

Ҳожи Қора. Сафарга чиқмоқчиман!

Тук аз. Қаёққа?

Ҳожи Қора. Сенга айтиб бўлмайди!

Тук аз. Нега айтиб бўлмас экан, қароқчиликка кетаётганинг йўқ-ку, мендан яширсанг.

Ҳожи Қора. Қароқчилик бўлмаса ҳам, ўшанга ўхшаган бир нарса!

Тук аз. Бас, қароқчиликка ўхшаш бўлса, ҳеч вақт бормайсан. Қани, тур ўрнингдан, дўконга бориб совдангни қил!

Яроғ-аслаҳани йиғиштиради.

Ҳожи Қора. Дўконни худо олсин, моллар қуриб кетсин, сотилармиди! Ахир, бошимни дард-фалокатдан қутқаришимга қўясанми, йўқми!

Тук аз. Ҳой киши, бошингга қандай дард-фалокат тушди, нима деяпсан ўзинг?

Ҳожи Қора. Яна қанақанги дард-фалокат тушсин! Хонавайрон бўлдим. Шу кунларда тўппа-тўғри юз сўм зарар кўрдим, томоғимдан овқат ўтмай қолди!

Тук аз. Томоғинг шундай бўғилсинки, овқат эмас, сув ҳам ўтмай қолсин! Болалар ошиқ йиққанидай, шунча пулни йиғиб нима қиласан? Юз йил умр кўриб есанг-ич-

санг, кийсанг ҳам пулинг адо бўлмайди. Юз сўм зарар кўрдим деб нега мунча ўзингни ўтга-сувга урмасанг!

Ҳожи Қора. Минг карра сенга: «Хотин кишисан, ўз ишинг билан шуғулан, менга панд-насиҳат қилма» деганман, қани, қурол-яроғларни ерга қўй!

Қўл чўзиб милтиқ ва тўппончани тортиб олади.

Туказ. Яъни сен бу яроғ-аслаҳани тақиб одамларни кўрқитмоқчимисан? Бу милтиғу тўппончаларнинг йигирматаси билан қуролланганинда ҳам мен хотин бошим билан сендан кўрқмайман! Устингга тупроқ тортилсин!

Икки қўлини очиб эрининг боши устида силкитади.

Ҳожи Қора. Лаънат сенга, хотин. Хотин зотининг тухуми қурисин. Йўқол бу ердан!

Туказ. Ҳой киши, жинни бўлибсан! Мен уйимни ташлаб қаёққа борар эканман! Қани айт, қаёққа кетялсан?

Ҳожи Қора. Жаҳаннамга, лаҳадга! Нега менга ёпишиб олдинг, муддаоинг нима?

Туказ. Кошки жаҳаннамга, лаҳадга олдинроқ жўнаган бўлсанг. Ушандай кунни кўрсам ош худойи қиламан. Азроилнинг уйига ўт тушсинки, сенга ўхшаш мурдорларни ер юзида қолдириб, гулдай йигитларни қора тупроқ остига жо қилади.

Ҳожи Қора. Ер юзида қолган мурдорлардан бири ўзингсан, шайтон сени менинг бўйнимга тавқи лаънат қилиб осиб қўйган. Мен умримда бирор одамни ранжитмаган, бирор кимсага зиён-заҳмат етказмаган бўлсам, нега мен мурдор бўлар эканман?

Туказ. Бирор кимсага зиён-заҳмат етказмаган бўлсанг, фойданг ҳам теккан эмас. Сени шунинг учун ҳам мурдор дейманки, ўз молингни на ўзинг еб-ичасан ва на оилангга сарф этасан! Сен ўлсанг жилақуриса, хотин, бола-чақанг қорни тўйиб нон ерди.

Ҳожи Қора. Хотин, бола-чақа заҳарни есин!

Туказ. Сенинг уйингда заҳар ҳам топилмайди, бор бўлса ҳам, уни ҳам биздан қизганиб бермасдинг!

Шу вақт беклар чақиринишади.

Беклар. Ҳожи, ҳо Ҳожи!

Ҳожи Қора. Хотин, уйга кир, одамлар келди!

Туказ дарҳол нуқарига кириб, эшикнинг орқасидан қулоқ солиб туради. Беклар қуролланган ва сафар кийимида кирадилар.

Беклар. Ассалому алайкўм, Ҳожи!

Ҳожи Қора. Ваалайкўм ассалом, дардингизни олай, қани, марҳамат, ўтиринглар!

Асқарбек. Ҳожи, тайёрмисан?

Ҳожи Қора. Ҳа, дардингни олай, тайёрман, мана пулларни ҳам ажратиб қўйдим, аммо бу пулларга ўзим Табризда кўзларингиз ўнгида чой ва чит харид қиламан, молларни сизларга топшираман, олиб келасизлар.

Асқарбек. Нега ундай қиласан, Ҳожи? Пулларни шу ерда берсанг нима қилади?

Ҳожи Қора. Шундай қилган яхшироқ-да, ҳеч фарқи йўқ-ку!

Асқарбек. Хайр, майли, шундай бўла қолсин. Қани кетдик!

Ҳожи Қора. Бир оз сабр қилинглар, отларимни, нўкаримни олиб келишга қулбаччангизни юборган эдим, келсин.

Асқарбек. Нечта от олиб борасан, Ҳожи?

Ҳожи Қора. Учта! Бирини қулбаччангиз минади, бирини ўзим, биттасига юк ортамыз, уни нўкар етаклайди. Сизлар нечта от олиб борасизлар?

Асқарбек. Бизларнинг ҳар биримизда иккитадан от бор; бири минишга, бири юк ортишга. Бу қурол-яроғлар сеникими, Ҳожи?

Ҳожи Қора. Ҳа!

Асқарбек. Жуда яхши, қани кийин!

Ҳайдарбек. Худо ҳақи, Ҳожи, мен сени танимай қолдим, кўрган одамнинг заҳраси учади.

Сафарбек. Худо ҳақи, мен ҳам Ҳожининг бундайлигини билмасдим.

Ҳожи Қора. Одам ишда синалади, дардингни олай! Сизлар мени читфуруш деб одамга санамайсиз. Аммо, иншоолло, кўриб турибсизларки, мен қўрқоқлардан эмасман! Йўлда дуч келган одамга бор буди-шудини ташлаб келаверадиган ўғринчи мол олиб келувчиларга ҳайрон бўлиб юраман.

Сафарбек. Ҳожи, чегарада молни ушлаб қоладиганларнинг қанчалик ҳийлагар эканликларини билмайсан. Улар ясовул ёки қоровул кийимида юрмайдилар. Қарасанг, баъзан юк ортилган от ёхуд эшак ҳайдаб, баъзан эса пиёда, қурол-яроғсиз қаршингдан келаверади, бирор-

та фақир йўловчидир-да, деб ўйлайсан. Рўпарангга келиши билан бир зумда қурол-яроғни қаердан олганини билмай қоласан; кўз очиб юмгунча бор буди-шудингни шилиб олади.

Ҳожи Қора. Бундай фалокатлар қўрқоқлик ва эҳтиётсизлик орқасида содир бўлади. Одам ҳеч кимни ўзига яқин йўлатмаслиги керак. Қандай кийимда бўлмасин менга дуч келсалар, бошларига қандай савдолар солишимни кўрадилар! Ҳаммасини шундай тавбасига таянтираманки, бундан кейин мол олиб келувчилар йўлини тўсишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар!

Сафарбек. Балли, гапларинг тўғри, одам деган қўрқоқ бўлмаслиги, шу билан бирга эҳтиёткорликни ҳам унутмаслиги керак!

Шу маҳал Ҳожининг нўкари Қарамали ва ўғли Бадал ичқари кирадилар.

Қарамали. Хўжайин, отлар тайёр, қаерга бормоқчисан?

Ҳожи Қора. Табризга!

Қарамали. Табризга? Мени ҳам олиб кетмоқчимисан?

Ҳожи Қора. Ҳа!

Қарамали. Хўжайин, у ёққа нега кетяпсан?

Ҳожи Қора. Сенга нима дахли бор?

Қарамали. Нега дахли бўлмасин, ахир, сени ҳам олиб кетаман деяпсан-ку, ўзимнинг нега кераклигимни билишим керакми, йўқми?

Ҳожи Қора. Мол харид қилгани бораман. Мол олиб отга ортаман, сен бўлсанг, отни етаклаб келасан.

Қарамали. Хўжайин, қачон бошбурт олдинг Табризга боришга?

Ҳожи Қора. Бошбуртнинг кераги йўқ!

Қарамали. Ундай бўлса, мен бормайман. Бир маҳалда Салёнга билитсиз жўнаган эдим, ноибнинг буйруғи билан чунонам урдиларки, ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди.

Асқарбек. Қўрқма, ноиб қаерга кетганимизни ҳеч маҳал билмайди!

Қарамали. Тўғриси айтсам, муддатим тугаб қолди, сендан кетиб бошқа одамга нўкар тушаман, сен жуда кам ҳақ тўлайсан, сира тўйиб овқат емайман. Мен Табризга бормайман.

Асқарбек. Бу галча боргин! Йўлда тўйгунингча овқат берамиз, кейин ҳар қайсимиз бир тўпдан чит совға қиламиз!

Қ а р а м а л и. Ҳожи ҳам совға қиладимиз?

Ҳожи Қора. Юкни соғ-саломат олиб келсанг, мен ҳам сенга совға қилинган читларни қимматроқ баҳода сотиб беришга ҳаракат қиламан.

Қ а р а м а л и. Хўп, мен рози!

Ҳожи Қора. Қани кетдик бўлмаса!

Ҳамма чиқиб кетади. Бир оздан кейин Т у к а з киради.

Т у к а з (ёлғиз). Хоналаринг вайрон бўлсин, беклар! Эримни авраб ўғринчи мол кетириш учун олиб кетдилар. Бошига бир фалокат тушгудай бўлса, болаларим етим бўлиб қолади, вой шўрим, вой шўрим!

Тиззасига уриб чиқиб кетади.

П а р д а т у ш а д и.

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Учинчи парда воқеаси Аракс дарёси бўйида, Эрон ерида бўлади. Беклар ва Ҳожи Қора Табриздан ўғринчи мол сотиб олиб қайтганлар. Улар оддан тушиб дарё бўйида тўпланиб турадилар. Туманли кеча, аҳён-аҳёнда чақмоқ чақади.

Ҳайдарбек. Ҳозир бу ердан кечиб ўтиб бўлмайди! Тўрт чақиримча пастроқча тушиб шовқин-сурон кўтариш керак, шунда казаклар ҳам ўша томонга югуради, биз дарҳол қайтиб келиб шу ердан кечиб ўтишимиз керак!

Асқарбек. Шаррос ёмғир қуйиб турибди, туманли кеча, ҳамма казаклар ин-инига уриб кетган. Араксининг бўйида ҳозир жин ҳам йўқ, шу ерга келган эканмиз, кечиб ўтайлик.

Ҳайдарбек. Асло мумкин эмас. Мен Араксининг бу бетига жуда кўп марта ўғирликка келганман. Дарёнинг бўйида албатта казакларнинг пистирмаси бўлади.

Ҳожи Қора. Ҳайдарбекнинг гапи тўғри. Эҳтиёткорликни унутмаслик лозим! Ҳайдарбек айтганидек қилиш керак!

Сафарбек. Ҳожининг сўзи тўғри. Бориб дарёнинг қуйи томонида шовқин-сурон солайлик! Ҳожи, сен юклар ёнида қол.

Беклар дарёнинг қуйи, томонига қараб йўл оладилар, бир оздан кейин шовқин-сурон кўтарилади, дарёнинг юқори томонидан қуролланган казаклар бешта-бештадан, учта-учтадан бўлиб дарёнинг қуйи томонига туша бошлайдилар.

Биринчи казак. Оҳ малъунлар, булар от ўғирлаб, дарёдан ўтиб кетмоқчи бўлган қароқчилар бўлса керак!

И к к и н ч и к а з а к. Менимча, булар ўғринчи мол келтираётганлар!

У ч и н ч и к а з а к. Қим бўлса бўлсин, адабини бериб қўямиз!

Қазақлар кўздан ғойиб бўладилар. Бир соатдан кейин шовқин-сурон босилади. Беклар Ҳожи Қора ёнига қайтиб келадилар.

Ҳ а й д а р б е к. Тезроқ бўлинглар, қараб турадиган вақт эмас.

Ҳамма Араксга ташланади, дарёнинг ўртасига бориб Ҳожи Қоранинг оти қоқилади, Ҳожи Қора сувга ағдарилиб оқиб кетади. У толнинг сувга энгашиб турган шохига икки қўли билан ёпишиб олади.

Ҳ о ж и Қ о р а. Войдод! Ҳайдарбек, Сафарбек, Асқарбек, ёрдам беринглар, чўкиб кетяпман!

Ҳ а й д а р б е к. Ҳожи, қаердасан?

Ҳ о ж и Қ о р а. Бу ердан, тол шохига осилиб турибман!

Ҳ а й д а р б е к. Ҳа уйинг куйсин, жуда чуқур жойга тушиб қолибсан-ку, сени қутқаришнинг сира иложи йўқ!

Б а д а л. Қурбонингиз бўлай, беклар, отамни қутқаринглар!

Қ а р а м а л и. Ҳой йигитча, қўй, чўкса чўкиб кетаверсин, унинг ҳамма мол-мулки сизларга қолсин, беш кунлик дунёда еб-ичиб роҳат қилинглари! Шунинг учун қайғуриб нима қиласан!

А с қ а р б е к. Валдирама! Хуржундан арқонни олиб бер!

Карамали дарҳол хуржундан арқонни олиб беради.

Ҳ а й д а р б е к. Асқарбек, дарров арқонни олиб кел!

Асқарбек арқонни Ҳайдарбекка узатади.

Ҳ а й д а р б е к. Ҳожи, арқонни ташлаймиз, ушла.

Ҳ о ж и Қ о р а. Эй қурбонингиз бўлай, ушлай олмайман, тол шохини қўйиб юборсам, сув жуда тез экан, оқи-зиб кетади. Сиртмоқ қилиб ташланг, белимга тушин!

Ҳайдарбек арқонни сиртмоқ қилиб отади. Сиртмоқ Ҳожи Қоранинг буйнига тушади, Ҳайдарбек арқонни тортади. Ҳожи Қора икки қўли билан арқонни маҳкам ушлаб қирғоққа чиқади, шилтаи шалаббо бўлган кийим-бошидан сув оқади.

Ҳожи Қора. Мени шу кунга солган киши хонавайрон бўлсин, дўконимни ташлатиб бу ерга бошлаганни қорани оғзидан келсин!

Ҳайдарбек. Ҳожи, сафарда кишининг бошига кўп ишлар тушади, хафа бўлма, ҳозир сўкиниб ўтиришнинг вақти эмас, устимизга бало-қазодек ёпирилиб келиб қолишлари мумкин. Тезроқ қирғоқдан узоқлашиб, тўқайзорга яширинайлик! Ярим кечада, эл ётарда йўлга тушайлик!

Ҳаммалари бир онда қирғоқдан узоқлашиб, кўздан ғойиб бўладилар. Салдан кейин бошқа томондан ўн чоғли қуролланган арманлар пайдо бўлади.

Оҳан (*арманларнинг юзбоши*). Довюррак Саркисим, довюррак Қарапетим, довюррак Қаҳрамоним, сизлар менингни ёнимда милтиқларингизни шайлаб туринглар! Мен буюрган заҳоти ўқ узинглар! Мен уезд маслаҳатчисидан сизларни сўраб олдим, шу азаматлар ёнимда бўлганида ўғринчи мол келтирадиган юзлаб кишиларга бас келаман, деб уни ишонтирдим. Қолган йигитлар, сизлар ортимизда туринглар, қўрқманглар, иншооло, бизни кўришлари биланоқ юкларини ташлаб қочадилар, борди-ю, қочмай бизга қарши қўл кўтаргудай бўлсалар, ҳаммаларининг бошларини сапчадай узаман!

Саркис. Айт-чи, юзбоши, улар қайси томондан келадилар?

Оҳан. Улар рўпарамиздан келадилар. Хабарчи уларнинг шу йўлдан бўлак йўлдан келмасликларини айтди. Саркис, кўз-қулоқ бўл, худо хоҳласа, қўлга туширилган юклар учун киши бошига эллик сўмдан мукофот берадилар.

Саркис. Ҳой юзбоши, наҳотки ҳамма юкларини олиб қолсанг?

Оҳан. Худо ҳақи, ҳатто хуржунларини ҳам тортиб оламан.

Саркис. Ҳой юзбоши, уларга раҳминг келмайди-ми? Ҳар нима бўлганда ҳам қорабоғликлар-ку. Биз ёнларини олмасак, уларга ким ёрдам беради; ўзларига ҳам ул-бул қолдиришимиз керак, акс ҳолда дуои бадга қоламиз!

Оҳан. Нималар деясан ўзинг, йигит, уларнинг ёнини олишни бизга ким қўйибди! Уларнинг ёнларини олсанг, қорабоғлик эканларини инобатга олсанг, дуои баддан қўрқсанг, хизматни дўндира олмайсан.

Саркис. Мен олдинроқ бориб қараб боқай-чи, келишаётганмикин.

Оҳан. Яхши, лекин эҳтиёт бўл, чўчитиб қочириб юборма!

Саркис. Йўқ, кўзларига кўринмайман!

Кетади.

Оҳан. Йигитлар, ҳушёр бўлинглар!

Одамларни жойлаштиради.

Саркис (*қайтиб*). Юзбоши, уйинг куйгур ўғринчи мол келтирувчилар келяпти. Аммо олдиларида баланд бўйли, башанг кийинган қуролли бир йигит келяптики, ҳайбатидан одам қўрқади. Кўзларига қон қуйилган.

Оҳан. Ростингми?

Саркис. Худо ҳақи, рост!

Оҳан. Ўлай агар, дегин-чи!

Саркис. Ўлай агар, бошим билан онт ичаман!

Оҳан. Унинг ҳақиқатан ҳам тўппончаси ва милтиғи борми, кўрдингми?

Саркис. Худо урсин, кўрдим!

Оҳан. Улар неча киши экан?

Саркис. Уч кишига кўзим тушди, лекин ҳалиги бир йигит уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди.

Оҳан. Ҳеч қўрқадиган ери йўқ, келаверсинлар. Саркис, лекин жуда олдинга кетиб қолибмиз, бу ерда устимиздан чиқиб таппа босадилар. Сал кейинроқда бўлсак, дуруст бўларди, шайланиб турардик.

Одамларни орқароққа ўтказди, шу маҳал олдинда беклар, улар кетидан Ҳожи Қора билан юклар етиб келади.

Ҳайдарбек (*қўлида милтиқ билан илгари юради*). Ҳой, кимсанлар, нега йўлни тўсдиларинг? Қочларинг йўлдан!

Оҳан. Нега йўлдан қочар эканмиз? Қатта кетяпсан, кимсан ўзинг?

Ҳайдарбек. Эҳ муттаҳам! Нима, сен терговчимисан ёки кўча назоратчисимисанки, йўлимизни тўсасан? Кимлигимнинг сенга нима дахли бор? Қоч йўлдан, акс ҳолда қорнингни порох тутуни билан тўлдираман. (*Милтиғини кўтаради.*) Асқарбек, Сафарбек, нега қаққайиб

турибсизлар, нега буларни қириб ташламайсизлар?
Отинглар, ўликлари кўчада қолиб кетсин!

Оҳан (ҳамроҳлари билан йўлнинг четига чиқиб).
Жинни бўлдингларми, қутурдингларми? Ноҳақ қон тўкишга жуда ўрганганга ўхшайсизлар, аммо бизлар бекордан-бекорга ўлиб кетаверадиган анойилардан эмасмиз.

Ҳайдарбек. Вой муттаҳам-эй! Сенлар қанақанги шижоатли одамсанларки, қириб ташлаб бўлмасин, мана, ол!

Милтиғи билан уларни мўлжалга олади.

Оҳан. Ҳой йигит, тентак бўлма, биз кетамиз. Ана, йўл очиқ, ўтиб кетавер! Худо ҳақи, бегуноҳ қонимизни тўкма, бизнинг сизлар билан ишимиз йўқ!

Ҳайдарбек. Йўқ, муттаҳам, хомтама бўлма, сени ўлдирмай қўймайман!

Оҳан. Азизим, мен довиюрак бўлганимиз учун бизни қириб ташлаб бўлмайди деганим йўқ, бизни уезд маслаҳатчиси юборган, бизни ўлдирсангиз, уезд маслаҳатчисига нима жавоб қиласизлар, демоқчи эдим.

Ҳайдарбек. Ҳой муттаҳам, уезд маслаҳатчисига нима деб жавоб беришимизни ўзимиз биламиз, биздан бунни суриштиришга нима ҳақинг бор? Нима, сен терговчимисан? Қочларинг йўлдан, бўлмаса ҳозирнинг ўзида ҳаммангни тутдек тўкаман.

Оҳан. Кетамиз, кетамиз, аччиғинг чиқмасин! Саркис, Қарапет, Қаҳрамон, қайтинглар, йигитлар! Булардан қон ҳиди келяпти.

Саркис. Юзбоши, уезд маслаҳатчисига нима деймиз?

Оҳан. Нима ҳам дердик, буларнинг қанақанги қароқчи эканини кўрмайсанми? Ўғринчи мол олиб келувчилар шунақа бўладими? Улар ярим чақирим наридан қорамизни кўрганда молларини ташлаб қочадилар, булар бўлса, бизларни сўймоқчи, қириб ташламоқчи бўляптилар-ку. Итвачча хабарчи аҳмоқлик қилиб буларни ўғринчи мол олиб келувчилар деб ўйлапти.

Орқага қайтадилар.

Саркис. Ҳой юзбоши, борди-ю уезд маслаҳатчиси кимларга дуч келдинглар деб сўраб қолса, нима деб жавоб берамиз?

Оҳан. Ўғринчи мол келтирувчиларни учратмадик деймиз!

Саркис. Қароқчиларга дуч келдик деймизми?

Оҳан. Буни айтиб нима қиламиз! Оқ туя кўрдингми? Йўқ.

Қарапет. Йўқ, юзбоши, қароқчиларга дуч келдик, лекин улар кўпчилик эдилар, эплай олмадик деймиз.

Оҳан. Яхши, бу тўғрида кейинроқ ўйлашиб кўрамиз, қани кетдик!

Саркис. Мен булардан сўраб кўрай-чи, ўғринчи келтирилган моллари бормикин?

Угирилади.

Ҳайдарбек. Ҳой армани, ўгирилдингми? Худо ҳақи, сенларнинг ажалларинг етибди, мен сенларни қириб ташламасам, бу ердан даф бўлмайдиганга ўхшайсанлар!

Ҳайдарбек арманларга томон юради. Саркис қочади, бошидан папоғи тушиб кетади.

Оҳан (*диққат бўлиб*). Саркис, орқангга қайт, бизларни балога гирифтор қилма!

Саркис. Юзбоши, папоғим тушди, шуни олай.

Оҳан (*тоқатсизланиб*). Эй, қўйсанг-чи, папоғинг қолса қолаверсин!

Саркис дарҳол қайтади, ҳаммалари кетишади.

Ҳайдарбек (*уларнинг орқасидан*). Отамнинг арвоҳини шафе келтириб қасамёд қиламанки, агар бизни кўргангингизни бирор ерда айтсангиз, устимиздан чақиқ қилсангиз, уйингизга бориб бешикдаги чақалоқларингизгача қиймалайман. Шуни билиб қўйинглар!

Оҳан (*олисдан*). Нима деяпсан, биродар, бир эл эмасмизми, кўзимиз кўзимизга тушмайдими, сизларнинг устингиздан чақиқ қилиб нима қиламиз? Булар бизни ахтариб келишган деб ўйлаяпсанми? Бизни уезд маслаҳатчиси юборди деб ҳазиллашдик, сизларни синамоқчи эдик. Бизлар ҳадрутликмиз, Шоҳсеван қишлоғи аҳолисидан ҳўкиз олгани келган эдик. Савдомиз пишмади, қайтиб кетяпмиз.

Ҳайдарбек. Яхши, қани жўнанглар! (*Ҳайдарбек*

жаҳл билан ер тепинади.) Қани туёқларингни шиқилла-
тинглар!

Арманлар шошилич равишда кўздан ғойиб бўладилар.

Ҳожи Қора (олдинга чиқиб ҳамроҳларига). Нега арманларни қўйиб юбординглар? Нега қўлларини боғ-
лаб тўқайга олиб кириб ташламадинглар?

Ҳайдарбек. Ундай қилишнинг нима кераги бор, Ҳожи?

Ҳожи Қора. Бориб устимизга казакларни бошлаб келмасинлар тагин.

Ҳайдарбек. Ҳўкиз харид қилгани келган одамлар-
нинг бош оғриққа тоби бор дейсанми? Устимизга казак-
ларни бошлаб келишнинг нима ҳожати бор?

Ҳожи Қора. Буларнинг ҳўкиз олгани келганига ишондингми? Уларнинг сўзига қандай ишониб бўлади? Сафарбекнинг гапини эшитмадингми? Буларнинг юз хил найранги бўлади.

Ҳайдарбек. Ҳожи, булардан сенга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмаслигига мен кафилман.

Ҳожи Қора. Нималар деяпсан ўзинг? Фақат шу сафаргинами? Бунақанги одамларнинг бир нечасига шундай танбеҳ бериб қўйиш керакки, хуфия мол келти-
рувчиларнинг йўлини тўсишмасин! Ҳар бир дуч келган-
ни соғ-саломат қўйиб юборилаверса, ўгринчи мол келти-
рувчиларга булар кун берадими? Бундан кейин ҳам бу фойдали машғулоти тарк этмайман! Афсуски, мен сенга ишониб орқада турдим, йўқса буларга зарби дастимни ўтказиб, келажақдаги сафаримиз учун йўлни тозалаган бўлардим!

Асқарбек. Яхши, кейинги сафар дуч келишиб қолса, уларга зарби дастингни кўрсатарсан, ҳозир фурсат ўтди.

Ҳожи Қора. Худо хоҳласа, сизлар ҳам бу тўғрида эшитиб қоларсиз! Қани кетдик, пачакилашиб ўтиришга вақт йўқ. Бугун кечаси Қарғабозорга етиб олишимиз керак. У ерда мен Бадални сизларнинг ёнингизга қўйиб, Қарамали билан бирга Оғжабадига ўтаман. Эртага жума, бир қисм молни пуллаш учун бозорга етиб боришим керак.

Ҳайдарбек. Ҳожи, у ердан ёлғиз кета оласанми?

Ҳожи Қора. Ундан у ёқда казаклар йўқдир-а?

Ҳайдарбек. Казаклар йўқ, аммо уезд маслаҳат-

чисининг ясовулларига дуч келиб қолишинг мумкин, унда яхши бўлмайди.

Ҳожи Қора. Узим худодан илтижо қиламанки, мени уезд маслаҳатчиси ясовулларига рўбарў қилгин деб. Уларга дуч келсам, бир ўч олишим бор-а!

Ҳайдарбек. Баракалла, Ҳожи, офарин, жуда дов-юрак экансан!

Ҳожи Қора. Бир-икки ясовул менга рўпара бўлсин, уларнинг бошига шундай кунларни солайки, то қиёмат қойимгача унутишмасин; халқ уларнинг азиятидан халос бўлсин! Бу ясовуллардан бир нечасининг адабини бериб қўйилмаса, юрт уларнинг дастидан эркин нафас ололмайди!

Ҳайдарбек. Жуда савобли иш қиласан, Ҳожи, бизлар ҳам кўрсатган ҳунарларинг ҳақида нақл эшитажакмиз.

Гойиб бўладилар.

Парда тушади.

ТУРТИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи парда воқеаси Хонашин дарасида ўтади. Ойдин кеча. Икки арман пайдо бўлади — бири эшак минган, иккинчиси пиёда.

А р а к е л. Микиртич, худо хоҳласа, бу йил саксон қоп ғалла оламиз.

М и к и р т и ч. Худо хоҳласа, оламиз. Уч йилдан бери ғалламизни чигиртка ерди, лекин бу йил экинларимиз бирам бўптики, аввалги йилларнинг ҳам ҳиссасини чиқариб оламиз.

А р а к е л. Микиртич, яхшиямки аввалги йилларнинг ғаллаларини ўраларда сақлаганмиз, йўқса ҳосил битмаган йилларда жуда аҳволимиз оғир бўларди-да.

М и к и р т и ч. Бизнинг қишлоқдаги ғалла бўлмаганда Дизақ райони аҳолиси очликдан қирилиб битган бўларди.

А р а к е л. Деҳқончиликка худо барака берсин. Дунёда деҳқончиликдан яхши ҳунар йўқ.

М и к и р т и ч. От дупури эшитиляпти, тўхта-чи, ким келаётган экан?!

Тўхтайдилар. **Ҳ о ж и Қ о р а** пайдо бўлади.

Қ а р а м а л и. Хонавайрон бўлдик, хўжайин, олдинда икки киши кўриняпти! Ахир, ҳамроҳларингдан ажралма демабмидим, очкўзлик қилиб ёлғиз йўлга тушдинг. Мана энди кўраман Оғжабади бозорига бориб мол сотишингни! Ҳозир юкимизни тортиб олишади!

Ҳ о ж и Қ о р а. Нималар деяпсан, аҳмоқ! Менинг молимни тортиб олишга кимнинг ҳадди сиғади?!

Қарамали. Ановилар тортиб олади. Олдинроқ бориб қарагин, булар шубҳасиз уезд маслаҳатчисининг ясовуллари. Қани кўрай-чи, юкларингни қандай сақларкинсан.

Ҳожи Қора. Худо хоҳласа, уларга тиш кавлагич учун бир чўпимни ҳам бермайман! Сен юк устида маҳкам ўтир, ўтаканг ёрилиб ағдарилиб тушмагин тагин. Мен буларнинг олдига борай-чи, муддаолари нима экан. Қўлларини боғлайман-да, жарга ташлаб юбораман. То шунақанги хонасаллотлардан бир нечасига зарби дастимни ўтказмагунимча йўлларда осойишталик бўлмайди! Худо хоҳласа, бир иш кўрсатайки, ҳеч кимса журъат этиб ўғринчи келтирилган молларга кўз олайтирмайдиган бўлсин!

Қарамали. Мен юк устида маҳкам ўтирибман. Биров судраб туширмаса, асло йиқилмайман!

Ҳожи Қора. Яхши, ўт илгари.

Ҳожи Қора арманларнинг йўлини тўсиб милтиқ билан уларни мўлжалга олади.

Ҳой, кимсизлар? Жавоб беринглар, йўқса отиб ташлайман!

Микиртич. Азизим, бизларни нега отасан, сенга зиён-заҳмат етказмаймиз, ўз йўлимизга кетяпмиз!

Ҳожи Қора. Сафсата сотма, йўлдан кўп одам ўтади, тўғриси айтларинг, кимсанлар? Кечаси бу ерда нима қилиб санқиб юрибсанлар?

Микиртич. Биз Туғ қишлоғининг деҳқонларимиз, ғалламизни ўргани борган эдик, ўримни тугаллаб қайтиб келяпмиз.

Ҳожи Қора. Бунақа сўзлар билан мени лақиллата олмайсанлар! Мен сенлар ўйлаган гўллардан эмасман. Сенларнинг кимлигингни яхши биламан. То ҳар иккалангни саранжомламагунимча элда осойишталик, йўловчиларда хотиржамлик бўлмайди!

Микиртич (таажжуб билан). Аракел, бу нималар деяпти?

Аракел. Бундай дурустроқ қилиб сўра-чи, нима демоқчи, мақсади нима экан?

Микиртич. Ҳой, қардош, биз подшонинг фақир фуқаросимиз. Пешона теримиз билан тирикчилигимизни ўтказамиз. Умримизда бировга зарар етказмаганмиз —

йўл тўсмаганмиз, исён қилмаганмиз. Биз нима ёмонлик қилдикки, юрт бизнинг дастимиздан нотинч бўлсин?

Ҳожи Қора. Мен ҳамма найрангларингни биламан, агар сенлар дуруст одам бўлганларингда ярим кечада бу ерда санқиб юрмасдиларинг. Сенларнинг фикри-зикринг ҳамиша халққа зарар етказиш. Халқни хонавайрон қилиш. Милтиқларингни ерга ташла, йўқса отаман!

Микиртич. Ҳой, жоним, бизда милтиқ нима қилсин, нимани ерга ташлаймиз! Бир жуфт ўроқдан бошқа ҳеч вақомиз йўқ. Агар бизни тўнамоқчи бўлсанг, уни айт!

Ҳожи Қора. Мен одам тўновчилардан эмасман! Сизга ўхшаш ўзгалар молига кўз олайтирувчиларнинг жонини оламан.

Аракел. Микиртич, бу қанақа қароқчи экан ўзи? Нима деётганини сира тушунмаётибман!

Микиртич. Мен ҳам ҳеч тушунмаяпман, сўраб кўрай-чи, нима демоқчи экан? (Ҳожи Қорага қараб.) Қардош, биз кимнинг молига кўз олайтирибмиз? Биз оддий деҳқонлармиз. Худога шукур, подшога бож-хирож тўлаб турамиз, қўлимиздан келганича халққа яхшилик қиламиз. Бу йил қиш қимматчилик вақтида очликдан қирилмасинлар деб, қўшни мусулмон овулларга галла қарз бердик. Агар шу кунгача Туғ қишлоғидаги бир одамнинг бирор қора чақасини еган бўлсак, қонимиз сенга ҳалол!

Ҳожи Қора. Қонларингни аллақачон тўкиш керак эди. Аммо шу кунгача ҳеч ким бу ишни қилмади. Энди тақдир сенларни бу ерга олиб келиб менга рўпара қилди! Бировга чоқ қазиган, ўзи йиқилади. Кўп одамларнинг ёстиғини қуритдинглар, мана энди жазоларингни тортасизлар! Қурол-яроғларингизни ташланг! Акс ҳолда, худо ҳақи, юракларингизни мўлжалга олиб ўқ узаман!

Арманларнинг юрагига қўрқув тушади.

Микиртич. Биродар, еру осмон ҳақи, қасамёд этамизки, қуролимиз йўқ! Ахир, нима гуноҳимиз борки, бизга қарши бунчалик ғазабланасан?!

Ҳожи Қора. Сизларнинг гуноҳларингиз на ерга сиғади-ю на осмонга; муттаҳамлар, ўзларингга бошқа ҳунар тополмадиларингми?

Микиртич. Жоним, дунёда бизнинг ҳунаримиздан мумтозроқ ҳунар борми? Бизнинг ҳунаримиз бўлмаса, олам аҳли нонсиз қоларди!

Ҳожи Қора. Ановини қара-я! Ановининг журъатини кўр, ҳунарини мақтайди-я! Муттаҳамлар, халқ азоб чексин, пешона терини тўкиб мол-дунё тўпласин-да, ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир бўлиб, сизлар уни эгаллаб олинг, бу қаерда кўрилган?

Микиртич. Ҳой биродар, худодан умидинг бўлса, бизни хафа қилма, ўз йўлимизга кетайлик. Сен биз билан ҳазиллашаётганга ўхшайсан.

Ҳожи Қора. Воллоҳи, ўрнингиздан жилсангиз, бир ўқ билан қулатаман! Ҳали менинг сўзларимни ҳазил деб ўйлаяпсизми? Мен сиз малъунларнинг гапига лаққа учсаму кейин сизлар менга яқин келиб билганларингизни қилсангиз-а, мақсадларингиз шуми? Қурулларингни ерга ташлаларинг, деяпман сенларга!

Микиртич. Аракел, нима қилдик энди?

Аракел. Худо ҳақи, менинг ҳам бошим қотди.

Микиртич. Эй парвардигор, қандай мушкул аҳволга қолдик. Азизим, олдинга кетишимизга йўл қўймасанг, орқага қайтиб, бошқа йўл топиб кетишимизга ижозат бер!

Ҳожи Қора. Асло йўл бермайман! Қани, қимир этиб кўр! Уезд маслаҳатчисининг ўзи келиб тутиб кетсин деб унга хабар бермоқчисанлар-да. Худо хоҳласа, уезд маслаҳатчисига сенларни ўлди деган хабар етади! Бу бошқа шерикларингга ибрат бўлади!

Микиртич. Ҳой, азизим, бизларни ким деб ўйлаяпсан, нега мунча бизни қийнаяпсан?

Ҳожи Қора. Мен сизларни қароқчи, йўлтўсар, халқни хонавайрон қилувчи, зolim, текинхўр, дорга осилишга лойиқ кишилар деб ўйлаяпман.

Микиртич. Бас, сен ўзинг кимсан?

Ҳожи Қора. Менинг кимлигимни ўзларинг яхши биласанлар. Билмаганларингда қоронғи кечада даранинг ўртасида йўлимни тўсгани чиқмаган бўлардиларинг!

Микиртич. Худо шоҳидки, шу йўлдан келиб, сенга дучор бўлганимизга ўзимиз ҳам пушаймонмиз. Биз сени ҳеч танимамиз, сени учратиш хаёлимизнинг кўчасига ҳам келгани йўқ эди.

Ҳожи Қора. Бу гапларинг бир пулга арзимаиди,

сўнги марта айтаман, мени маҳтал қилманглар! Тез бўлинглар, қуролларингни ташланглар!

М и к и р т и ч. Аракел, нима қиламиз?

А р а к е л. Худо ҳақи, яроғимиз йўқ, мана шу иккита ўроқдан бошқа кесадиған ҳеч нимамиз йўқ, истасанг, ташлаймиз, ана!

Арманлар ўроқларини ташлайдилар.

Ҳ о ж и Қ о р а. Милтиқларингизни, тўппончаларингизни, қиличларингизни ташланг, йўқса ўқ узаман!

А р а к е л. Ҳой, менга қара, сен қанақа одамсан ўзинг? Худо ҳақи, пайғамбар ҳақи, бизда на милтиқ бор ва на тўппонча.

Ҳ о ж и Қ о р а. Ишонмайман, ёлғон гапиряпсанлар, яширгансанлар, ташланглар!

М и к и р т и ч. Ишонмасанг, билганингни қил! Худо жазангни берсин!

Ҳ о ж и Қ о р а. Ҳали шундайми, мана нима қилишимни кўриб қўйларинг!

Арманларнинг бошидан ошириб ўқ узати. Эшак ҳуркади, қўрқиб кетган Аракел эшакдан ағдарилиб тушади. Ҳожи Қора тўппончасини ғилофидан суғуриб уларнинг тепасига бориб бўкиради.

Жойларингдан қўзғалма!

Бечора арманларнинг бири йиқилган, бири оёқ устида.

М и к и р т и ч. Ҳой бандаи худо, нега сен бизларни ноҳақ ўлдирияпсан?

Ҳ о ж и Қ о р а. Қимирлама!

Карамалига боқиб.

Ҳой Карамали, мен буларни тутиб тураман, сен тез қочиб қутул!

К а р а м а л и. Хўжайин, орқага қочайми, олдингами?

Ҳ о ж и Қ о р а. Эй ҳаромзода, орқага қочиб қаерга борасан? Яна Аракс дарёсининг бўйигами? Олдинга қараб қоч, тезроқ қочиб қутул!

К а р а м а л и. Яъни юкларни олиб қоч деяпсанми?

Ҳ о ж и Қ о р а. Э, ҳароми, ҳароми! Юкларни ташлаб қочармидинг, юкларни олиб қочасан-да, албатта!

К а р а м а л и. Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

Отни елдириб кўздан ғойиб бўлади. Шу маҳал Аракел ўрнидан туришга уринади.

Ҳожи Қора (бақиради). Ҳой, қимирлама деяпман, йўқса отиб ташлайман!

Аракел яна ерга ётади. Шу маҳал ноиб ва унинг бир тўда одамлари пайдо бўлади.

Халил юзбоши (ноибга). Ҳой жаноблари, улар бу ерда экан, топдим, келинлар!

Микиртич. Садағанг кетайлар, келинлар, бизни бу золимни қўлидан халос қилинлар!

Аракел (ўрнидан туриб). Қурбонигиз бўлай, келинлар, бизни қароқчи қўлидан қутқаринлар!

Ҳожи Қора. Азизлар, ким бўлсаларингиз ҳам келинлар! Булар мендан қўрққанларидан қимирлашга журъат этолмаяптилар. Буларнинг қўлларини боғланлар, мен қочиб кетай!

Шу маҳал ноибнинг одамлари буларнинг атрофини ўраб олади.

Ноиб. Ҳаромзодалар, қўлимдан қутулиб бўлсанлар! Сенларнинг хабарингни етказишган эди, изма-из таъқиб этиб келяпман! Халил юзбоши, қўйма уларни!

Халил юзбоши (арманларга яқин бориб). Гапга қулоқ солларинг, қилт этсанлар, ҳаммангни қириб ташлаймиз, яроғларингни ерга ташланг!

Микиртич. Садағанг кетай, биз қароқчи эмасмиз. Бизга манави одам ҳужум қилди.

Ҳожи Қорани кўрсатади. Халил юзбоши унга қарайди.

Халил юзбоши. Ҳой, қимирлама, қуроолларингни ташла!

Ҳожи Қора. Қардош, мен беозор, қўй оғзидан чўп олмаган одамман. Ўтиб кетаётганимда булар йўлимни тўсиб мени тўхтатишди. Тўнамоқчи бўлишган эди, ўзимна ҳимоя қилдим, тўнашларига йўл қўймадим.

Ноиб. Халил юзбоши, буларга қуроолларингни ташла деб буюр! Қимнинг айбдор экани кейин маълум бўлади!

Микиртич ва Аракел. Жаноблари, худо ҳақи, бизнинг қуролимиз йўқ, истасангиз ўзингиз яқин келиб кўринг!

Халил юзбоши (Ҳожи Қорага). Ҳой, сен яроғингни ташла, ноиб буюряпти!

Ҳожи Қора. Вой, садағанг кетай, ноиб шу ердами? Бош устига, мана қуроолларимни ташлайман! Менинг молим ҳам, жоним ҳам уезд маслаҳатчисига ҳадя! Аммо булар ёлғон гапиришяпти, қуроолларини яширишган!

У қуроол-яроғларини ерга ташлайди. Ноиб ўз одамлари билан Ҳожи Қорага яқин келади.

Ноиб. Мен сен газандани уч кечадан бери ахтариб юрибман! Халил юзбоши, боғла бунинг қўлларини!

Халил юзбоши Ҳожи Қоранинг қўлларини боғлайди.

Ҳожи Қора. Садағанг кетай, менинг айбим нима?

Ноиб. Кўп гапирма, шерикларингни айт, йўқса эртага эрталаб дорга остираман!

Ҳожи Қора. Ҳазратим, мени нега остирасан, мен қароқчи эмасман, йўлтўсар эмасман; ахир, қароқчи, йўлтўсарлар дорга осилади-ку.

Ноиб. Нега қароқчи эмасман дейсан? Бас, сен Айлис арманиларини тўнаб, ипакларини олиб кетганларнинг шериги эмасман?

Ҳожи Қора. Садағанг кетай, тақсирим, мен бир йўқсил одамман, ҳунарим савдогарлик. Одам тўнаш қўлимдан келмайди.

Ноиб. Хўш, ундай бўлса қуроол-яроғ билан қоронғи кечада нима қилиб юрибсан? Тўғри одам бу ерда санқиб юрмайди! Йигитлар, буни маҳкам ушланглар, кўрай-чи, бу одам ким экан!

Арманларга ўгирилиб.

Сизлар кимсизлар?

Микиртич. Эй, қурбонинг кетай, биз Туғ қишлоғининг деҳқонларимиз, ғалламизни ўриб уйимизга қайтиб келаётганимизда, бу киши бизнинг йўлимизни тўсиб қолди; сиз келмаганингизда бунинг қўлига тушган эдик.

Ноиб (Ҳожи Қорага). Уларни сен тўхтатдингми?

Ҳожи Қора. Буларни мен тўхтатибманми? Гапим ёлғон бўлса худо буларнинг хонасини вайрон қилсин. Тасаддуғинг кетай, булар менинг йўлимни тўсиб, тўнамоқчи бўлишди.

М и к и р т и ч. Жаноблари, у ёлгон гапиряпти, ўзи бизларни тўнамоқчи бўлди!

Ҳ о ж и Қ о р а. Булар жуда ҳийлакор, ҳазратим, буларнинг гапига ишонманг, улар биз ноиб ясовулларимиз дейишди. Энди айтган гапларидан тоняптилар!

М и к и р т и ч. Жаноблари, худо ҳақи, бу одам ёлгон гапиряпти! Бунинг гапига ишонма! Бизни қўйиб юборсин деб, бошдаёқ Туғ қишлоғининг деҳқонларимиз дедик. Бунинг бир шериги ҳам бор эди, қочиб кетди.

Н о и б. Халил юзбоши, қайси бири тўғри гапиряётганини суриштириб бил. Буларнинг гапига шайтоннинг ҳам ақли етмайди! Қандай одам эканликларини ким билди дейсан? Буларнинг ҳар учаласини олиб кетинглар, эртага уезд ҳокимига топширамиз, тергов қиламиз. Уезд ҳокими қандай буйруқ берса, шундай қиламиз!

Халил юзбоши ҳар учаласини қўлга олади.

Ҳ о ж и Қ о р а. *(йўғлай бошлайди)*. Мени хонавайрон қилганларнинг уйи куйсин! Мени қонга белаганлар қора қонига белансин! Мени кулфатга солган имонсиз кетсин! Мен қайда-ю, маҳкама қаёқда! Терговдан қочиб юрар эдим, терговга тушдим. Энди ҳамма икир-чикирларни сўрашга бошлайдилар. Қаёқдаги бўлмағур саволларга жавоб бер, дейдилар! Охири нима бўлишини кута-кута кўзинг тешилади!

А р м а н и л а р д а н б и р и. Ҳой, золим, бу дунёда дилинг шодликни, юзинг кулгуни кўрмасин, бизни ноҳақдан-ноҳақ мусибатга солдинг; энди терговдан қачон қутулишимизни ким билди дейсан! Ўриснинг тергови беш йилда ҳам тугамайди. Ғалламизни ким йиғиштиради, хирмонимизни ким кўтаради. Вой, вой!

Х а л и л ю з б о ш и. Бас қил, кўп валдирамаларинг, юрларинг!

Ҳамма кетади.

П а р д а т у ш а д и.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Бешинчи парда воқеаси овулда бўлади. Ҳайдарбек тўйнинг эртаси кунини ўтовда янги келинчақ билан ўтиради. Ташқарида сурнай ва чилдирма чалинмоқда. Ешлар қўшиқ айтиб, ўйин тушадилар.

Ҳайдарбек. Худога шукур, худога шукур, сен билан бирга ўтирибман-а, тушимми, ўнгимми? Икки йилдан бери дашт-саҳроларда саргардон бўлиб кезиб юрдим, фироқнинг дардида ўртаниб, ниҳоят орзумга етдим. Бу неъматнинг шукрини бажо келтира олармикинман?

Сона хоним. Ҳайдарбек, худо ҳурмати, бундан кейин бунақанги хатарли ишлар билан шуғулланма. Улай агар, бундан буён айрилиққа тобу тоқатим йўқ. Худо кўрсатмасин, бошингга бирор фалокат тушиб, қочқин бўлиб қолсанг ёки қўлга тушсанг, мен чидолмайман. Бундан кейин сени бир кун кўрмасам ўламан!

Ҳайдарбек. Хотиржам бўл, қароқчиликка, ўғирликка сира бормайман. Уезд ҳокимининг ўзи мени огоҳлантирган, лекин фойда чиқаришнинг бир яхши йўлини топдим. Ишонаманки, бунга сенинг ўзинг ҳам мене бўлмайсан, чунки бу унчалик хатарли иш эмас.

Сона хоним. Айт-чи, қанақа иш экан у?

Ҳайдарбек. Ўзинг билмайсанми? Бундан йигирма беш кун бурун Ҳожи Қорадан қарз кўтариб ўғринчи мол сотиб олиб келамиз деганим эсингдами? Ушанда рози бўлмаган эдинг; энди нафини кўрдингми? Молни келтиришимиз биланоқ Қарғабозорда сотиб Ҳожи Қоранинг ўғлига қарзимизни қайтариб бердик, фойдасини

эса олиб қолдик. Ҳамроҳларим ҳам бу сафар ўз улушларини менга бердилар. Ун кун ичида харажат қилиб, эл қатори тўй-томоша билан сени уйимга олиб келдим. Агар сўзингга кириб бормаганимда, ё сени олиб қочишим керак бўларди, ёки шу кунгача отангинг уйида ўтирган бўлардинг.

Сона хоним. Ўғринчи мол келтириш тақиқ қилинган, бундай молни келтирувчиларни жазолайдилар, дейишади-ку.

Ҳайдарбек. Албатта, ношудларни ҳаминиша қўлга туширадилар. Молини тортиб олиб, ўзини жазолайдилар. Аммо менга яқинлашишга ким журъат эта олади?

Сона хоним. Йўлда ҳеч ким сени тўхтатмадимми?

Ҳайдарбек. Нега тўхтатмасин? Бирдан ўнтаси йўлимни тўсди, қўрқитдим, ҳаммаси қочиб кетди.

Сона хоним. Эй, воҳ, Ҳайдарбек, бу иш ҳам хатарликка ўхшайди, тўғриси айтсам, бунга ҳам рози эмасман! Ҳожи Қорага айтиб қўяман, бундан буён сизларга пул бермасин. Сизларни йўлдан уриб олиб кетмасин! Худо ҳақи, шу тўғрида ўйлаганимда юрагимга ваҳима тушади.

Ҳайдарбек. Ҳой, менга қара, нима сабабдан юрагингга ваҳима тушади? *(Сона хонимнинг бўйнидан қучоқлаб юзидан ўпади.)* Жоним тасаддуқ, бас, нима иш билан шуғулланай, сени қандай боқай?

Сона хоним *(ийғлай бошлайди)*. Ташла, бу ишни ҳам ташла! Отамнинг уйидан олиб келган нарсаларим билан бир йил бемалол тирикчилик қилишимиз мумкин. Шу вақт мобайнида дурустроқ иш топа олмасанг, кейин билганингни қил.

Ҳайдарбек. Яна бир-икки марта боришимга рухсат эт, токи ўртоқларимнинг қарзларидан қутулай, кейин борма десанг бормайман.

Сона хоним. Бир мартага ҳам, ярим мартага ҳам рухсат бермайман. Ҳамроҳларинг сабр қилишсин!

Ҳайдарбек. Ахир, шартимиз шундай эди, бормасам пулларини қисташади, сабр қилишга кўнишмайди.

Сона хоним. Сенинг ишинг бўлмасин, онамга ёлвораман, отамга ёлвораман, отам уларни кўндиради.

Ҳайдарбек. Яхши, лекин сенинг нимадан бунчалик қўрқишингни сира тушунмайман?

Сона хоним. Яна сезиб қолишларидан, қувғин бўлишинг, бошимга қора кун тушишидан қўрқаман!

Ҳайдарбек. Бекордан-бекорга безовта бўлма, ҳеч вақт ундай бўлмайди.

Сона хоним. Нима қилай, ҳеч хотиржам бўлолмайман. Юрагим дарахтнинг баргидай титрайди. Сени мендан жудо қиладилар, деб қўрқаман.

Шу маҳал Ҳожи Қоранинг хотини Тук аз киради.

Тук аз. Айланай бек, менинг эримни нима қилдинглар, унинг бошига қандай савдолар тушди? Ҳаммаларингиз келибсизлар! На эримдан дарак бор ва на нукаридан!

Ҳайдарбек. Ҳой, хотин, эринг ҳали ҳам қайтгани йўқми?

Тук аз. Йўқ. Қанақа ишга аралаштирдинглар? Эргинам шўрликни алдаб олиб кетиб, қаерга ташлаб келдингиз? Ёки уни ўлдирдингизми?

Ҳайдарбек. Ҳой, хотин, қўрқма, бирор қишлоқда айланиб юргандир, келиб қолади, безовта бўлма!

Тук аз. У қишлоқ айланмайди, боши омон бўлганида шу вақтгача келган бўларди. Эримни топиб беринглар. Қандай олиб кетган бўлсаларинг, шундай қайтариб олиб келиб берасизлар!

Ҳайдарбек. Нега бизга тирғилиб қолдинг? Эринг ёш бола эмаски, биз уни алдаб олиб кетган бўлсак! Биз унга бир ишни таклиф этдик, у қиладиган фойдасини кўзлаб бизга қўшилиб йўлга тушди. Ҳамма ерда уни ҳимоя қилдик, хатарли жойлардан олиб ўтдик. Ҳозирча келмаган бўлса бизнинг айбимиз нима? Бор, чиқиб кет, бошимни оғритма!

Тук аз. Бориб уезд маслаҳатчисига, уезд ҳокимига арз қиламан. Менинг эримни сизлар йўқотиб келдинглар!

Шу маҳал ғала-ғовур кўтарилади, ноиб ва уезд ҳокими одамлари билан бирга келиб қапа атрофини ўрайдилар.

Ноиб. Уезд ҳокимининг буйруғи, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмасин.

Ҳайдарбек (олдинга чиқиб). Ноиб жаноблари, уезд ҳокими нима хоҳласа шуни буюрсин, бу ерда жиноятчи йўқ, ҳеч ким қочмайди.

Ноиб. Жиноятчи борми, йўқми, бундан қатъий назар уезд ҳокими Ҳайдарбекни кўрмоқчи.

Ҳайдарбек. Мен Ҳайдарбек бўламан, қандай фармонингиз бор, буюринг!

Уезд ҳокими (олдинга чиқади). Ҳайдарбек, сен менинг насиҳатимга қулоқ солмай, яна ёмон ишлар билан шуғулландинг! Энди мен билан бирга қалъага борасан!

Сона хоним титраб йиғлашга бошлайди.

Ҳайдарбек. Начальник, сен менга ўғрилик, қароқчилик қилмасликни буюрган эдинг. Агар сенинг сўзингдан чиққан бўлсам — менинг жойим Сибирь.

Уезд ҳокими. Ҳа, сен менинг сўзимдан чиқдинг! Бундан ўн кун муқаддам Аракс дарёсидан сал юқори-роқда Айлис арманларини талаб, ипаklarини олибсизлар. Бу иш аниқланди. Яхшиси, ишингни енгиллаштириш учун бўйнингга ол, шерикларингни айтиб бер!

Ҳайдарбек. Уезд ҳокими, ўзинг бу иш аниқланди деяпсан. Аммо мен ҳеч кимни тўнаганим йўқ. Агар бирор киши мени шу жиноятда айблаб, бўйнимга қўйса, бошим билан жавоб беришга тайёрман.

Уезд ҳокими. Яхши, Халил юзбоши, анови арманларни бу ёққа чақир!

Халил юзбоши. Оҳан юзбоши ва унинг қўл остидаги кишиларни бошлаб киради.

Оҳан юзбоши, сизга дуч келган одам шумиди?

Ҳайдарбек Жаноб ҳоким, қаёқдаги қаланғи-қасанғи мужикларнинг сўзига кириб, менинг бахтимни қора қилма!

Оҳан. Садағанг кетай, мен мужик эмасман. Мен йигирма йилдан бери вилоят маъмурларига хизмат қиламан. Йигирмата ёзма тақдирномам бор, ўтган йили кумуш медалга тақдим этдилар. Мана, мана ҳужжатларимни бир ўқиб кўринг!

Қоғозларини кўрсатади.

Уезд ҳокими. Сенинг кўрсатган хизматларинг билан танишиб ўтиришга вақтим йўқ! Кўрганларингни гапириб бер!

Оҳан. Садағанг кетай, беклик унвонини олиш учун шаҳодатномам ҳам бор. Мана ўқинг!

Шаҳодатномасини олиб уезд ҳокимига узатади.

Уезд ҳокими. Ҳой, менга қара, ҳозир ишдан гапирсанг-чи, насл-насабингни кейинроқ гапирарсан.

Ҳ а й д а р б е к. Жаноб ҳоким, бунақанги шаҳодатномаларнинг юзтаси бир пулга арзимамайди. Зотида шубҳа бўлган одамларгина насл-насаби ҳақида шаҳодатнома ёздириб оладилар.

О ҳ а н. Шу гапингни ҳоким жанобларининг ҳузурида эмас, бошқа бир ерда гапирганингда, мана шу милтиқ билан жавоб берардим!

Милтигини қўлига олади, кейин уезд ҳокимига ўгирилади.

Садағанг кетай, сўнги рўйхат чоғида мен бек деб ёзилганман. Ҳозир бўлса бу одам менинг беклигимга шубҳа қиляпти, адолат қил, мени бадбахт қилма!

У е з д ҳ о к и м и. Агар саволимга жавоб бермасанг, сени ётқизиб эллик таёқ уришга фармон бераман, у вақтда беклигингни ҳам унутиб юборасан. Сизларга дуч келган одам шу киши эдими, деб сўраяпман сендан!

О ҳ а н. Ҳа, садағанг кетай, ҳамроҳлари билан бирга бизга қарши милтиқ ва қилич кўтарган шу одам эди! Улар йигирма нафар қуролланган отлиқ эди, бизлар эсақ бор-йўғи ўн кишигина эдик. Биздан кўп бўлишмаганда, давлатингиз кўланкасида, шубҳасиз, уларни тутган бўлардик. Биз билан учрашганларидан кейин бориб Айлис арманларини талабдилар.

Ҳ а й д а р б е к. Бунинг ҳамма гапи бўҳтон.

У е з д ҳ о к и м и. Татар тоифаси ғирт ёлғончи бўлади. Сен ҳам ўшаларнинг бирисан, сўзингизга ишониб бўлмайди. Бирингиз қурол-яроғ билан йўлини тўсиб Туғ қишлоғининг икки арман деҳқонини таламоқчи бўлибсиз. Ҳозир эса ошқора ёлғонлаб, арманлар мени таламоқчи бўлдилар дейди.

Ҳ а й д а р б е к. Мен у кишининг кимлигини билмайман! Қорабоғнинг барча яхши, ёмон одамларини танийман. Уни кўрсам, рост гапиряптими, ёлғонляяптими, аниқ айтиб бераман. Ҳақиқатни гапиряпганимга қасам-ёд этаман.

У е з д ҳ о к и м и. Халил юзбоши, анави қўлга тушган одамни бу ёққа олиб кел!

Халил юзбоши чиқиб Ҳ о ж и Қ о р а н и олиб келади.

Қани айт-чи, бу ким, қандай одам?

Ҳайдарбек. Жаноб ҳоким, мен бун танийман. Қасамёд этаманки, бу одам талончи эмас. Арманлар ёлғон гапиришибди.

Уезд ҳокими. Халил юзбоши, арманларни олиб кел. (Халил юзбоши туглик арманларни олиб киради.) Ҳайдарбек, ана шунинг учун сенинг гапингга ишонмайман. Ўзинг танангга ўйлаб кўр, шу арманлар талончиларга ўхшайдими? Бу бўлса, улар мени таламоқчи бўлдилар, деб ишонтирмоқчи бўлади!

Ҳайдарбек. Ундай бўлса, бу ҳам ёлғон гапирибди.

Уезд ҳокими (аччиқланиб). Хўш, нима қилиш керак! Ҳаммаларингиз ёлғонни ямламай ютаётганингиз аниқ. Ҳаммангизни жазолаш керак! Мен сени қалъага олиб кетишим керак!

Ҳайдарбек. Соҳиби ихтиёрсиз.

Сона хоним титрай бошлайди.

Уезд ҳокими (Ҳожи Қорага). Қани, айтиб берчи, нима учун бу арманларнинг йўлини тўсдинг?

Ҳожи Қора. Қурбонинг бўлай, мен ўз касбу кори билан кун кечириб юрган одамман. Йўлтўсарлик қилиш қўлимдан келмайди. Ҳамиша олди-сотди билан шуғулланаман. Мен подшога жуда катта хизматлар қилганман.

Уезд ҳокими. Подшога қандай хизмат қилгансан?

Ҳожи Қора. Қурбонинг бўлай, ўн беш йилдан буён подшонинг гумрукхонасига эллик сўмдан эҳсон қилиб тураман.

Уезд ҳокими. Уҳў, жуда катта хизмат қилган экансан! Ҳақиқатан ҳам буюк илтифотга лойиқ экансан!

Ҳожи Қора. Ҳа, қурбонинг бўлай, бу хизматларим учун менга олтин медаль берса арзийди, наинки...

Уезд ҳокими. Сенга ўхшаш хизмат қилганлар жуда кўп. Берган пулларингизга олтин медаль ясашиб, ўзларингизга тақиб қўйса бўларкан! Беҳуда гапларингни қўй! Қани айт, арманларнинг нега йўлини тўсдинг?

Ҳожи Қора. Қурбонинг кетай, уларнинг ўзлари менинг йўлимни тўсишди.

Микиртич. Садағанг кетай, ёлғон гапиряпти, у бизни таламоқчи бўлди!

Шу маҳал Жа в о н ш и р ноибнинг ясовули келади.

Я с о в у л (*уезд ҳокимига*). Жаноб ҳоким, Жавоншир уезд ноибни Айлис арманларини талаган қароқчиларни тутиб, ипакларни қайтариб олди, ўзларини ҳибс қилди. Мени хизматингизга юбориб, шу хусусда хабар беришимни буюрди. Кейинроқ аҳволотни батафсил ёзиб юбормоқчи бўлди.

Н о и б. Яна татарлар бўлса керак, албатта?

Я с о в у л. Ҳа!

У е з д ҳ о к и м и. Йўқса, инглиз ёки французлар деб ўйлабмидинг?

О ҳ а н. Садағанг кетай, қароқчи ҳамиша татарлардан чиқади. Бизнинг халқдан ҳеч қароқчи чиққан эмас.

У е з д ҳ о к и м и. Овозингни ўчир, бу сизларнинг тўғрилигингиздан эмас, юраксизлигингиз, нўноқлигингиздан!

Я с о в у л. Жаноб ҳоким, ўғринчи мол келтирувчи бир одамни ҳам юки билан бирга юборди.

Ҳожи Қоранинг ранги ўчади.

У е з д ҳ о к и м и. Қани у? Бу ерга олиб кел!

Я с о в у л чиқиб кетади.

Ҳ а й д а р б е к. Жаноб ҳоким, менинг қароқчи эмаслигим энди сизга аён бўлдими?

О ҳ а н. Жаноб ҳоким, у қўлга тушган қароқчилар шубҳасиз бунинг шериклари бўлиши керак!

У е з д ҳ о к и м и. Ҳаммаси аниқланади.

Шу маҳал ясовул Қ а р а м а л и н и олиб келади, Ҳожи Қора уни кўриши билан «воҳ» деб ҳушдан кетади.

(*Таажжуб билан*). Бу қандай ҳол? Бу одам нега ҳушдан кетди? Бунинг ҳушига келтиринглар!

У е з д м а с л а ҳ а т ч и с и Ҳожи Қоранинг юзига сув сепеди, Ҳ а й д а р б е к билан Х а л и л юзбоши қўлини уқалашади. Ҳ о ж и Қ о р а кўзини очади.

Ҳой, сенга нима бўлди, нега ҳушдан кетиб қолдинг?

Ҳожи Қоранинг тили гапга келмайди.

Уезд ҳокими (*Карамалига*). Ҳой, менга қара, тўғриси айтсанг қўйиб юбораман! Бу киши сени кўрганида нега ҳушидан кетди?

Қарамали. Билмайман, жаноб ҳоким!

Уезд ҳокими. Сен кимлар билан, қачон ўғринчи мол келтиришга борган эдинг?

Қарамали. Мен ҳеч ким билан, ҳеч қачон мол келтиргани борганим йўқ!

Уезд ҳокими. Нималар деб валдираяпсан? Сени юкинг устида қўлга туширдилар-ку, қандай қилиб тона оласан?

Қарамали. У юкдан сира хабарим йўқ!

Уезд ҳокими. Хўш, у мол кимники?

Қарамали. Билмайман!

Уезд ҳокими. Сен отда эмасмидинг?

Қарамали. Ҳа, отда эдим.

Уезд ҳокими. Ундай бўлса, отга юкни ким ортди?

Қарамали. Шайтон ортгандир-да, менинг ундан асло хабарим йўқ!

Уезд ҳокими. Азизим, биз шайтонни сендан кўра яхшироқ таниймиз. У кўп ишларга қодир. Аммо у ўғринчи мол билан савдо-сотиқ қилмайди. Тўғриси айт, бўлмаса терингни шилиб оламан.

Ҳайдарбек. Жаноб ҳоким, бир арзим бор.

Уезд ҳокими. Қани, айт-чи, эшитайлик.

Ҳайдарбек. Мен ҳузурингизда ғоятда айбдорман, лекин айбимга иқрор бўламан! Бу одамни мен икки шеригим билан ўғринчи мол келтиришга олиб борган эдим. Бу қўлга тушган йигит унинг нўқари; бу одам ниҳоятда хасис бўлгани учун моли қўлга тушганини кўриб ўзидан кетди. Арманларни ҳам молимни олиб қўймасин, деб ҳадиксираганидан йўлини тўсган бўлса керак.

Уезд ҳокими (*Ҳайдарбекка*). Масала равшан; хўш, шерикларинг ким эди?

Ҳайдарбек. Асқарбек билан Сафарбек.

Уезд ҳокими (ноибга). Уларни чақиргани одам юбор!

Ноиб. Ҳозир!

Бир ясовулни юборади.

Уезд ҳокими (*Ҳайдарбекка*). Хўш, нега уялмасдан Оҳан ёлғон гапиряпти дединг?

Ҳайдарбек. Оҳан ҳақиқатан ҳам ёлғон гапирди, жаноб ҳоким, чунки ҳаммамиз олти кишигина бўлиб, ўғринчи мол олиб келаётган эдик. Тўртта отда юкимиз бор эди. Буларга дуч келиб қўрқитиб қочириб юбордик-да, ўзимиз қутулиб қолдик. Азбаройи шифо, Айлис арманларини талаганларидан бизнинг хабаримиз йўқ!

Шу маҳал ясовул Асқарбек билан Сафарбекни олиб келади.

Уезд ҳокими. Ҳайдарбек, шерикларинг шуларми?

Ҳайдарбек. Ҳа, шулар!

Уезд ҳокими. Ҳайдарбек, гарчи, қароқчилик қилмаган бўлсанг-да, аммо паспортсиз чегарадан ўтиб ўғринчи мол келтиргансиз, ноиб юборган соқчиларга қарши милтиқ ва қилич билан чиқибсиз, қонун юзасидан мен ҳозирнинг ўзида ҳибс этиб қалъага олиб кетишим керак!

Ҳайдарбек. Соҳибни ихтиёрсан, жаноб ҳоким!

Сона хоним (*уезд ҳокимига яқин келиб унинг этагидан тутади*). Қурбонинг бўлай, мени ўлдирсанг ўлдир, лекин уни олиб кетма! Мени бева қилма!

Уезд ҳокими. Ҳайдарбек, бу ким?

Ҳайдарбек. Жаноб ҳоким, бу менинг хотиним. Кеча тўй қилиб уйимга келтирдим. Бугунги бадбахтлигимнинг сабабчиси шу!

Уезд ҳокими. Буни қандай тушуниш керак?

Ҳайдарбек. Жаноб ҳоким, биз бир-биримизни ниҳоятда севардик. Икки йилдан бери бошимизни қовуштириш иштиёқида ҳасрат чекардик. Тўй қилай десам пулим йўқ эди. Ниҳоят, ўғринчи мол келтириб сотдик, чиққан фойдасига тўй қилиб уйимга олиб келдим. Кошки эди, ўлган бўлсаму шу кунларни кўрмаган бўлсам!

Сона хоним. Ҳазратим, подшонинг ҳақи-ҳурмати, уни кечир, «қул хатосиз, хожа карамсиз бўлмайди», бу воқеани ёзиб катта амалдорларга хабар қил, балки менинг кўз ёшларимга раҳм этарлар. Мен Ҳайдарбекнинг бундан кейин ёмон ишга қўл урмаслигига тилхат бераман.

Ҳайдарбек. Жаноб ҳоким, бу айбимни Доғистондаги подшо душманларига қарши жангда ўз қоним билан ювишга таяйман.

Уезд ҳокими (*ноибга*). Худо ҳақи, бу шўрлик-

ларни бир-биридан айиришга кўзим қиймаяпти. Билмайман, катта амалдорларга хабар қилгунимча буларни кафилга бериш мумкинмикин?

Н о и б. Мумкин.

А с қ а р б е к. Жаноб ҳоким, бизлар ҳам душманга қарши жангга тайёрмиз!

У е з д ҳ о к и м и (н о и б г а). Юқоридан жавоб келгунча буларни кафилга бер!

Н о и б. Бош устига!

Шу маҳал Ҳожи Қоранинг хотини Т у к а з ичкари кириб ўзини уезд ҳокимининг оёғи остига ташлайди.

Т у к а з. Айланиб кетай, эримни қайтариб бер!

У е з д ҳ о к и м и (Ҳожи Қорага). Бундан кейин ўғринчи мол келтиришга бормайсанми?

Ҳ о ж и Қ о р а. Тавба қилдим, жаноб ҳоким, тавба қилдим, мени бу ёмон йўлдан қайтарганинг учун кеча-ю кундуз сенинг дуои жонингни қиламан!

У е з д ҳ о к и м и (н о и б г а). Буни ҳам кафилга бер!

Ҳ о ж и Қ о р а. Қурбонинг кетай, менинг молим нима бўлади?

У е з д ҳ о к и м и. Бу тўғрида сабр қил!

Ҳ о ж и Қ о р а. Қурбонинг бўлай, молим қўлимга тегмаса ўламан!

У е з д ҳ о к и м и. Ўзинг биласан. Ҳалил юзбоши, Ҳожи Қоранинг нўкарини ҳам, туғлик деҳқонларни ҳам бўшатиб юбор, кетсинлар.

(Бекларга)

Ёмон ишлар билан шуғулланиб ўзингизни бадном қилишингиз, ҳукумат маъмурлари қошида шармисор бўлишингиз шаънингизга ярашмайди. Ўғринчи мол келтириш ҳам худди ўғирлик қилиш сингари давлат тарафидан ман этилган! Подшонинг амридан чиқиш худонинг амридан чиқиш билан баробардир. Худонинг амридан чиққан у дунёда жазоланади, подшонинг амридан чиққан одам эса, бу дунёда жазоланади. Худонинг амрини бажо келтирганга жаннат бор, подшонинг амрини бажо келтирганга марҳамат ва шафқат! Маъмурларимиз жуда шафқатлидирлар; улар сизларнинг айбларингизни кечирарлар. Аммо бундан кейин холис ният билан давлатга сидқидил хизмат қилишларингиз, ҳар хусусда ёмон фикрларни хаёлларингиздан чиқариб ташлашингиз лозим!

Беклар. Насихатингни жону танимиз билан қабул қиламиз, жаноб ҳоким!

Уезд ҳокими (Сона хонимнинг қўлидан тутиб). Гўзаллигинг ва кўз ёшларингга ачиниб, Ҳайдарбекни сендан айирмадим. Унга кўз-қулоқ бўлиб тур, юқоридан жавоб келгунча яна ёмон ишга қўл уриб юрмасин!

Сона хоним. Бош устига, жаноб ҳоким! Хотиржам бўлинг! Ўзимни ўлдирсам ўлдираману, лекин ёмон иш қилишга йўл қўймайман!

Уезд ҳокими. Жуда мамнунман! Сенинг кафиллигинг бошқа ҳар қандай одамнинг кафиллигидан инобатлироқ, хайр!

Кетмоқчи бўлади.

Ҳожи Қора. Садағанг кетай, жаноби ҳоким, ноининг ясовуллари мени тутишганида, чўнтагимдан ярим тангамни олиб қўйдилар, айт, берсинлар!


Уезд ҳокими (ноибга). Буюр, дарҳол бунинг пулини қайтариб берсинлар! Ясовулларинг бундай одаларини ташлашлари керак!

Ҳожи Қора. Оллоҳ умр-давлатингни зиёда қилсин, оға! Танимда жоним бор экан, сенинг бу шафқатингни унутмайман!


Уезд ҳокими узоқлашадн, кейин бошқалар ҳам кета бошлайдилар.

Парда тушади.

Тамом



АЛДАНГАН ЮЛДУЗЛАР
ЮСУФ ШОҲ ХИКОЯТИ



Сафавий подшолари ҳукмронлик қилган даврнинг бошларида Қазвин шаҳри Эроннинг пойтахти эди. Турли мижролардан сўнг Муҳаммад шоҳ Сафавий тахтни ўз ўғли Аббосга топшириб, дунёдан ўтди. Шоҳ Аббос тахтга чиққанидан сўнг олти йил ўтгач тубандаги воқеа юз берди.

Баҳорнинг аввал кунлари, наврўздан¹ уч кун ўтган эди. Тушдан кейин шоҳ Аббос ўз севгили ёри Салмо Хотун ила қасрда дилкашлашиб ўтирар эди. Шу фурсатда ҳарам оғаси² Хожа Муборак ичкари кирди ва таъзим қилиб:

— Мунажжим боши Мирза Садриддин гоят муҳим бир масала юзасидан қиблаи олам ҳузурларига кирмоқчилар,— деди.

Шоҳ Салмо Хотунга имлаб, ичкарига кириб туришни буюрди-да, Хожага қайрилиб:

— Мирза Садриддинга айт, кирсин,— деди.

Мунажжим боши шоҳнинг ҳузурига киргач, аввало эгилиб таъзим қилди, кейин камарбасталик билан қўлларини қовуштириб шоҳнинг сиҳат ва саломатлиги учун дуо ўқиди. Шоҳ ундан:

— Мирза, нима гап?— деб сўради.

Мунажжим боши:

— Қиблаи олам омон бўлсинлар,— деди,— шу кунларда юлдузларнинг сайридан андоқ маълум бўлмайди,

¹ Наврўз (янги кун) — кўкларнинг биринчи кунин. Бу 22 мартга тўғри келади.

² Ҳарам оғаси — ҳарамхона бош назоратчиси.

навруздан ўн беш кун ўтгач, Миррих¹ юлдузи Ақраб²нинг авжига бориб етгусидир ва бу наҳс воқеанинг касофатидан Шарқ тупроғида, эҳтимолки, Эрон мулкида бир тож эгасининг вужудига завол етгусидир. Бинобарин, менки, олий остонагизнинг мухлиси ва жонбоз бандасидурман, бу ҳодиса содир бўлмасдан олдин сизни огоҳлантирмоқни ўзимга фарз деб билдим.

Шоҳ ўша пайтда жуда ёш эди. У эндигина йигирма бешларга қадам қўйганди. Маълумки, шундай пайтларда, айниқса олиймақом ва шоҳлик тахтига ўтирган шахснинг жони жуда ширин бўлади. Шу ваздан, мунажжим бошининг олиб келган хабари ёш подшони жуда ҳам хавотирга солиб қўйди. Уша он шоҳнинг ранги оқариб, эс-ҳушини йўқотаёзди. Бир дақиқадан кейин у бошини кўтариб Мирза Садриддинга:

— Хўп, сенга рухсат!— деди.

Мунажжим боши таъзим қилиб чиқиб кетди. Шоҳ саройда бир ўзи ярим соатча чуқур ўйга ботиб қолди, кейин Хожа Муборакни чақирди. Хожа шоҳ ҳузурига киргач, унга: «Дарҳол навкарни юбориб вазир Мирза Муҳсинни ва сардор Замон хонни ва муҳрдор³ Мирза Яҳёни ва мулла боши⁴ Охунд Самадни менинг ҳузуримга чиқариб кел!» деб буйруқ берди.

Хожа шоҳ ҳузуридан чиққандан сўнг, кўп ўтмай, чақирилган шахслар ҳозир бўлдилар ва расмий таъзимларни адо қилиб бўлгач, шоҳнинг буйруғига мунтазир бўлиб турдилар. Шоҳ уларга қараб шундай деди:

— Мен сизларни муҳим бир иш юзасидан маслаҳатга чақирдим: бу масалага, албатта бир чора топишларинг керак. Бу мажлисимиз хусусий бўлганлиги учун сизларга ўтирмоққа ижозат!

Мансабдорлар шоҳнинг фармойишини бажо келтирдилар. Шоҳ мунажжим бошининг келтирган хабарини буларга айтиб бергандан сўнг:

— Хўш, энди фикрингизча, мен шу балони ўз бошимдан қандай қилиб қайтарсам экан?— деб сўради.

Ҳузурида ўтирган кишилар ҳанг-манг бўлиб қолди-

¹ Миррих — Марс юлдузи.

² Ақраб — осмондаги ўн икки бурждан биттаси.

³ Муҳрдор — ўша вақтдаги феодал саройларида молня ишларини бошқарарди.

⁴ Мулла боши — Шайхулисом мансаби даражасида лавозим бўлиб, барча диний-руҳоний адлия ишларига раҳбарлик қилади.

лар. Бир дақиқа жимликдан кейин вазир Мирза Муҳсин сўз бошлади:

— Бу бандан каминанинг олий давлатга бўлган ихлоси ошкора ва маълумдир. Албатта, қиблаи оламнинг эсларида бўлса керакки, улуғвор оталарининг салтанат айёмларида бир хил ақли қисқа кимсаларнинг вазирликка ўтганлиги туфайли, давлат хазинаси нақд пулдан холи бўлиб қолган эди. Бу ҳолатдан хабардор бўлиб қолишим биланоқ мен дарҳол чоралар кўра бошладим ва шундай бир қондани расм қилиб қўйдимки, шоҳ даргоҳининг камарбаста қулларидан ҳар кимки бир хизматга ёки бир вилоят ҳокимлигига тайинланса, кучига яраша маълум бир маблағни ҳадя тариқасида хазинага топшириб қўядиган бўлди ва яна қачонки, қиблаи олам бирон бекнинг кошонасига қадам ранжида қилиб қўнсалар, кошона эгаси нафис матоларни шоҳ ҳазратларининг қадамларига пояндоз қилиб ёзадиган ҳамда бир миқдор пулни совға йўсинида берадиган бўлди. Бундай тадбирлар орқали, ҳозир, ўғни қиблаи оламнинг тахтга чиқишларининг еттинчи йилида, хазинаи шоҳона¹ худога шукур, нақдгина пулларга фаровондур. Вазирлик лавозимида бандан каминанинг² бирон тажрибасизлик кўрсатмоғи ақлга сиғмайди, аммо юлдузларга қарши бирон чора топмоққа дарҳақиқат ожизман.

Бундан кейин сардор Замонхон сўзлаб кетди:

— Бу холис бандангиз, соқолимни олий давлат хизматида оқартирибман. Мисол учун олганимизда, ўн йил бундан муқаддам усмонли тоифаси³ Бакир пошшо Темирчи ўғли йўлбошчилигида қарийб етмиш минг кишилик қўшин Эрон тупроғига бостириб кирганида, қиблаи оламнинг падари бузрукворлари Эрон қўшинининг сардорлигини менга ҳавола қилган эдилар. Гарчи бизнинг қўшинларимиз сон ва саноқ жиҳатидан усмонлилардан кам бўлмаса-да, мен пок қўшинларимизнинг ҳаромийлар қўлида талаф бўлишига кўзим қиймади. Бинобарин, мен: «Усмонли чегарасидан то Озарбайжон ўлкасининг чеккасигача барча деҳқонларнинг экин далалари пайҳон қилинсин; қўй ва қорамолни ҳайдаб олиб кетилсин;

¹ Хазинаи шоҳона — подшонинг хазинаси.

² Бандан камина — тубан қул. Феодал маросимида одамлар ўзларини камситиб айтган ибора.

³ Усмонли тоифаси — Туркия кўзда тугилади.

кўприкларни бузиб ташланглар ва йўлларни хароб қилинглари», — деб буйруқ бердим. Бакир пошшо тупроғимизга бостириб кирганда бизнинг аскардан бирон кишини ҳам учрата олмади, аммо, йўллар шу қадар хароб бўлган эдики, у ўз замбаракларини сургаб олиб келишдан ожиз қолди. У фақат отлик ва пиёда қўшинларининггина минг машаққат билан Табризгача бошлаб келишга муваффақ бўлди. Бу ердан туриб у озиқ-овқат топиб келиш мақсадида ҳар томонга сипоҳийларини юборди. Лекин қанча уринмасин, на бир дона буғдой топди, на ҳўкиз ва на қўй. У уч кундан сўнг, бузғунликка учраб, ахийри чор-ночор кўчиш ногорасини чалдирди-ю. Табриздан қочиб кетди. Бизнинг бу тадбиримиз шарофатидан Эрон мулки бегоналар тоифасининг ҳужумидан сақланиб қолди. Йўлларни хароб қилиш ва кўприкларни бузиш шу қадар фойдали тадбир эканки, олий давлатимиз, Бакир пошшо қочиб кетгандан кейин ҳам кўприк ва йўлларни шу ҳолича қолдиришни маъқул деб топди, токи ётлар тоифаси иккинчи бор ҳужум қилиб келмасинлар деб.

Шундай қилиб, олий давлатимиз қўшинидан биронта кишининг бурни ҳам қонаган эмас, қайтага, ғолиб аскарларимиз соғ-саломат қолиб, ҳамсоя душманларни доимо хавф остида тутиб турадилар.

Бу нав ишларга келганимизда, олий давлатнинг кекса ити¹ тадбир ва чора ўйлаб топишдан ожиз эмас. Бироқ юлдузлар билан олишишга ақлим ҳеч бир илож тополмайди...

Шоҳни ваҳима босиб кетди. Муҳрдор Мирзо Яҳё тилга кириб шундай деди:

— Бу бандан ҳақир², вазирнинг яқин кишиси ва дастпарвардаси³ бўлганлигим сабабли ва у кишининг соясида ҳозирги мансабимга етганим туфайли ўз ихлос ва садоқатимда тамомила унинг яхши ниятларига ва низомларига эргашиб келганман. Маълумингизки, қўшиннинг ва ўрта миёна даражали тўраларнинг ойликлари, қиблаи оламнинг фармонлари ва менинг имзом билан

¹ Сардор Замонхон шоҳга лаганбардорлик қилиб ўзини «кекса ит» дейди.

² Б а н д а н ҳ а қ и р — илгари амалдорларда ўзларини хор, паст қул, деб камситиб гапириб одати бор эди.

³ Д а с т п а р в а р д а — бировнинг қўлида тарбия топган киши, асранди.

вилоятларнинг даромадидан чиқарилади. Вазир жаноблари зикр қилганларидай, шоҳ хазинасида нақд пул озайиб қолгач, ғоят хафа бўлдим. Гарчи, мен бир томондан, олий давлатимизнинг обрўи халқ назаридан тушмасин, деб маошларни тўхтатмасдан тўлаб туриш ҳақида вилоятларга буйруқлар юборган бўлсам ҳам, аммо иккинчи томондан, ҳар вилоят ҳокимига илгаритдан яширинча мактуб ёзиб, мен алоҳида рухсат қилмагунча ойликлар берилмасин, деб огоҳлантириб қўйганман. Ана шу тадбирим орқасида хазинаи шоҳонанинг киримлари кўп зиёда бўлиб кетди ва агарчи сипоҳлар ва тўралар маош ололмасдан юрган бўлсалар ҳам, лекин тинчлик ва осойишталик замонасида Эронда беҳад арзончилик ҳукмфармо бўлганидан улар ойликка ҳам ортиқча зор эмаслар. Бундай ишларга келганда менинг ўткир зеҳним ғоятда чапдастлик кўрсата олур. Аммо юлдузларнинг таъсирини қайтариш хусусида, гапнинг тўғриси, бирон чора топишга фаҳмим етмайди.

Навбат мулла бошига етганда у шундай деди.

— Парвардигори олам олиҳазрат шоҳимизнинг муборак вужудларини, азиз имомлар ҳурмати учун, жами осмон ва дунё балоларидан асрагай, иншооллоҳ! Менким, забардаст давлатингизнинг доимо барқарор бўлишини дуо қилиб юрган бандангиздурман, олижаноб сафавийлар хонадонига бўлган ихлос ва садоқатим ҳеч бир таърифга сиғмайди.

Қиблаи оламнинг бузруквор падарлари замонасида муллабошилик мансабига шарафёб бўлганимда Эроннинг ярмиси ва ҳатто пойтахт аҳлининг ҳам ярим қисми сунний мазҳабига мойил эди. Шунда мен, аввало, яхши-яхши ваъзлар ва иккинчидан, қаттиқ сиқишлар билан сунний мазҳабидаги мусулмонларнинг барчасини, ўн икки имомга эътиқод қилаётган шиалик мазҳабининг тўғри йўлига чиқариб олдим. Эндиликда тангри-таолонинг инояти бирлан, Эрон тупроғида сунний мазҳабида қолган кишиларнинг сони кўп деганда беш-олтидан ошмас. Бу хусусда мен эрон халқидан ҳам ниҳоятда розиман, чунки улар таклифим билан ўз қадимий ота-бобо мазҳабларини ташлаб тўғри йўлга майл кўрсатдилар.

Мен ҳатто жуҳудларга ва арманларга ҳам қўл тегишиб, уларга ҳам шиа мазҳабини қабул қилдирмоқчи бўлган эдим. Аммо баъзи бир хайрихоҳ дўстлар буниси керак эмас, деб маслаҳат бердилар. Чунки ҳар бир мам-

лакатда бир қадар жуҳуд ва арманлар ҳам яшайди; бизнинг тупроғимизда ҳам улардан оз-моз бўлиши маъқул, дейишди улар. Баъд, маълумингиз бўлгайки, азиз имомларнинг ҳадисларида шул нарса равшан баён қилинганидек ислом мамлакатларида тахт ва тож эгаси бўлган кимсалар зоти шариф ҳисобланмадилар ва уларга итоат фарз эмас. Нега десангиз, бу олий даражага фақат имом ва унинг ноиб¹ саналган пир аъламлар² сазовордир. Бинобарин, мен барча хутбахонларга³ номалар юбориб ҳамма вилоятларнинг минбарларида, шу айтилган ҳадисларнинг сафавийлар хонадонига дахли йўқ, деб эълон қилишларини буюрдим. Негаки, Сафавий сулоласи ўзи пайғамбар наслидан ва имомлар хонадонидан келиб чиққанлар. Аёндулки, имомлар, ҳалиги ҳадисларни ўз авлодлари ҳақида тугул, ўзга подшолар ҳақида айтганлар.

Ҳозирги пайтда, қиблаи оламнинг вужудлари, юлдузларнинг таъсири билан катта хавф остида турар экан, менинг дилим азбарои алаmidан, қозондаги балиқдай буръён бўлиб турибди. Менинг шу калта ақлимга шу мулоҳаза етиб қолдики, у лаънати мунажжим бошининг ўзи бу ишнинг иложини бизлардан кўра яхшироқ билур деб! У лаънати, юлдузларнинг таъсирини хабар қилгану, аммо бу таъсири қандай қилиб қайтаришнинг иложларини айтмабдур ва шу билан қиблаи оламга катта хиёнат қилибдур. Албатта у кишида бирон аблаҳ ният бор. Бу қандай гапки, заҳарнинг ўзини кўрсатса-ю, заҳарни йўқотадиган дорини айтмаса?! Ҳазрат пайғамбар буюрганларки, «кулли мунажжимин каззоб»⁴ деб. Мен бу ҳадисни албатта уларнинг илмларига эмас, шахсан ўзларига тааллуқ деб биламан. Нега десангиз, у лаънатиларнинг хуш ёки шум хабарлари кўпинча рост чиқади-ю, лекин ўзлари фирибгар ва шаллақидурлар. Қиблаи олам у кишининг ўзини чақиртирсинлар. Бу хавфли ҳодисани қайтариш учун унинг ўзидан илож сўрасинлар. Агарда у баҳона қилса калласини олиб ташлатсинлар!

¹ Но и б — ўринбосар.

² П и р аъ л а м л а р — мусулмон уламолари ўртасида энг кўп олим ҳисобланган руҳонийлар.

³ Х у т б а х о н — мачитларда жума кунлари хутба (ваъз) ўқиб берадиган руҳонийлар.

⁴ «Барча мунажжимлар алдоқчидир».

Мулла боши билан мунажжим боши ўртасида илгаридан хусумат бор эди. Энди мулла боши бу воқеани дастак қилиб мунажжим бошини ва бўлак мунажжимларнинг уйини куйдириб, хонавайрон қилиш фурсати келди, деб мамнун бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, мунажжим бошининг ўзи ҳам, афтидан, жуда аҳмоқ киши бўлган. Ахир, бўлмаса, бундай қўрқинч хабарни шоҳга билдириб, бу ғавғони чиқариш ва ўзини балага солишининг нима зарурати бор эди?!

Бу воқеа ўтиб кетгандан бир мунча кейин, мунажжим бошига бу саволни берганларида у шундай деганмиш:

— Мен шу нарсадан бад олдимки, агар шоҳга бу хабарни мен етказмасам бошқа мунажжимлар барибир етказиб қўйишлари турган гап эди. Набодо шундай бўлиб қолса, шоҳ мени нодон эшакка чиқариб, мансабдан ҳайдаб қўяр деб эҳтиёт юзасидан шу ишни қилдим.

Ишқилиб, бу совуқ хабарни олиб келганлиги учун шоҳ мунажжим бошини кўргани кўзи йўқ эди. Мулла боши уни қутқуга солмаганда ҳам барибир шоҳнинг авзойи жуда бузилган эди. У дарғазаб бўлиб, баланд овоз билан Ҳожа Муборакни чақирди. Ҳожа ичкари кириши билан унга:

— Дарҳол навкар юбориб мунажжим бошини ҳузуримга келтиргин,— деб буюрди.

Ҳожа ҳузурдан чиқиб кетгандан бир соат ўтар-ўтмас мунажжим боши шоҳ олдига кириб келди. Шоҳ уни кўргач, ғазабланган арслондай қаҳрланиб бир сакраб тушди, сўнгра тахт устида чўккалаб ўтириб қичқирди:

— Падарлаънат, юлдузларнинг балоси билан мени қўрқитиб қўйганинг нима-ю, бунинг иложини яширганинг нима?! Жаллод!..

Лаҳза ўтмай белида ханжар ва қўлида таноб ушлаган баҳайбат бир жаллод даргоҳга кириб келди. Бечора мунажжим бошининг қути учиб барг сингари қалтирай бошлади. Шоҳ жаллодга қараб:

— Обор, дарров бу итнинг бўйнидан чопиб ташла,— деб буюрди.

Сардор Замонхон, ҳарчанд, ўзи қилч аҳлидан бўлса ҳам кўп кўнгилчан киши эди, мунажжим бошининг ҳолига раҳми келиб ўрнидан турди ва шоҳга арз қилди:

— Тасаддуғинг бўлай, шоҳим, бу итнинг калласи узиб ташлангандан кейин, биз шум ҳодисани даф этмоққа кимдан ҳам илож сўраймиз. Бу камина бандангиз хоҳиш қиламанки, менинг бу оқарган соқолим ҳурмати-га уни қатл қилдириш ниятидан кечсангиз ва бу ҳодисанинг иложини ундан талаб қилсангиз. Агар унинг жавоби сизни қаноатлантирмаса, у маҳал айбдор ўлимга лойиқдир.

Шоҳ жаллодга буюрди:

— Уни қолдир, сенга жавоб.

Шоҳ энди мунажжим бошига юз ўгириб дедики:

— Малъун, фалокатнинг олдини олишга ҳозироқ илож кўрсатасан!

Бечора мунажжим боши ёмон аҳволга тушган эди. Фалокатни қайтариш учун бирон чора кўришдан ожиз эди, бироқ ўлимнинг даҳшатидан буни очиқ айтишга журъат этолмади. Пировардида ўз арзини айтди:

— Тасаддуғингиз кетай, бу ҳодисага бир илож топмоқ мумкину, лекин менга бир соат муҳлат берсангиз, токи бориб «Зичи Улуғбек»ни¹ кўриб мулоҳаза этсам, кейин қайтиб ўша иложни сизга арз қилсам..

Албатта, «Зичи Улуғбек»да, бундай фалокатнинг олдини олиш бобида ҳеч гап ёзилган эмас, аммо мунажжим бошининг мақсади, шу баҳона билан ўз устози мавлоно Жамолиддин олдига бориш ва ундан бирон маслаҳат сўрашдан иборат эди. Чунки илми нужумда² уни ўзидан кўра кўпроқ тажриба эгаси деб билар эди.

Шоҳ унга ижозат берди. Мунажжим боши шоҳ ҳузуридан чиқай деганда Ҳожа Муборак ичкарига кириб арз қилди:

— Мавлоно Жамолиддин шоҳнинг муборак ҳузурига шарафёб бўлишни хоҳлайдилар.

Шоҳ:

— Чақиргин, келсин!— деб буюрди-да, мунажжим бошига қайрилиб:

— Сен ҳам бирпас бу ерда тура тур!— деди.

Мавлоно хонага кириши билан аввало расм бўйича таъзим қилди. Шоҳнинг ишораси билан ўтириб олгач арз қилди:

¹ «Зичи Улуғбек» — машҳур ўзбек олими Улуғбек (XV аср) тузган астрономик жадвал.

² Илми нужум — юлдузлар фани — астрономия: илгари астрологияни ҳам бу термин билан юргизганлар.

— Қиблаи олам саломат бўлсинлар! Гарчи, бу банд, кексалиги важидан, даргоҳдан четга чиқиб хилватга чекинган бўлсам ҳамки, шуни айтайки, айни вақтда, яъни наврўздан ўн беш кун ўтганида Миррих билан Ақраб ўртасида яқинлашув юз бериб, бундан қиблаи оламнинг муборак зотларига катта зарар хавфи бор. Шу сабабдан мен ҳам сизнинг нуроний даргоҳингизга чиқиб бу ҳодисадан сизни барвақт хабардор қилмоқчи ва уни қайтариш учун тadbир кўрсатмоқчиман. Чунки бу ҳолат мабодо ёш мунажжимларнинг диққат назаридан махфий қолиб кетиши мумкиндир.

Шоҳ бу гапни эшитиб беҳад суюнди ва дедик:

— Мавлоно, бизлар ҳозир худди шу масалани гаплашиб ўтириб эдик. Ҳодисадан хабаримиз бор, энди сиз бунинг чорасини айтиб бering!

Мавлоно:

— Қиблаи олам, бу наҳсли айёмда, яъни наврўздан ўн беш кун ўтиб кетгунча ўзини шоҳликдан бўшатиб тахту тожини гуноҳкор ва ўлимга лойиқ бирон кишига топширсин ва ўзи эса халқнинг кўзидан ғойиб бўлиб бекинсин,— деди.— Шундай қилиб юлдузлардан келадиган фалокат ҳалиги кимсанинг бошига тушгусидир, вақтиги, шум ҳодиса юз бериб, тахту тож эгаси ҳисобланган ҳалиги гуноҳкор ҳалок бўлса, ўша пайт қиблаи олам хилватдан чиқиб яна ўз тахту тожини эгаллаб олур ва эсон-омон, иқболлик билан ҳукмронлигини давом этдирур. Аммо, халқдан бирон шахс бу ишдан воқиф бўлмагай ва подшо вақтинчагина тахту тождан кечибди деб ўйламагай. Шундай қилмоқ керакки, ўрнингизга тахтга чиқадиган гуноҳкорни халқ чиндан ҳам ўзига подшо деб ўйласин ва шу билан бирга ҳарамхона хотинларига талоқ бериб никоҳ васиқаларини йиртиб ташламоқ даркор, бундан кейин уларга, энди подшо эмас, оддий бир фуқаро бўлган Аббос Муҳаммад ўғлига эрга чиқиш таклиф қилинсин ва иккинчи марта никоҳланиб оддий турмушга ризолари сўралсин. Улардан кимки бу шартга розилик кўрсатса, Аббос Муҳаммад ўғлига иккинчи бор никоҳи ўқитилса ва агарда кўнмаса дарҳол қўйиб юборилса...

Шу билан минажжим боши хавфдан қутулди. Шоҳнинг афти-башарасида ҳам изтиробдан нишона қолмади. Бундан бир оз аввал қордек оппоқ оқарган чехрасига энди қизил югурди.

Шоҳ ҳузуридаги арбоблар мавлононинг ақлу фаро-сатига қойил қолиб, офарин дейишди. Шоҳнинг чеҳраси очилиб кетди ва у суюнган ҳолда мулла бошига хитоб қилиб сўрадики:

— Шариат ҳукмига мувофиқ жуда гуноҳкор ва ўлим-га лойиқ бир киши топилармикинки, биз шоҳликни ва тахту тожни унга ҳавола қилиб қўйсак?..

Мулла боши жавоб берди:

— Парвардигори олам қиблаи оламга узоқ умрлар бахш этсин! Ушбу Қазвин шаҳрида шундай бир ярамас киши пайдо бўлганки, бутун ер юзида ундан ҳам гуноҳкор ва ундан ҳам ўлимга мустаҳиқроқ иккинчи бир ким-са топиш асло мумкин эмас; у кишини Юсуф саррож дейдилар. Унинг қаерларда ўсиб-унганлиги ҳам номаълум. Лекин шуниси маълумки, у ҳозир Қазвин шаҳрида тургани учун ўз теварагига ҳар хил безори — чапанилардан мурид тўплаб ҳамиша муҳтарам уламони ва шариат пешволарини ёмонлагани-ёмонлаган.

Бу лаънати, ҳар доим ўз муридларига очикдан-очик: мусулмон уламолари фуқарони алдайди, деб талқин қилади. У кишининг гапига кўра, закот, имомларга садақа-назир чиқариш, диний ҳиммат гўё нотўғри эмиш; гўё уламолар, вафот бўлган пир ва шайхларнинг насихатларини фуқарога фарз эмас деб талқин қилишларининг сабаби шу эмишки, улар ўз бозорларига ривож ва равнақ истар эмишлар. Бунинг устига у, ҳатто олий давлатга ҳам тил тегиза беради. У дейдики, мамлакатда оқсоқол ва элликбошидан тортиб то подшоғача ҳамма мансаб эгалари золим ва йўлтўсарлардир. Гўёки, булардан мулк ва миллатга заррача наф йўқ; булар гўё ўз орзу-ҳавасларини ва ҳаво-ю нафсларини қондириш учун бечора халққа жарима солиб жабр ва зулм қилар эканлар. Улар халққа қилган муомалаларида ҳеч бир дастак ва қоидага бўйсунмас эканлар. Бу эса, у кишининг айтишича, фақат зулм аҳлининг ва қароқчиларнинг қиладиган ишидир. Ва яна айтишларича у таносух¹ мазҳабига мухлис эмиш. Забардаст давлатингизнинг доимо мухлиси бўлиб келган бандангиз қиблаи оламга маслаҳат берур эдимки, салтанатни ва тахту тожни бу лаънатига топширсалар, токи юлдузлардан келадиган

¹ Таносух мазҳабидаги эътиқодга кўра, жонли махлуқ ўлгандан кейин унинг руҳи бўлак бир махлуқнинг вужудида яшар эмиш.

офат билан у ўз жазосини топиб тўппа-тўғри асфала-софилинга¹ кетсин!

Мажлисида қатнашганлар ҳаммаси яқдиллик билан бу маслаҳатни ёқлаб, барала қичқиришди:

— Юсуф саррож оқпадар, қатлга сазовор ва осмон балоларига лойиқдир...

Шоҳнинг кайфи чоғ бўлиб, буюрди:

— Мен унинг ҳалок бўлишига розиман. Бу тадбир эртага тугал-тўқис амалга оширилсин...

Шоҳ мажлис аҳлига рухсат берди ва улар уйма-уй тарқалишиб кетди.

Эҳтимолки, китобхонлар бу воқеа чиндан бўлиб ўтганмикин, деб шубҳаланарлар; у ҳолда мен улардан «Тарихи оламоро»² китобида шоҳ Аббос салтанатининг еттинчи йили бобида содир бўлган воқеаларни бир ўқиб чиқишларини илтимос қилар эдим.

Энди биз, Юсуф саррожнинг кимлигини китобхонларимизга танитмоғимиз лозим.

Бу киши, Қазвин вилоятига қарашли қишлоқлардан бирида яшовчи Қарбалой Салим деган бир деҳқоннинг ўғли эди. Қарбалой Салим ўзи мўмин ва тақводор киши бўлганидан ўғлини ҳам мулла қилиб, уламолар қаторига киритишни орзу қилар эди. Шу сабабли ўғлини болалик чоғларида Қазвин шаҳрига олиб келиб мактабга берди. Бир неча йилдан кейин Юсуф саррож балоғатга етгач, ўқишни давом эттириш учун Исфаҳон шаҳрига жўнаб кетди. Бир неча йил у ерда тургандан кейин Қарбалого бориб катта олимларнинг суҳбатига ўз илмини камолатга етказди. Узоқ муддат у ерда туриб ислом илмларининг барчасидан воқиф бўлди. Лекин уламоларнинг кўп ишларида қаллоблик борлигини кўргандан сўнг, у, уламо синфидан жирканиб, бу гуруҳ қаторига киришдан воз кечди. Қарбалодан қайтиб у Ҳамадонга келди. Бу ерда у қирққа кирганида Уста Халил деган кишидан бир йил мобайнида саррожлик ҳунарини ўрганиб олди ва тўппа-тўғри Қазвинга қайтиб келди. Бу шаҳар пойтахт бўлгани учун Юсуфнинг ҳунари бу ерда кўпроқ равнақ топиши мумкин эди.

Қазвинга қайтиб келгандан сўнг у уйланиб дўкон очди ва ўз касби билан ўзини ва оиласини боқиб турди.

¹ Дўзахнинг энг пастки табақаси.

² «Тарихи оламоро» — Эрон тарихининг XVI асрига доир Искандарбек Мунши томонидан ёзилган китоб.

У, ҳалол ва покиза бир киши бўлганидан, ҳамма вақт уламолар ва мансаб эгаларининг нолайиқ ҳаракатларидан хафа бўлиб, уларни койиш ва сўкишдан тилини тия олмас эди. Бу жонкуярлик туфайли, гарчи унинг атрофига бир қанча мухлис ва хайрихоҳ дўстлар тўпланиб олган бўлса ҳам, лекин пировардида унинг бошига етган сабаб ҳам худди шу жонкуярлиги бўлди.

Эртаси кун, пешинга икки соат қолганда, шоҳнинг буйруғи билан тамоми қиборлар ва аъёнлар, давлат арбоблари, уламолар, сайидлар ва умуман элликбошидан тортиб вазиргача ҳамма амалдор ва тўралар шоҳ даргоҳида ҳозир бўлди, ҳар ким ўзига тайинланган ўринда туриб, подшоҳнинг чиқишига мунтазир эди. Шу пайтда бошига тож кийган, қўлига асл гавҳарлар билан безалган ҳасса олган, тирсакдан юқори жавоҳир ҳалқалар таққан, белига камар ва дастасига қиммат баҳо тошлар қопланган қилич осган подшо пайдо бўлди ва қабулхонасида ердан бир газча баланд бўлган ҳамда олд томони бус-бутун очиқ, пардасиз тахтга чиқди. У тахтда ўтириб олгач, қабулхонадаги кишиларга қараб хитоб этди:

— Жамоат, олти йилдан бери мен жаноби ҳақ таолонинг инояти билан сизларга подшо бўлиб келаётирман ва қўлимдан келганича сизлардан ҳар қайсингизга илтифот ва марҳамат кўрсатганман, мен ўзим ҳам сизлардан ғоят рози ва хушнудман. Чунки Сафавия хонадонига бўлган ихлосингиз юзасидан ҳамиша менга садоқат кўрсатиб келдиларинг. Эндиликда, сизларга айтилиши мумкин бўлмаган баъзи бир сабабларга кўра, мен подшоликдан воз кечиб, тахту тожни бу ўринга ўзимдан кўра лойиқроқ бўлган кимсага ҳавола қилишга мажбурман. У кишини сизларга мулла боши ва сардор Замонхон ва вазир ва муҳрдор ва мавлоно Жамолиддин ва мунажжим боши кўрсатгайлар. Ҳозир жамъан ҳаммаларинг бориб дабдаба ва тантана билан у кишини олиб келиб, бу тахтга ўтқазинглар ва уни ўзларингга подшо деб билиб, унга итоат қилинглр! Лекин, менинг фармойишимга бўйсунмай, у кишига итоат этишда саркашлик қилган шахсларнинг ҳолига вой!

Шоҳ сўзини тамом қилиши биланоқ тожни бошидан кўтариб тахтнинг устига қўйди-да, барча қиммат баҳо либосларини ечиб, қилич ва камарини белидан олиб

қўйди, сўнгра эгнига жулдур бир кийим кийиб олиб халққа қараб шундай деди:

— Энди мен ҳам халқ ўртасидаги камбағал фуқаролардан биттаси... Мен энди Муҳаммад шоҳнинг ўғли шоҳ Аббос эмас, балки Аббос Муҳаммад ўғлиман. Бундан кейин мени қидира кўрманглар, чунки барибир тополмайсизлар. Худо сизларга посбон, хайр!..— деб шоҳ тахтдан тушди ва ҳарамхонага қараб жўнаб кетди. Мажлис аҳли ҳайрон бўлиб қолди. Одамлар бу гапнинг мағзини чақолмай, ёқаларини ушлаб турар эдилар.

Ҳарамхонадаги барча хотинлар шоҳнинг буйруғи билан бир хонага йиғилиб олиб, унинг қадам ранжида қилишига интизор эдилар. Шоҳ эски кийимда ўша хонага кириб келди. Ҳарам жононлари уни бу қиёфада кўргач, хохолаб қулиб юборишдан ўзларини зўрға тийиб қолдилар. Шоҳнинг ҳайбатли кўриниши, важоҳати хонимларни жим бўлишга мажбур этди. Шоҳ ўша заҳоти Хожа Муборакка буюрди:

— Мулла Расулни икки ўртоғи билан чақириб кел!— Муллалар ташқарида аллақачонлар шоҳнинг фармони ни кутиб турмоқда эдилар; улар ҳузурга киришлари билан шоҳ муллаларга ўтиринглар деб ишора қилди. Сўнгра юзини хонимларга ўгириб шундай деди:

— Менинг азиз ҳамфирошларим!¹ Мен кўп афсуслар билан сизларга ёмон бир хабар етказишга мажбурман. Сизларга маълум бўлсинки, бу дамдан эътиборан мен Эроннинг подшоҳи эмасман, ортиқ менинг хазинам ва давлатим йўқки, сизларни бундан буён аввалгидек зебу зийнат ичида ва данғиллама хоналарда боқиб турсам. Мен энди эл қатори фақир ва йўқсил бир инсонман. Шу вайдан сизларга талоқ бериб, ҳаммангизни қўйиб юборишга мажбурман. Ундан кейин кимга майлингиз бўлса, ўшанга тегасиз, ихтиёр ўзларингизда!..

Шундан кейин Мулла Расулга қараб буюрдики:

— Буларнинг талоқ сифасини² ўқиб бер!

Мулла Расул ўз ёнида турган адлайн³ ҳузурда хонимларнинг талоқ хатларини ўқиб берди.

Ҳарам гўзаллари қандайдир бир ғалати воқеа юз

¹ Ҳ а м ф и р о ш — луғавий маъноси ётоқдош демакдир. Шоҳ ўз хотинларини пардалик қилиб шундай атайди.

² Талоқ қоғози.

³ Никоҳ ва талоқда гувоҳ бўлиб турган икки киши.

берганини кўриб безовта бўлиб қолдилар. Улар воқеанинг туб сабабидан беҳабар бўлганлари учун, бу нима гап, деб ҳайрон бўлиб анқайиб туришарди.

Талоқ хати ўқилгандан кейин, шоҳнинг амри билан Хожа Муборак хонимларнинг никоҳ васиқаларини йиртиб ташлади. Шоҳ иккинчи бор ҳарам гўзалларига мурожаат қилиб деди:

— Сизлар қайси бирингиз, агар оддийгина турмушга кўниб мени, яъни Аббос Муҳаммад ўғлини эр деб қабул қилсангиз, унга янгидан шу қоида билан никоҳ сиғаси ўқиттираман.

Ҳарамлардан жуда кўпи шоҳга янгидан никоҳли хотин бўлишга ризо бўлдилар. Чунки шоҳ ёш ва чиройли йигит эди, бунинг устига, ҳарамлар бу воқеани ҳазил деб ўйлашарди ва шоҳ Аббоснинг қўққисдан Аббос Муҳаммад ўғлига айланишига уларнинг ақллари бовар қилмас эди... Аммо улар ўртасида икки гўзал дилбар ўз хоҳишлари билан шоҳнинг саройига келган эмас эдилар. Улар хижолат тортиб интичка товуш билан арз қилдиларки:

— Биз подшонинг ақди-никоҳига кириб, ўз бахтимиздан ва мартабамиздан хурсанд бўлган эдик; модомики энди бу бахтдан маҳрум бўлиб қолибмиз, Аббос Муҳаммад ўғлига эрга тегишга рози эмасмиз!

Бу икки хонимга дарҳол кетишга рухсат берилди. Булардан биттаси гуржи қизи эдики, уни Гуржистон ҳокими шоҳга армуғон қилиб юборган эди; ўша куннинг эртасигаёқ, у ўзига тааллуқли барча жаваҳирларини, кийим-кечакларини ва анчагина пулни олиб ўз амакиваччаси билан бирга ватанига жўнаб кетди.

Гуржистонда унинг гапига ишонмай, Қазвиндан қочиб келибди, деб гумонсираган ва мажбуран яна у ёққа юборишга жазм қилган эдилар. Аммо, билмайман, негадир, кўп ўтмай уни эсдан чиқардилар. Охири, бу қиз ёш бир гуржи йигитига эрга тегиб, умрбод Гуржистонда қолиб кетди.

Иккинчи дилбар қазвинлик савдогарнинг қизи бўлиб, хушсўймо бир йигитнинг унашиб қўйилган қайлиғи эди; қиз ғоят ҳуснли бўлгани учун, беҳосдан шоҳнинг айғоқчилари унинг таърифини шоҳга етказган ва шу сабабдан бу қиз ҳам отасидан талаб қилиниб ҳарамхонага келтирилган эди; у ҳам фурсатдан фойдаланиб отасиникига қайтди ва ўз йигити билан қовушди.

Қолган хонимларнинг никоҳи қайтадан Аббос Муҳаммад ўғлига ўқилди. Уларни Қазвиндаги Олтинчи кўчанинг бошидаги бир уйга яёв олиб бориш Хожа Муборакка топширилди. Ундан кейин Хожа Муборак шоҳ саройига қайтиб, ўз хизматини давом эттириши керак эди. Аббос Муҳаммад ўғли эса ҳарамхонадан чиқиб кўздан ғойиб бўлди.

Юсуф саррожнинг дўкони Шоҳ мачит майдонининг кунчиқар томонида жойлашганди. Тушдан икки соатча ўтган. Юсуф саррож намози пешинни ўқиб бўлиб, қўлидаги жиловни тикиб битирай деб шошилаётган эди; чунки мижоз албатта шу бугун жиловни тайёр қилишни унга тайинлаб кетган эди. Улфатларидан иккитаси унинг суҳбатига қулоқ солиб, ёнида ўтиришарди. Юсуф саррож қимматчиликдан шикоят қилиб камбағал кишиларнинг ўша йили кўп қийналганини гапириб турган эди. Дарвоқе, ўтган йил қурғоқчилик юз бериб, Қазвиннинг атрофида сув камоб бўлгани учун ҳосилнинг кўп қисми қовжираб кетган эди. Юсуф саррож дер эдики:

— Ҳайронман, Қазвинга сув чиқариш учун минг хил имконга эга бўлса ҳам, давлат бу ишга қизиқмайди ва ўз фуқаросининг аҳволига ҳамда пойтахтнинг ободонгарчилигига асти эътибор қилмайди...

Худди шу пайтда майдоннинг кунботар тарафидан булутсимон чанг кўтарилиб келаверди. Сўзан билан ишлаб турган Юсуф саррож бошини кўтариб қаради. У бир оломоннинг келаётганини кўрди-ю, бироқ бу тўполоннинг ўзига тааллуқли эканини хаёлига ҳам келтирмади. Ҳаммадан олдин бошларига тўрт қирра бўрк қўйган эпчил қиёфали ўн икки чопар; орқадан қўлларида рангоранг яловлар кўтарган ўн икки яловбардор, улар кетидан бир тўда ҳудайчилар келаётган эди, булардан биттасининг бошида баркаш бор эди. Яна булар орқасидан қўлларида таёқ ушлаган миршаблар гуруҳи, улар кетидан эса мирохур¹ йўртиб келмоқда эди. Мирохур битта туркман арғумоғини ётаклаган, отнинг сағрисида жавоҳирот билан зийнатланган эгар, бошида зийнатли юган, тўшида марварид синабанд, бўйнида зумрад сочоқ бор эди...

¹ М и р о х у р — подшолар саройида бош отбоқар.

Булар ортидан мулла боши, сардор Замонхон, вазир, муҳрдор, мавлоно Жамолиддин ва муножжим боши ҳамда мўътабар уламолар, улуғнасиб сайидлар ва бошқа киборлар, аслзодалар, арбоб-тўралар пиёда ва отлиқ сипоҳийлар билан бирга вазмин ва дабдабали келаётган эдилар...

Бутун бу карвон Юсуф саррожнинг дўкони олдига келиб тўхтади. Мулла боши ва сардор олға чиқиб Юсуф саррожга таъзим қилдилар. Юсуф саррож ўрнидан туриб уларни ҳурмат ва иззат билан қарши олди, лекин ўзи бу манзарадан ғоятда таажжубланган эди... Мулла боши сўз бошлади:

— Тақдирнинг тақозоси ва замоннинг зайли билан уста Юсуф, сиз бугун бизнинг подшоҳимиз бўлдингиз! Эроннинг салтанати — тахти эндиликда Шоҳ Аббоснинг вужудидан холидур. Бизларни бахтиёр қилинг, шоҳнинг саройига ташриф буюриб борингки, у ерда сизни тахтга чиқариш маросимини ўтказайлик!

Юсуф саррож бу воқеага сира тушунмай гангиб қолди. Унинг рўпарасида бутун давлат арбоблари қўл қовуштириб турган эди. Ахир, бу гапларни унга талқин қилаётган киши: мулла боши — Эронда энг забардаст шахслардан бири ҳисобланади. Юсуф саррож шу одамларни кўриб турган бўлса-да, ўз кўзига ишонгиси келмас эди. Пировардида шундай деди:

— Тақсирим, мулла боши! Мен жанобингизни Эронда энг инобатли кишилардан бири деб ҳисоблайман; сизга нима бўлди, ақлдан оздингизми ёки наша чекдингизмики, менинг бетимга шу хил нобоп сўзларни айтяпсиз?! Мен бир камбағал саррож бўлсам, тақсир, мен қайда-ю тожу тахт қайда?.. Худо ҳақи, сизнинг бу ҳаракатингизни нима деб таъбир қилишимга ҳайронман!.. Бошим қотиб қолди. Сиздан ожизона илтимосим шуки, мени майна қилмасангиз!

Сардор Замонхон ўз навбатида сўз бошлади:

— Уста Юсуф, сен шу пайтнинг ўзида қиблаи оламсан, бизлар бўлсак баримиз сенинг қулинг ва пой остонанг кучукларимиз. Бизга ялиниб илтимос қилиш сенга муносиб эмас; сен шоҳона фармойишлар беришга ҳақлисан. Биз на жинни бўлибмиз ва на банг чекибмиз, ҳаммамизнинг ақлимиз жойида, фаҳми етук инсонлармиз. Аммо, нима қилайликки, биру борнинг ёзган тақдирини ўзгартириб бўлмайди. Бугун бутун Эрон мулкида барча

халойиқ сенинг шоҳлигингни қабул қилибдур. Мулла бошининг айтганидай, шоҳ саройига ранжида қадам қилиб ташриф буюрилса, токи у ерда тахтга чиқиш маросимини ўтказсақ, деймиз.

Бундан сўнг у, хизматда турган тўртта ҳудайчига қараб дедик:

— Шоҳона тўнни келтириб қиблаи оламга кийгизиб қўйинг!

Ҳудайчилар қўлларига баркашни олиб,— баркашга шоҳона тўнлар тахлаб қўйилган эди, — дўкон олдига келдилар. Баркашни ерга қўйиб Юсуф саррожнинг эски кийимларини ечдилар ва унга шоҳона тўнни кийгиза бошладилар.

Энди қаршилиқ кўрсатиш фойдасиз эди. Юсуф саррож ўзини уларнинг ихтиёрига ташлаб донишмандларнинг хоҳишларига итоат этди. Шоҳона либосларни кийгизиш тамом бўлгач, мирохур қиммат баҳо юганли аргумоқни ҳузурига олиб келди. Юсуф саррожни отга миндирдилар, оломон бояги тартиб билан шоҳ дарборига юзланиб йўлга тушди. Ҳудайчиларнинг кўча-кўйларда: «Беравид! Беравид!»¹ садолари осмонга кўтарилди. Қазвин аҳли: эркак ва аёл, катта ва кичик деразалардан қараб, томларнинг устига чиқиб томошага берилди ва ҳодисадан беҳабар бўлгани учун ҳанг-манг бўлиб қолди.

Шоҳ дарборининг эшигида навкарлар Юсуф саррожни отдан тушириб олдилар. Мулла боши ва сардор Замонхон уни қўлтиғидан тутиб таъзим ила иморатнинг ички хоналарига олиб кирдилар ва салтанат тахтига чиқазиб ўтирғиздилар. Давлатнинг улуғлари — уламолар, сайидлар, аслзодалар, амалдорлар ва тўралар қабулхонанинг ўртасида қўл қовуштириб, камарбасталик қилиб турардилар. Мулла боши дуо ўқиб шоҳлик тожини Юсуф саррожнинг бошига қўйди: зийнатли қилични ва камарни белига боғлади, жавоҳиротли ҳалқаларни тирсакдан юқори тақиб қўйди, боши думалоқ ҳассани қўлига тутқизди ва яна бир марта дуо ўқиб халққа қараб дедик:

— Муборакбод қилинглар! — «Муборак бўлсин!» нидолари билан кўтарилиб боргоҳнинг¹ шифтларига ва

¹ «Беравид! Беравид!» (форсча) кетинг, кетинг маъносида бўлиб, «пўшт, пўшт!» нидосига тўғри келади.

² Боргоҳ — саройнинг катта зали, қабул ва тантана учун тайинланган уй.

деворларига урилди ва акс садоси тўлқинланиб иморатни ларзага солди. Карнайлар шодиёна бир куйни чапишга бошладилар. Шу пайтда шоҳ саройидан осмонга бир мушак узилди. Шундан сўнг шаҳардан ташқаридаги қалъа замбаракларидан бир юз ўн битта шодиёна ўқи отилди.

Ҳарчанд Саъдий ва Ҳофиздан кейин Эронда шеър фоятда тушкинликка учраб, шоирларнинг шеърлари бошдан-оёқ мазмунсиз ва қуруқ сўз ўйинига айланган бўлса ҳам, худого шукур, шу пайтда, бир неча дуру гавҳар шоир пайдо бўлди. Булар шоҳнинг тахтга чиқиши муносабати билан дарҳол бир неча порлоқ қасидалар тўқидилар. Бу қасидаларда Юсуф шоҳнинг тахтга чиқишини олқишладилар, унинг ўзи эса доноликда — Сулаймонга, сахийликда — Ҳотамга, ботирликда — Рустамга, қудратда — фалакка ўхшатилди. Юсуф шоҳнинг тахтга чиқиш тарихини Қазвин шоирлари қуйидаги байт билан бердилар:

Шахи ҳубон набуд Юсуф мо,
Лек у шоҳи мулки Эрон шуд¹.

Барча маросим адо бўлгандан кейин мулла боши халққа қараб:

— Сизларга рухсат!— деб эълон қилди.

Ҳамма шоҳ саройидан чиқиб тарқала бошлади. Бу ерда фақат тахтда ўтирган Юсуф шоҳ, унинг хизматида турган Хожа Муборак, бир неча ҳарам оғалари, ҳудайчи боши Азимбек, бир неча навкар ва яна қабулхонадан ташқарида юрган сипоҳийлар қолди, холос.

Юсуф шоҳ ҳайрат ичида чуқур ўйга ботди. Бир неча дақиқадан сўнг Хожа Муборакка қараб сўради:

— Сиз ким бўласиз?

Хожа Муборак:

— Биз сизнинг ихлосманд қулингиз, ҳарам оғалари бўламиз,— деб жавоб берди.— Ҳарам оғаларининг каттаси мен бўламан, булар эса, менга қарашли хизматкорлардир.

Юсуф шоҳ ҳудайчиларга қараб савол берди:

¹ Байтнинг мазмуни:

Гарчи бизнинг Юсуфимиз гўзаллар шоҳи бўлмаса-да, у Эрон мулкининг шоҳи бўлди.

— Хўш, сизлар ким бўласизлар?

Азимбек ҳудайчи боши таъзим билан жавоб берди.

— Бизлар, сизнинг тубан хизматчиларингиз, ҳудайчилар бўламиз. Мен буларга бошлиқ, булар эса менга қарам.

Юсуф шоҳ яна сўради:

— Ҳув анави ташқарида кўринаётганлар ким?

Азимбек:

— Улар ҳам хизмат учун доимо тайёр турган навкарлар бўладилар,— деб жавоб қилди.

Юсуф шоҳ буюрди:

— Сиз ҳам ташқарига чиқинг! Хожа Муборак, сенга қарашли кишилар ҳам эшикка чиқиб турсинлар! Хожа сен, битта ўзинг қол!

Ҳамма эшикдан чиқиб ғойиб бўлгач, Юсуф шоҳ Хожа Муборакни яқинига чақириб олиб айтди:

— Афти-башарангдан дуруст одамга ўхшайсан. Азбарои худо, менга тўғриси айтиб бер: бу воқеага сабаб ўзи нима? Сен ҳамини Шоҳ Аббос саройининг ичкарисида юрган кишисан. Бу воқеанинг ички сири менга маълум эмас, деб айтолмайсан...

Хожа Муборак, дарвоқе кўп софдил ва содиқ бир киши эди. Қиблаи оламдан ҳақиқатни яшириш яхши бўлмаса керак. У, Шоҳ Аббос чақирган маҳалда дарҳол «лаббай» деб, хизмат қилиш учун шоҳ ўтирган қабулхонанинг эшиги орқасида кутиб турар эди. Шунинг учун ҳам кечаги кунда юз берган барча воқеаларни ва кенгаш аҳлининг ўзаро суҳбатларини тўла эшитиб, бутун аҳволдан хабардор бўлган эди. У бу ҳодисани тўла-тўқис Юсуф шоҳга ҳикоя қилиб берди.

— Хўш, Шоҳ Аббос ўзи қаерга кетиб қолди?

Хожа Муборак:

— У бир гадоё қиёфасида зим бўлиб кетди. Қаерда эканлиги номаълум,— деб жавоб берди.

Юсуф шоҳ ақли расо киши эди. У юлдузлардан сира ҳайиқмасди. Аммо, бу тахлит фавқулодда юксакликка кўтарилиш, унинг дилида аллақандай ғашлик туғдирган эди. Охири, шунча жамоат ўтиниб турганда салтанатдан воз кечмоқни ўзига эп кўрмади. Истар-истамас салтанат ишларини бошқаришга мажбур бўлди. Энг аввал навкарлар бошлиғи Асадбекни чақиртириб олди. Унга буюрдики:

— Дарҳол ўн иккита навкарни ўзинг билан бирга

олиб, мулла боши Охунд Самадни, сардор Замонхонни, вазир Мирза Муҳсинни, муҳрдор Мирза Яҳёни, мунажжим боши Мирза Садриддинни ва мавлоно Жамолиддинни қамаб, Арк тагидаги зиндонга ташлаб қўй, ундан сўнг олдимга қайтиб келиб буйруқларимни ижро қилишга ҳозирланиб тур.

Асадбек таъзим қилиб чиқиб кетди. Бундан сўнг ҳудайчи боши Азимбекни чақиртириб унга буюрди:

— Айтинг, менга кечки овқат тайёрлаб берсинлар. Кун бўйи ҳеч нарса еганим йўқ.

Ҳудайчи боши:

— Айтиб қўйганман, ошпазлар сизга кечки овқат тайёрлаётibdилар,— деди.

Шоҳ яна буюрди:

— Бўлмаса, сен ва Хожа Муборак келинларнинг хоналарини ва ҳарамхонани бирма-бир менга кўрсатиб, дам олиш хонасини ҳам тайинлаб қўйинглар.

Ҳудайчи боши ва Хожа Муборак олға тушиб ичкаридаги хоналарни бирма-бир Юсуф шоҳга кўрсата бошлади.

Улар кирган биринчи хонага алвон гиламлар ёзилган, девор ва шифтлари ажойиб гул, гиёҳ ва қуш расмлари билан нақшланган эди. Иккинчи хона ҳам шу тахлит ясатилган, деворларига эса сафавийлар хонадонидан ўлиб кетган подшоларнинг ва атоқли шаҳзодаларнинг суратлари солинган эди. Учинчи хонанинг деворларига Эроннинг илгариги сулолаларидан чиққан шоҳларнинг суратлари нақш этилганди. Тўртинчи хонанинг деворларида «Шоҳнома»да куйланган қадимий Эрон паҳлавонлари билан Мозандарон девлари ўртасидаги жанглар тасвирланган эди. Девлар шоҳли ва думли қилиб тасвирланган, баҳайбат эди. Бешинчи хонанинг деворларида шоҳ Исмоил Сафавий¹ билан бўлак ҳукмдорлар ўртасида ўтган жангларнинг расми солинган эди.

Ҳарамхонадаги уйларнинг ҳаммасида ҳам деворларга қизлар ва йигитларнинг суратлари чизилган эди, бундаги расмларда йигитлар қизларга гулдасталар тутар, қизлар эса, йигитларга пиёлалар узатиб турар эди. Ҳар бир хонада ётоқ анжомлари тайёр эди!

¹ *Исмоил Сафавий* — Бу ҳикоянинг қаҳрамони Шоҳ Аббоснинг бобоси (XVI асрда ҳукм сурган)дир.

Юсуф шоҳ ҳарамхонадаги уйлардан биттасини ўзи учун тайинлаб қўйди ва Хожа Муборакдан сўради:

— Ҳарамларнинг зебу зийнат қўядиган уйлари, пардозхоналари қайси?

Хожа Муборак:

— Нариеқдаги хона,— деб жавоб қилди.— Лекин унинг эшиги берк. Қалити хазинадор Оға Ҳасаннинг қўлида сақланади.

Шоҳнинг буйруғи билан ҳудайчи боши дарҳол хазинадорни топиб олиб келди. Пардозхонанинг эшигини очиб, шоҳга кўрсатдилар. Бу каттагина бир хона эди. Хонанинг тўрт томонида девор бўйлаб қатор сандиқлар қўйилган эди. Сандиқларнинг қопқоғини кўтаришиб кўрдилар. Бу сандиқлар ичига қаланган ажойиб зебу зийнатларни шоҳга кўрсатдилар. Шу буюмлар қаторида кўп қиммат баҳо кашмирий шоллар, нафис хоним кўйлаклари, асл шоҳий матолар, қимматли тош ва жавоҳиротдан ясалган гуллар, зираклар, узуклар ва шодашода дурдоналар бор эди. Шоҳ уларни томоша қилиб чиқди.

Юсуф шоҳнинг уч қизи бор эди. Булардан каттаси — ўн тўрт; ўртанчаси — ўн икки ва кичкинаси саккиз ёшларда бўлиб, яна олти ва тўрт яшар иккита ўғли ҳам бор эди. Қизларидан ҳар қайсисига биттадан гавҳар гул, бир жуфтдан зирак, биттадан узук ва биттадан дуршодаси, либослар ва кашмирий рўмоллардан ажратиб олиб, Хожа Муборакка топширди ва унга тайинлади:

— Бу совғаларни олиб бориб, Қазвиннинг иккинчи кўчасида менинг собиқ уйимда турувчи хотинимга етказгин. Унга айтиб қўй, мендан хавотир емасин. Эртага албатта ўғилларимни ҳузуримга юборсин.

Хожа Муборак ҳамма буюмларни икки навкарга кўтартириб, тайинланган кўчага қараб жўнаб кетди.

Шу маҳал офтоб аста-секин ботиб, кеч кириб қолди. Ҳудайчи бошининг таклифи билан шоҳ биринчи хонага қайтиб келди. Олтин шамдонларда шамлар ёниб турар. дастурхонлар ёзилган эди. Шоҳ дастлаб таҳорат олиб «намози шом» ва «намози хуфтон» ларни ўқиб бўлди. Ундан кейин дастурхонга ўтирди. Ҳудайчилар хилма-хил таомлар олиб келиб дастурхонга қўйдилар. Шоҳ овқатлардан еб тўйгач, дастурхонни йиғиб олдилар. Офтоба дастшу олиб келинди. Шоҳ қўлларини ювиб, келтирилган қаҳвадан ичди, чилим чекди.

Шу маҳал навкарлар бошлиғи Асадбек ичкари кириб, шоҳнинг буйруғини батамом бажарганини айтди. Шоҳ унга қараб:

— Жуда соз бўлибди, — деди, — энди сенга рухсат!

Кўп ўтмай Хожа Муборак ҳам қайтиб келиб, юборилган буюмлар эгаларига топширилганини билдирди ва илова қилиб шундай деди:

— Шоҳнинг хотини ва қизлари юборилган совғаларга ғоятда хурсанд бўлдилар. Улар энди шоҳ ҳақида хавотир олиш у ёқда турсин, балки бу кутилмас воқеадан беҳад севиндилар ва қувонганларидан териларига сиймай қолдилар.

Шоҳ ўз бола-чақаси тўғрисида хотиржам бўлиб кўнгли тинчиди. У Хожа Муборакдан ва ҳудайчи бошидан бир қанча масалаларни суриштириб билиб олди. Кеч қирган пайтдан тўрт соат ўтганда, шоҳ ўрнидан туриб ётоқхонасига келди. Унга ўрин солиб бердилар.

Шоҳ ҳудайчи бошига буюрди:

— Миршабларга айтки, илгариги расм бўйича ҳамма қоровулхоналарга посбонлар қўйилсин.

Шундан сўнг, шоҳ ўз ётоғига кириб ётди. Ҳудайчи боши ва Хожа Муборак унинг ҳузуридан чиқиб, ўзлари тайинланган жойларга жўнаб кетишди.

Эртасига Юсуф шоҳ қабулхонага келиши биланоқ ўзининг энг ишончли дўстларидан мулла Рамазонни, Қурбонбекни, Мирза Жалилни ва Мирза Закини чақиртириб олди. Улар шоҳ ҳузурига келгач, Юсуф шоҳнинг фармони билан муллабошилик мансабига — мулла Рамазон; сардорликка — Қурбонбек; вазирликка — хонлик унвони билан Мирза Жалил; муҳрдорликка Мирза Заки тайин қилинди. Мунажжимбошилик лавозимини эса, шоҳ миллатга ва давлатга зарарли лавозим деб, бекор қилди. Шоҳнинг буйруғи билан барча вилоятларнинг ҳокимларига юборилган ахборот ва дастурларда: «Бу кундан эътиборан шариатнинг ҳукмидан ва ижозатидан ташқари бирон мусулмонга жазо бериш, ўзбошимчалик билан бирон кишига жарима солиш, бирон кишини қатл қилиш ва ё бурни, қулоғини кесиш, кўзини ўйиш каби қабих ишларга сира йўл қўйилмасин» дейилган эди. Бу йўлланмалардан бошқа ҳар вилоятга ишончли назоратчилар тайинланди, буларнинг вазифаси бориб вилоятларнинг аҳволини ва халқнинг эҳтиё-

жини суриштириб билиб келиб, ҳукуматга маъруза қилишдан иборат эди.

Бу назоратчиларни Юсуф шоҳ ўз ҳузурига чақиртириб олиб, уларга шундай деди:

— Вилоятларнинг ҳокимларини менинг томонимдан огоҳлантириб қўйингларки, улар худодан қўрқсинлар! Ноҳақ иш қилмасинлар, халқ мулкани талон-торождасинлар, пора олмасинлар, шуни билиб қўйсинларки. Бу хил бадкирдор ҳаракатларнинг оқибати улар учун кўп ёмон бўлур. Улар ўзлари ҳам тажрибада қайта-қайта кўрганларки, ҳаромлик билан дунё ва давлат йиғиб олган одамлар пировардида ўз бошларидан ажраганлар ёки оғир бахтсизликка йўлиққанлар — гадоё ва қашшоқ бўлиб ўлганлар. Эронда бу тариқада давлат тўплаган хонадонлардан ҳеч қайсиси бу давлатнинг роҳатини охиригача кўрган эмас. Қани дамғонлик Жаъфар хоннинг олтинлари? Қани шерозлик Мирза Тақининг мулклари? Эрон подшоҳларида доимо шундай бир одат борки, бирон мансабдор кўп давлат йиғиб олибди деб эшитсалар, дарҳол бирон баҳона билан уни сиқиштира бошлайдилар ва қўлидаги бор-йўқ нарсани қоқиб олиб, кафангадо қиладилар ёки ўзини ҳалок қиладилар. Бу бобда вилоят ҳокимлари зулукларга ўхшайдики, улар қонни сўриб-сўриб шишиб қолгач, эгалари уларни сиқиб сўрган қонларни қустирадилар. Бир хиллари ўлиб кетади, бошқаларни эса, заиф ва рамақи жон бўлиб қолади. Аммо, ҳокимлар инсофли бўлиб ўз ҳалол насибаларига қаноатлансалар, ўз даражаларида барқарор, халқ назарида азиз ва султонлар олдида ҳурматли бўлурлар, мартабалари кундан-кунга кўтарилур.

Бу гапларни талқин қилгандан сўнг, шоҳ назоратчиларга рухсат берди. Бу тадбирнинг кетидан у солиқ ва бож-хирожни енгиллаштирди ва шундай фармойиш чиқарди: Ҳамма ёқда йўллар тузатилсин, керакли ўринларда ҳам манзилларда кўприклар ва карвон саройлар солинсин; ҳар бир вилоятда касалхоналар ва мадрасалар очилсин, сувсиз ерларга сув чиқарилсин, етм-есирларга, чўлоқ-майибларга, кўрларга кўмак ва ҳомийлик қилинсин, ҳар бир бебош муттаҳамнинг ўзини уламо деб юришига йўл қўйилмасин. Уламо гуруҳига кирмоқчи бўлган киши мулла бошидан ижозат олгандан кейингина шу унвонни олиши мумкин. Ҳар жойда уламолар сони

халқнинг эҳтиёжига кифоя бўлган даражадан ошмасин, барча уламоларга тирикчилик учун етарли маош шоҳ хазинасидан ажратиб берилсин, токи уламолар салтанатга қарам бўлиб, ўз хизматлари учун зулмкорлардан мукофот кутмасинлар, қозихона-адлия ишлари уламонинг қўлидан олиниб тўғри ва инсофли амалдорлар ихтиёрига берилсин, миллат бу хусусда уламога мурожат қилмасин ва салтанат қонунларига риоя этсин. Шаръий солиқлар ҳамма жойда тўртта тўғри кишига ҳавола қилиниб, рўйхат бўйича вилоятнинг камбағалларига сарф қилинсин ва бу хусусда девонга¹ ҳисоб берилсин, токи шаръий солиқлардан тушган киримлар муҳтож кишиларга баробар улашилсин. Хумс² ва имом моли³ тўланмасин, токи, пайғамбар авлоди тиланмоқ шармандачилигидан қутулиб, бўлак одамлардай ўз касб қорлари билан кун кўрсинлар.

Бу ҳақда мўътабар уламолар Юсуф шоҳга фикҳ⁴ китобларидан тегишли ҳукмлар топиб кўрсатдилар ва вилоятларга юборилган қўлланмаларда: «Бундан кейин ҳеч ким шоҳга, давлат арбобларига ва даргоҳ ходимларига совға беракўрмасин ва пояндоз солмасин ва ҳеч ким тортиқ қилиб амал олмасин,— деб уқтирилди.— Юксак амалга эришмоқнинг тўғри воситаси, давлатга ихлос ва садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи эканлиги тўраларга тушунтирилсин. Девонга тааллуқли бўлган молия маблағлари ҳар вилоятда ишончли кишиларга топширилиб, хазина номи билан сақланиб турилсин; салтанатнинг харажати ҳисоб-дафтар бўйича кузатилиб турилсин, зарурият туғилган чоғда, маҳаллалардаги хазиналарга ҳавола қилинсин; давлатнинг бировга бўлган қарзини солиқ йўли билан фуқародан ундириб олиш усули бус-бутун тақиқлансин».

Салтанатнинг даромадларини кўпайтириш мақсадида шоҳ шундай қарор чиқарди: савдогарлар, бекзодалар, шаҳзодалар, ҳатто уламолар, сайидлар ва халқнинг бўлак синфлари ўз мулкларидан келадиган даромад-

¹ Девон — ҳукуматнинг бош маҳкамаси.

² Хумс — йиллик даромаднинг бешдан бир қисми миқдоридан тўланадиган диний солиқ.

³ Пайғамбар Муҳаммад авлодига (сайидларга) тўланадиган солиқ.

⁴ Фикҳ — диний қонун-қоидалар ҳақидаги таълимот.

дан шаҳарларда ўндан бир, қишлоқларда эса, йигирмадан бир қисмини хазинага тўласинлар. Қўшин аҳлининг ва барча хизматчиларнинг маошлари сира тўхтагилмасдан тўлаб турилсин, чунки бу салтанатга иснод келтиради. Бинобарин, вилоят ҳокимлари маошларни ҳеч бир тўхтовсиз вақти-вақтида тўлаб турмоғи лозим.

Сотиладиганни мулкларнинг баҳосидан ҳам хазинанинг нафига ҳар тумандан¹ беш шоҳи² пул ушлаб қолинсин; катта пулдорлар бировга қарз бериб, уларнинг мулкларини гаров тариқасида арзон нархга сотиб олишларига имкон берган қоидалар бекор қилинсин. Чунки пулдорлар эҳтиёжига тушган киши гаровга қўйган мулкни муҳлатида қайтириб олишга ожизлик қилишини ва шу билан ўша мулк арзимас баҳо билан қарз берган пулдорнинг моли бўлиб қолишини яхши билади.

Мирохур ёз фаслида подшолик йилқиларини яйловга ҳайдатганда теварак-атрофидаги халойиқ бошига кўп заҳмат ва жафолар туширади, уларни босиб талайди; тўпхона беги тўпчиларнинг ҳаммаси учун хазинадан маошларни ўзи олади-ю, лекин бундан улар қўлига сариқ чақа ҳам тегмайди; хазинадор шоҳлик ақчалар ичига кўпгина қалбаки пуллар қўшиб халққа тарқатади; Қазвиннинг бекларбегиси³ халқдан ҳадсиз кўп пора олади, доруға⁴ бадавлат кишиларга юзхотирлик қилиб, уларнинг ёнини олади. Буларнинг ҳаммаси Юсуф шоҳга маълум эди.

Маҳалла оқсоқоллари ва элликбошилар Қазвиннинг кўчаларини жуда ифлос тутар эдилар. Шоҳ буларнинг барчасини ҳайдатиб, ўринларига шу ишга лойиқ кишиларни тайинлади.

Арkning зиндонида ўтирган мулла боши Охунд Самад ўзининг рақиби бўлган Мулла Рамазон унинг мансабига тайин қилинганини зиндонбондан эшитгач, шундай изтиробга тушдики, дарднинг шиддатидан юраги ёрилиб тўсатдан ҳалок бўлди.

Юсуф шоҳ яна Қазвиннинг кўчалари кенгайтирилсин ва йўловчилар қўққисдан қудуқларга тушиб кетмаслиги

¹ Т у м а н — тахминан икки сўмга тенг пул.

² Ш о ҳ и — бир мири.

³ Б е к л а р б е г и — пойтахтнинг ёки катта вилоятнинг ҳокими — губернатори.

⁴ Д о р у ғ а — шаҳар бошлиғи.

учун уларнинг усти ёпилсин, деб буйруқ берди. Халқнинг арзу додига қулоқ солмоқ учун тегишли қоида ва қарорлар чиқартирди:

«Қазвинда қимматчилик авжга чиққани сабабли шаҳар камбағалларига шоҳ омборидан буғдой улашилсин! Билармон кишилар ва устакор қудуқ кавловчиларни йиғиб, бир кенгаш мажлиси ўтказилсин, бунда Қазвинга сув чиқариш масаласи кўрилсин ва бу хусусда ҳамма чора ва режалар ёзилиб шоҳга тақдим қилинсин!»

Айнан шу вақтда, Хўлланд¹ тоифасидан бир тўда киши Эрон қўлтигига яқинроқ бир жойга келиб қўнган эди. Шу кунларда улар томонидан бир элчи ўз ёрдамчиси билан Қазвинга келиб қолди ва Эрон давлати билан савдо-сотиқ шартномаси тузмоқчи бўлганини билдирди.

Элчи ва унинг ёрдамчисини Юсуф шоҳнинг ҳузурига олиб келдилар.

Шоҳнинг илтифоти, ақлу фаросати ва уддабуронлигига элчи ҳам, унинг ёрдамчиси ҳам қойил қолдилар. Улар мурод-мақсадларига етиб, совғалар билан мамнун бўлиб қайтиб кетдилар.

Юсуф шоҳнинг тахтга чиққанига бир ҳафта бўлди. Унинг адолатидан халқ баҳраманд бўла бошлади. Эрон учун барака ва фаровонлик даври, бахт ва иқбол даври бошланди.

Қазвин аҳли илгаригидай, ҳар кун қалъанинг дарвозаларига нимта қилиб осилган инсон таналарини энди томоша қилолмай қолди. Улар шоҳ майдонида жаллодларнинг одамни тириклай нимталаб дорга осилларини ва кўз ўйишларини кузата олмадилар.

Бу ҳолат уларга анча ғалати туюлди. Даставвал:

— Афтидан, бу янги подшо кўп раҳмдил ва кўнгличан одамга ўхшайди... — дейишди.

Кейин, унинг раҳмдиллиги ва мулойимлиги устида ҳар хил гап ва мулоҳазалар юра бошлади. Ундаги бу хосиятни калтафаҳмлиқка ва бўшанглиқка йўйдилар. Бунинг устига Юсуф шоҳда яна минг хил бошқа етишмовчиликлар топилди. Хулласи калом, бунчалик жуда раҳмдил подшонинг ҳукмронлиги остида умр ўтказмоқ малол келадиганга ўхшаб қолди.

¹ Хўлланд — голландиялик.

Амалдан ҳайдалган тўралар ва маъмурлар халқ ўртасида юрган бу узунқулоқ «миш-мишлар»дан ўзларича маъно чиқариб олдилар, фурсатни ганимат билиб, фитна-фасодга киришдилар. Ҳар бирининг калласида тўполон ва исён орзулари туғилди. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай, Қазвинда катта тўполон кўтарилди. Исённинг бош сабабчиси ишдан қувилган мирохур бўлди. У кўчада собиқ хазинадорга дуч келиб кўришди ва у билан ёнма-ён кетаётганида сўради:

— Мирза Ҳабиб, бизнинг янги подшоҳимиз хусусида халқ нималар деяпти?

Мирза Ҳабиб:

— Халқ янги подшоҳимизни ўлгудай ёмон кўради. Уни раъйи бўш ва бекорчи хумпар деб санайди,— деди.

— Худо ҳақи, Мирза Ҳабиб, халқ биздан ақллироқдир,— деди мирохур.— Рост айтадилар азбарои худо, қандай аҳмоқлик қилиб қўйдик-а! Мартабаси йўқ бир саррожни олиб келиб ўзимизга подшо кўтардик, подшо эмас, бошимизга бало қилдик. Кўрсатган хизматимиз ва ихлосимиз учун мансабимизни ҳам қўлимиздан олиб қўйди. Ҳозир вилоятда итчалик ҳам обрўйимиз йўқ. Худо ҳақи, ўзимиздан чиққан бу шармандагарчиликни ҳанузгача ҳеч ким кўрган эмас...

— Ана холос, биз уни подшо қилиб кўтарибмизми? Буни Шоҳ Аббос буюрган бўлса, сен билан мен нима ҳам қила олардик!

— Ҳа, Шоҳ Аббос ўша вақтда подшо бўлгани рост. Унинг фармони у маҳал бизларга вожиб эканлиги ҳам тўғри. Хўш, ҳозирда Шоҳ Аббос йўқ-ку, биз бу лаънати бединни,— уни одамлар таносухий мазҳабда дейдилар,— тахтдан иргитиб ташлаб ўлдирсак, сўнгра Сафавия наслидан бирон шаҳзодани тахтга ўтқазсак бўлмай-дими? Бундай шаҳзода ҳеч бўлмаганда аслу насаби билан тахтга сазовор бўлар, ахир?!

— Бу гапинг маъқул. Бу ҳақда мен тамомила сенга қўшиламан. Лекин сен билан менинг — икки кишининг қўлидан нима келади? Юр, тўпхона бегиникига борайлик, унинг раъйини ҳам билайлик, ахир у ҳам бизга ўхшаб ҳайдалганлардан бири-ку...

Икковлон тўпхона бегининг уйига боришди. Тўпхона беги уларнинг келганига жуда хурсанд бўлди. Гапларига ғоят завқланиб қулоқ солди. Исён масаласида уларнинг гапига қўшилди.

— Бу масалада отлиқ сипоҳийлар саркардаси Бағирхоннинг розилиги бўлмаса, бу ишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди,— деди у.

— Бағирхон мен билан жуда қалин дўст. Уни бу ишда ўзимизга шерик қилиб олишликни мен ўз зиммамга оламан. Унга айтмоқчиманки, бу бедин Юсуф шоҳнинг салтанати даврида, бизнинг бошимизга тушган кулфат, албатта бир кун сенинг ҳам бошингга тушади деб. Бунга дарҳол илож топмоқ лозим. Бу сўз Бағирхонга таъсир қилишига имоним комил. Чунки кеча намози жумада у ичиб маст бўлиб мачитга киргани учун шоҳ ғазабланиб уни қаттиқ койибди.

Агар Бағирхон бу ишга розилик берса, пиёда сипоҳийлар саркардаси Фаражхон ҳам бизга қўшилади. Чунки у, Бағирхоннинг амакиваччаси ҳам куёви бўлгани учун ҳар бир ишда унинг раъйига қараб иш қилади. Аммо сизлар ҳам Қазвиннинг собиқ бекларбегиси олди-га боринглар, уни ҳам бу ишга кўндиришлар; у ҳам ишдан ҳайдалган доруға ва элликбошилар билан бу тўғрида гаплашиб олиб, уларнинг розилигини олмоққа ваъда қилсин!

Уч-тўрт кун мобайнида фитначилар бир-бирлари билан кўришиб, исёнга майллари борлигини билдирдилар ва шу қарорга келдилар: шанба кuni тонготарда подшо саройи қуршаб олинади, фитначилар ичкари кириб Юсуф шоҳни тахтдан туширадилар ва ҳалок этадилар. Сўнгра ўзларига Сафавия наслдан янги бир подшо кўтарадилар.

Тайинланган кун, тонг қоронғисида, ҳали подшо саройининг эшиклари очилмасдан илгари, қуролланган бир талай отлиқ ва пиёда сипоҳийлар унинг айланасини ўраб олдилар.

Юсуф шоҳ бу аҳволдан хабардор бўлгач:

— Саройнинг эшикларини очманглар!— деб буйруқ берди.

Юсуф шоҳ унга нисбатан очиқдан-очиқ хусумати бўлган собиқ мулла боши Охунд Самад, сардор Замонхон, вазир Мирза Муҳсин, муҳрдор Мирза Яҳё, мунажжим боши ва мавлоно Жамолиддинлар томонидан исён кўтарилиши мумкинлигини илгаридан билар эди. Шу мулоҳаза билан ҳам тахтга чиққан пайтдаёқ эҳтиёт юзасидан уларни қамаб қўйган эди. Аммо хатар ўзга тарафдан юз берди.

Шу орада Юсуф шоҳнинг тарафдорлари ҳам воқеадан хабардор бўлиб қуролланиб олдилар, тўда-тўда бўлиб шоҳ саройи томон йўл олдилар. Улар фитнакорларга рўпара бўлиб, ўз ниятингиздан қайтинг, деб насиҳат этдилар, бироқ ваъз-насиҳатлари исёнчиларга қор қилмади. Иш бости-бостидан ва келишувдан ўтди, икки томон бир-бирига ўқ ота бошлади, жанг бошланди. Ҳар икки тарафнинг кишилари жон-жаҳдлари билан урушардилар. Иш энди ўқ узишмадан ўтиб қиличбозликка айланди, ханжарлар ишга тушди, қон сувдай оқди.

Уч ярим соат давомида шиддатли жанг бўлди; иккала томондан қарийб олти минг киши ўлди ва яраланди. Оқибатда Юсуф шоҳнинг тарафдорлари ўртасида саросималик ва руҳий тушкунлик белгилари кўрина бошлади. Чунки кўрнамак халқ пайдар-пай шаҳардан чиқиб фитначиларга қўшилди ва шу билан уларнинг кўпайишига ва кучайишига сабаб бўлди. Юсуф шоҳнинг тарафдорлари шикаст еб, ҳар ким бир амаллаб бошини олиб қочиш тараддудига тушди.

Фитначилар бостириб келиб, шоҳ саройининг эшикларини синдирдилар. Ичкари кириб Юсуф шоҳни кўп ахтардилар, аммо тополмадилар. Юсуф шоҳ ғойиб бўлган эди. Баъзиларнинг айтишича, гўё у жанг пайтида ўз тарафдорларининг тўдасига қўшилиб ўзининг шахсан иштироки билан уларга далда бермоқчи бўлган, жанг қизиғида ўлдирилган... Бошқа бировлар эса, Юсуф шоҳ яширинча ўрдадан чиқиб кўздан ғойиб бўлди, дейишарди.

Хулласи калом, жангда ўлганлар қаторида унинг жасадини ахтариб тополмадилар. Бироқ бошқа бирон жойда ҳам ўша кундан кейин ундан дому дарак топилмади. Фитначилар шоҳ саройини талон-торож қилдилар, у ердан бозорга тушиб барча дўкон ва карвон саройларни таладилар. Ундан кейин, яхудий ва арман кўчаларига кирдилар. Барчасини хонавайрон қилиб, бор-йўқларини олиб кетдилар. Қуёш ботди. Ҳар ким ўз уйига қайтиб кетди.

Ғалаён тўхтади, шовқин-сурон тинди.

Эртасига эрталаб исёнчиларнинг бошлиқлари Аркка бордилар. У ерда сардор Замонхонни, вазир Мирза Муҳсинни, муҳрдор Мирза Яҳёни, мавлоно Жамолиддинни ва мунажжим бошини зиндондан чиқариб, бўлиб ўтган воқеани уларга нақл этдилар ва:

— Хўш, энди Сафавия наслидан қайси бир шаҳзодани тахт ва тожга кўпроқ сазовор деб ҳисоблайсизлар?— деб сўрадилар.

Мавлоно Жамолiddин:

— Худо ҳурмати, айтинглар, бугун оининг нечанчи куни?— деб савол берди.

Мирохур:

— Бугун наврўздан ўн олти кун ўтибдур,— деб жавоб қилди.

Мавлоно хурсанд бўлиб, деди:

— Энди ҳам еманглар. Тўполок кеча содир бўлган экан. Юлдузларнинг офати ўтиб кетибди. Сафавия шаҳзодаларига келганимизда, булардан биттаси ҳам салтанат тахтига лойиқ эмас, чунки улар тамоман калтафаҳм ва кўр кишилар. Шоҳ Исмоил булардан бир қисмининг кўзини ўйдириб кўр қилган, бошқа бир қисмини эса, шоҳ Аббоснинг ўзи... Бизнинг подшоҳимиз ҳали ҳам ўша Шоҳ Аббосдир.

Мирохур унинг гапини қувватлаб:

— Бизлар унинг шоҳлигига бажону дил хурсандимиз,— деди.— Унинг даврида ҳаммамизнинг ҳам вақтимиз хуш ўтар эди. Энди нима қилайликки, у тахту тождан кечиб кўзимиздан ғойиб бўлибдир. Ҳозир унинг қаердалигини ҳам билмаймиз!

Мавлоно бир кулиб қўйиб, деди:

— Унинг тахту тождан кечмоғининг бир сабаби бор эди. Эндиликда ул сабаб ўртадан кўтарилди. Биз шоҳнинг қайда бекиниб турганини биламиз. Бориб олиб келайлик ва ўз иморатига чиқазиб қўяйлик!

Ҳаммалари ўринларидан туришди ва Шоҳ Аббос бекиниб ётган уйга келишди. Уни хилватхонадан олиб чиқиб, шоҳ саройига бошлаб келдилар, у яна илгариги тахту тожини эгаллаб олди. Ишлар бурунги изига тушиб кетди, гўё ўртада ҳеч қандай ҳодиса юз бермагандай эди.

Мен бу юлдузларнинг тентаклигига ҳайронман, эронийлар уларнинг алдаганларини пайқамай ҳам қолдилар. Ахир, Юсуф саррож бечора Эронга шоҳ эмас эди-ку. Эронийлар найранг ишлатиб уни ёлғондан подшо кўтарган эдилар.

Юлдузларнинг анойилигини қарангки, ўзларини эронийларга алдатиб, бечора ва бегуноҳ Юсуф саррожни нобуд қилдилар. Шоҳ Аббосга тегмай, қирқ йил мобай-

нида унинг қонхўрлигини ва золимлигини пинак бузмасдан томоша қилиб турдилар!

Шоҳ Аббос шу қадар зулмкор ва аблаҳ одам эдики, у ўзининг бир ўғлини ўлдирди, яна иккита ўғлининг кўзларини ўйдирди; бошқа ўғли қолмагани учун ноилож набираси унга ворис бўлиб қолди. Аммо инсоф билан ўйлаганда юлдузларни қойиш ҳам ўринсиз!. Юлдузларда шахсан Шоҳ Аббосга нисбатан ҳеч қандай адоват йўқ эди. Улар, наврўздан ўн беш кун ўтганда, Эрон салтанатининг тахтидан, ким бўлса бўлсин, бирон кишини нобуд қилишлари керак эди, вассалом! Шу пайтда Эрон шоҳлигининг тахтида Юсуф саррож ўтирган эди. Шу вайдан юлдузлар ҳам уни тахтдан тушириб нобуд этдилар. Юлдузлар, эронийлар бизларни алдашлари мумкин деган фикрни хаёлларига ҳам келтирган эмаслар. Чин подшо ўрнига, эронийлар сохта подшони қалқон қилиб, балони даф этишларини юлдузлар қаердан билсин?!

Худо ҳақи, бунақа хавfli бир миллат билан жанг қилмоқчи бўлган инглизлар хўп аҳмоқ тоифа экан....

МУНДАРИЖА

Озарбайжон халқининг улуғ фарзанди 3

Ш Е Ъ Р Л А Р

А. С. Пушкин вафотига. *Мақсуд Шайхзода таржимаси* 11
Сайид Аламдор Салёний ҳақида ҳикоят З. Обидов таржимаси 14
Ахтармоқ бўлдим. З. Обидов таржимаси 17
Сайидга хитоб. *Рустам Комилов таржимаси* 18

П Ъ Е С А Л А Р

Мулла Иброҳим Халил кимёгар ҳикояти. *Мирзакалон Исмои-
лий таржимаси* 21
Наботот ҳакими мусъё Жордан. *Мирзакалон Исмоилий тар-
жимаси* 39
Хасиснинг саргузашти. *Рустам Комилов таржимаси* 69

Ҳ И Қ О Я

Алданган юлдузлар. *Мақсуд Шайхзода таржимаси* 117

На узбекском языке

МИРЗА ФАТАЛИ АХУНДОВ

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1963

Перевод с азербайджанского языка

Редактор *М. Осим*
Рассом *Ш. Булгаков*
Расмлар редактори *Г. Бедарев*
Техн. редактор *Н. Курилова*
Корректор *М. Жалилов.*

* * *

Босмахонага берилди 15/XII 1962 й. Босишга рух-
сат этилди 3/III 1963 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма
л. 4,75. Шартли-босма л. 7,79. Нашр л. 8,35.
Индекс: худ. Тиражи 15000. ЎзССР Давлат
бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий
кўчаси, 30. Шартнома № 236/61.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиёдатининг Их-
тисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида терилиб
ва матрица қилиниб, 1- босмахонасида босилди.
Тошкент, Ҳамза, № 21, 1963 йил. Заказ № 618.
Баҳоси 54 т.